



АНОР

КЎЗМУНЧОҚ,

2020/15
24

АНОР

КЎЗМУНЧОҚ

Озарбайжончадан Бобохон МУХАММАД ШАРИФ таржимаси



ZAMIN NASHR
Тошкент
2018

УЎҚ 821.512.133-3162 - 1

КБК 84(5У)

М 96

“...Болалик чоғларимдан бери дуч келган зулмлар, мактаб йилларимда камситилганларим, институтда ўқиган давримда ёлғизлигим, аёлларнинг бегоналиги ё макри, дўстларнинг эътиборсизлигига нима дейиш керак? ...Ёки маънавий задаликлар – юзимга кулиб, икки қўллаб кўришадиганларнинг номардлиги, энг яқин деб билган талабамнинг хиёнаги, отамнинг шафқатсизлиги, онамнинг ёлворишлари, умрим бўйи дуч келган ёлғонлар, бўхтонлар, умримни қисқартирган ноҳақликлар, ҳар куни қонимга катра-катра берилган заҳарлар... буларнинг ҳаммасининг бадалини олишим керак эмасми?..”.

Асар қаҳрамони Аҳлимани ана шу саволлар қийнайди ва уларга жавоб топишга уринади, Эзгулик йўлини танлаш-танламаслик хусусида иккиланади. Хуш, у қайси йўлни танлайди? Китобни ўқиб, уққанингиздан кейин бу саволга ўзингиз жавоб топасиз.

© “Кўзмунчок” (қисса) Бобоҳон Муҳаммад Шариф тарж.

ISBN 978-9943-5430-9-6

20/15
44

32641
291

ЭЗГУЛИК ВА ЁВУЗЛИК ОРАСИДАГИ ИНСОН ҚАЛБИНИНГ ЭВРИЛИШЛАРИ

Анор умумтурк адабиётининггина эмас, балки айни чоғда жаҳон адабиётининг атокли ёзувчиларидан биридир. У машхур адибгина булиб қолмай, айни чоғда таникли режиссёр, сценарист, драматург, публицист ва жамоат арбобидир. Анор 1938 йил 14 мартда Озарбайжонда туғилган. Унинг отаси Расул Рза ва онаси Нигор Рафибсйли мамлакатнинг атокли шоирлари эдилар. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, яхши оилавий муҳит кишининг усиб, камол топиши учун бир восита холос. Бу ҳақда Анорнинг ўзи жуда ўринли гап айтган: “Агар киши истеъдодли бўлса, у келиб чиқишидан қатъий назар, ўзини кўрсата олади, агар истеъдоди бўлмаса, ҳеч қандай оилавий анъана унга ёрдам бера олмайди”. Оилавий муҳит Анорда ёшлигидан адабиёт ва санъатга кизиқиш уйғотди, истеъдодининг камол топиши учун шароит яратди. У 1955 йилда Булбул номидаги мусика мактабини, сунгра 1960 йилда Озарбайжон Давлат университетининг филология факультетини, 1964 йилда Москвадаги Олий сценаристлар (1964) ва Олий режиссёрлик курсларини (1972) тамомлади. Адабиёт музейида илмий ходим (1960-1961). Телевидение ва радиоэшиттиришлар қўмитасида муҳаррир (1961-1967) бўлиб ишлади. 1968-1987 йилларда “Қўбустон” санъат журналининг бош муҳаррири бўлди. 1991 йилда Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлиб сайланди ва ҳозиргача шу вазифада ишлаб келмоқда. Унинг “Байрам ҳасратиди” (1963), “Ёғиш тинди” (1968), “Мулла Насриддин-66” (1970), “Мажол” (1973), “Одамнинг одами” (1977), “Ичаришаҳар” (1978), “Сизни деб келганман” (1984), “Дунё бир деразадир” (1986), “Сизсиз” (1992), “Шаҳарнинг ёз кунлари” (1992), “Шаҳидлар доғи” (1995), “Минг беш юз йиллик ўғуз шеърятини” (1999), “Ок

кучқор, қора кучқор” (2003) каби китоблари нашр этилган ва дуненинг куплаб тилларига таржима қилинган. Анор сценарийлари асосида ундан ортик фильм суратга олинган ва улардан учтасига муаллифнинг узи режиссёрлик қилган. Мана шу қисқа рўйхатнинг узи Анорнинг серқирра фаолиятидан дарак бериши билан бир қаторда, унинг нақадар сермахсул ижодкор эканини яққол курсатиб гурибди. Асарларининг юксак бадийлиги, уз асарларида даврининг ва озарбайжон жамиятининг долзарб масалаларини кутариб чиққани ва бадий талкин этишга эришгани унинг жаҳон миқёсида эътироф этилишига сабаб булди. Анор хақида ёзган купгина тадқиқотчилар унинг асарларининг моҳияти, образлар системаси ва хоказоларни тилга олишадими-ю, унинг меҳнати, раҳбарлик фаолиятига улчалик куп тўхталишмайди. Ҳолбуки, ёзувчи ҳаёти ва ижодини тулик тасаввур этиш учун буларни билиш керак. Шу боисдан ҳам бу мухтасар кириш сузимда Анорнинг меҳнат фаолияти ва ёзувчилик маҳоратига қисқача тўхталишга жазм қилдим.

Кушнинг қаноти жуфт булмаса, уча олмаганидек, истеъдод ва меҳнат қилиш қобилиятидан бири булмаса, санъаткор юксакларга парвоз қила олмаслиги оддий ҳақиқат. Дарҳақиқат, қанчадан-қанча истеъдодли кишилар меҳнат қилишни билмагани, танбаллиги туфайли юзага чиқмай қолгани каби, кеча-ю кундуз тиришиб меҳнат қиладиган, лекин истеъдодсиз ёзувчилар урта миёна асарлар яратишдан нарига утолмадилар. Анорнинг бахти шундаки, у истеъдодли ёзувчи ва айни чоғда Аллоҳ берган истеъдодини хор қилмайдиган меҳнатқаш ижодкордир. Мана, қарийб эллик йилдирки, у биринчи раҳбар лавозимида ишлаб келмоқда. Раҳбарлик санъат булиши билан бир қаторда, чинакамига фидойилик талаб қиладиган машаққатли меҳнатдир. Чунки қул остингдаги ходимлар саккиз соатлик иш қунидан кейин дам олади, таътил ва байрамларда истироҳат қилади. Лекин

рахбар ишга эрталаб соат нечада келишини билади, аммо уйга соат нечада қайтиши номаълум. Унинг учун дам олиш кунни, таътил деган тушунчанинг узи йук ҳисоби, кўпинча, ҳатто, байрамларда ҳам ишлашига туғри келади. Мансаб энг аввало масъулият, унга лойиқ булмок даркор. Айни чоғда амал ижодкорнинг вақтини аямай ейдиган бир аждарҳо. Муносиб киши учун мансаб – халққа, ватанга фидокорона хизмат қилиш, номуносиб киши учун эса ўз нафсини кондириш воситасидир, холос. Зотан давлат одами узининг тор манфаатларини эмас, энг аввало давлаг манфаатларини устун қуйиши билан бошқалардан фарқ қилади. Нолойиқ кишининг мансабда утиришидан эса соҳа орқага кетади, таракқиет булмайди, халқ ҳам, жамият ҳам зарар куради холос. Нокобил амалдорнинг хатоларини тузатиш, соҳани тиклаш, муҳими одамларнинг умидини ишончга айлантириш учун қанчадан-қанча вақт, куч, маблағ сарф булади.

Узини, ўз эҳтиёжлари, ижоди, роҳатини, ҳаттоки, оила, бола-чакасини унутиб, фидокорона ишлаган қанчадан-қанча улуғларимизни халқимиз бугунги кунда эъзоз билан тилга олмоқда. Бунақа фидойилик ҳамманинг ҳам қулидан келавермайди. Эртадан кечгача ташкилий ишлар билан шуғулланиш, кимларнингдир ҳожатини чиқариш, кети узилмайдиган турли даражадаги мажлисларда иштирок қилиш, мамлакатнинг турли бурчаклари ва чет эллардан келадиган меҳмонларни қутиш ва ҳоказо. Мана шундай тиғиз иш орасида Анорнинг бадий ижод билан шуғулланишга вақт топганига, бадий баркамол асарлар ярата олганига қойил қолмай иложингиз йук.

Озарбайжон Езувчилар уюшмасига Анордек истеъдодли, ташкилотчи ва меҳнатқаш бир кишининг раҳбар булиши озарбайжон адиблари учун бир омад десам муболаға булмаса керак. Анор республика оғир дамларни бошдан кечирастган алғов-далғовли вақтларда уюшмага раис булиб сайланди ва ўша давр туфонларидан уюшмани омон-эсон

олиб утди, кейин эса ривожланиши учун бор кучини аямай меҳнат қилди. Унинг даврида янги нашрлар, янги газета ва журналлар таъсис этилди, еш истеъдодларга эътибор кучайтирилди, имкониятлар яратилди. Хусусан, “Таржима ва адабий алоқалар маркази” таъсис этилди, “Дада Қуркут энциклопедияси” яратилди, “Адабиёт ва инжа санъат” газетаси тулалигича Ёзувчилар уюшмасининг тасарруфига утказилиб, “Адабиёт газетаси” номи остида чоп этила бошланди, “Кубустон” мажмуаси ҳам уюшманинг органига айлантирилди, уюшма қатор чет эл ёзувчилар ташкилотлари билан алоқалар урнатди ҳамда кенгайтирди ва ҳоказо.

Тажриба мамлакат ва жамиятнинг ривожи, ёшидан қатъий назар, истеъдодли, ҳалол, ташкилотчи раҳбар кадрларга боғлиқ эканини қурсатиб турибди. Ҳалол ва тажрибали, фидойи кекса ва урта авлод вакиллари билан бир қаторда умидли, масъулиятли ёшларни раҳбарлик ишларига жалб қилиш, шубҳасиз, яхши натижа беради. Анор ёш ёзувчиларни масъул ишларга ҳеч чучимамай жалб қилмоқда. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада адабиётнинг юксалиш уфқини кенгайтирди. Булар туғрисида Анорнинг узи чет эл оммавий ахборот воситалари билан қилган мулоқотида бундай деган эди: “Мен ёш ёзувчиларимизни масъул ишларга тобора қупрок жалб этишга ҳаракат қиляпман, лекин ҳозир улардан қимнидир алоҳида ажратиб қурсата олмаيمان. Албатта, бир нечта истеъдодли ёшларимиз бор, мен келгусида уларга умид боғлайман. Афсуски, озарбайжон адабиёти анча олға босди, деб айта олмаيمان, аксинча у анча орқага қолди. Уз вақтида, айтайлик, Юсуф Самадуғли, Исо Хусайинов, Исо Малиқзода, Элчин Иброҳимбеков каби ёзувчилар яратган асарларга тенг келадиган асарлар ҳозир йук. Лекин бизда қобилиятли ёзувчилар бор, улар ҳозир пишиб етилиш палласида турибдилар. Яқин орада биз адабиётимизнинг юксалишини қурамиз, деб умид қиламан”. Ҳаққоний

этироф! Холбуки, шуро давридан мерос қолган хайбаракаллачилик, адабиёт соҳасида ҳам “қушиб ёзишлар” хануз, афсуски, бор. Кимларгадир ёкиш учун ёлғон сузлаш амалиётига барҳам бералиган вақт аллақачон келди. Ёлғоннинг умри қисқа, лекин оқибати оғир. Буни катта авлод вакиллари ўз бошидан ўтказдилар ва бу бугунги авлодга сабоқ бўлмоғи даркор. Кузбуямачилик жамиятни ҳам, раҳбариятни ҳам қалғитади, охир-оқибат туғри йул танлаш имконидан мосуво этади. Шундай бир вақтда Ёзувчилар уюшмасининг сардори сифатида Анорнинг мавжуд камчиликларни кўра олиши, ҳаспушламаслиги, рўй-рост айтиши ва уларни барҳам топтириш йулларини ахтариши ибратга, таҳсинга лойик. Адибнинг раҳбар қандай бўлиши кераклиги хусусидаги қарашлари бир қанча, шу жумладан “Яхши подшоҳ ҳақида эртақ”, “Оқ қўчқор, қора қўчқор” асарларида ўз талқинини топган. Адибнинг ижтимоий фаолияти эзгуликка хизмағ қилгани қаби, бадиий асарларида ҳам эзгулик улуғланди.

Анор яратган асарлар юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. Ёзувчи, деярли барча асарларида, энг аввало, укувчига зарур гап айтишга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди. Адиб мавзу, шакл нуктаи назаридан ҳар гал янги йулдан борди, узини ўзи такрорламади, янги характерлар яратди. Унинг ҳар бир асари адабий жамоатчилик орасида баҳсларга сабаб бўлган, уларга турлича баҳо берилган.

Чунончи, зиддиятли фикрларга сабабчи бўлган “Яхши подшоҳ ҳақида эртақ” ҳикоясини олиб кўрайлик. Мазкур ҳикоя турғунлик йиллари деб аталган давр авж палласига кутарилган 1970 йилда ёзилган. Асар қучли истехзо, кинояга йўғрилган. Чилистон юртининг подшоҳи ҳаммадан адолатлилиги билан ном чиқарган, у “ўз фуқароларига гулдан оғир сўз айтмас экан. На уларни ранжитар, на бошини олар, на дорга осар экан”. Жуда сулув хотини уни ташлаб,

вазир билан узга юртга кочиб кетади. Бу хотин эркинлик рамзи булгани учун бошкалар эсламасин дея. подшоҳ олдин хорижий радио эшитишни, сунгра хиёнаткорни, хатто, руёда кўрмасликлари учун туш кўришни такиклайди ва ҳар бир киши курган туши тўғрисида ёзма маълумот бериши тўғрисида фармон чикаради. Тушларни махсус комиссия текширадиган, тартибга соладиган, уларга ижозат берадиган, назорат киладиган булади. “Тушлар соғлом, очик-ойдин бўлиши керак”. Фукаро “бахтиёрлик, фароғат” оғушида яшай бошлайди. Ҳамма маза қилиб ухлаган бир вақтда подшоҳ уйқусизлик касалига йуликади ва унинг хаёлига бундай фикр келади: “Хуш, узинг бахтсиз булганинг холда ҳамманинг кайғусини чекишнинг, ҳаммани бахтиёр қилишнинг нима кераги бор? Нега ҳамманинг кайфи чоқ, сеники ёмон бўлиши керак?..” Энди подшоҳ кечалари ҳеч бир киши ухламаслиги кераклиги тўғрисида фармон чикаради. Подшоҳ гоҳ-гоҳ вазирларидан фукароларим бахтиёрми, биздан розими, деб сураб туради. Вазирлар бир овоздан ялтоқлик қилиб, фукаролар бахтиёр, бир-бирига меҳрибон, дея жавоб берадилар, ҳақиқатни яширадилар. Навбатдаги фармон билан сурок гап такикланади. Энди ҳеч ким ҳеч нарса сурамайдиган, ҳукмронларнинг боши ҳам оғримайдиган булади.

Ҳикоя охирида вазир подшоҳга олдинги ҳукмдорлар замонида такикланиб, узи тугул, хатто номи ҳам унутилиб кетган кузгу нарчасини олиб келади. Подшоҳ жуда ақли, тажрибали, одамнинг юзига қараб, сифатларини айтиб берадиган киши булгани учун кузгуга қарайди-ю, кўринган аксинг сифатларини сўйлай кетади: “Бунинг жохил башарасини кўрмайсан, қара, аҳмоқнинг, разилнинг ўзгинаси-ку, бутун дунёга нафрат билан қараб турибди. Узини хайрихоҳ кўрсатса-да, ҳаммага кин боғлаган. Шунинг учун ҳам кин боғлаганки, бадбахт кимса бу. Бадбахтки, ҳаммани бадбахт қилишни истайди”. Эркинлик бўғилган,

мустабид ҳокимнинг чексиз ҳукмронлигига асосланган, ҳар қандай аҳмоқоно истаги эзгулик деб қабул қилинадиган бу ҳол китобхонни уйга солади. Зукко китобхон ёзувчининг нима демоқчи булганини пайқайди, инсонийликдан нирок бу ҳолатга фақат мустабидликкина эмас, мутелик сабаб булганини англайди. Фақат мустабидликнинг узигина эмас, балки мутелик, фикрий кашшоклик мустабидлик, зуравонлик тегирмонига сув қуядиган иллат эканини ёзувчи бадий ифодалашга эришган. Ҳикоя шуро замонасининг ойнаси булди, давр иллатларини рамзий йул билан каттик фoш қилди. Бу уша вақтда жасорат эди.

Адиб “Беш каватли уйнинг олтинчи кавати” романида ҳал этилиши жамият олдида кундаланг булиб турган маънавий-ахлоқий муаммоларни тасвирлаган булса, “Ок кучкор, қора кучкор” асарида ижтимоий-сиёсий масалаларни каламга олди. Кейинги романда ёзувчи мамлакатда эзгуликнинг қарор топишида раҳбарнинг урни ва роли масаласини узига ҳос тарзда ёритди ва худбиннона ташланган қадамлар халқ бошига тузатиш мушкул булган кулфатлар ёғдириши мумкинлигини бадий гавдалантирди. Умуман, Анор уз асарларининг барчасида эзгулик ва ёвузлик орасида турган инсон тақдирини таҳлил қилади ва укувчинини давр, жамият, инсон учун муҳим хулосалар чиқаришга йуллайди. Мамлакат, жамият учун фикрсизлик, фикрий нотавонлик ғоят катта кулфат. Шу боисдан Анор муаллимнинг фикрий нотавонлик, фикрсизликнинг даҳшатли оқибатларини ёритишга, эзгуликни улуғлашга қаратилган асарлари китобхон қалбидан чуқур жой олди ва улар доимо долзарб булиб қолаверади.

Анор қаҳрамон психологияси, руҳий оламини очишга уста ёзувчи. Бунда у реалистик тасвирга гоҳо сюрреалистик унсурларни эш қилиб юборади. Асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, амаллари унинг ички дунёсида содир булаётган узгаришларга мос равишда тасвирланади.

Анорнинг сунги “Кузмунчок” киссаси қаҳрамони Аҳлиманнинг уйларига эътибор беринг: ...”Болалик чоғларимдан бери дуч келган зулмлар, мактаб йилларимда камситилганларим, институтда ўқиган давримда ёлғизлигим, аёлларнинг бегоналиги ё макри, дўстларнинг эътиборсизлигига нима дейиш керак? ...Ёки маънавий задаликлар – юзимга кулиб, икки куллаб қуришадиганларнинг номардлиги, энг яқин деб билган талабамнинг хиёлати, отамнинг шафқатсизлиги, онамнинг ёлворилари, умрим бўйи дуч келган ёлғонлар, бўхтонлар, умримни қисқартирган ноҳақликлар, ҳар куни қонимга катра-катра берилган захарлар... буларнинг ҳаммасининг бадалини олишим керак эмасми?..” Аҳлиманни ана шу саволлар қийнайди ва уларга жавоб топишга уринади, Эзгулик йулини танлаш-танламаслик хусусида иккиланади. Хўш, у қайси йулни танлайди? Инсон ички дунёсида мана шу икки куч уртасида доимий кураш боради. “Инсон узини ўзи яратади, истаса. Хурмузд бўлади, истаса Аҳриман бўлиб етишади. Инсоннинг ичида ҳар иккиси – Хурмузд ҳам, Аҳриман ҳам бор”, дейди кисса қаҳрамонларидан бири. Дарҳақиқат, Раҳмон, яъни эзгулик йулини танлайдими ёки шайтон, яъни ёвузлик йулини танлайдими, бу – инсоннинг ўзига боғлиқ. Аллоҳ инсонга ирода эркинлигини берган.

Мазкур киссада умр бўйи ноҳақликларга дуч келган, камситилган, хурланган кишининг руҳий олами конкрет ҳолатлар, деталлар, диалоглар, тукнашувларда ёритилган. Тириклай қумиб юборилган кишининг гурда ўзига келгандан кейинги ҳолати ғоят таъсирли чизиб берилади. “Оғрик... Дахшатли, чидаб бўлмайдиган оғрик... Баданимнинг, юз-қузимнинг ҳар қаричига чуғ босишяпти. Оғриқдан кичқирмоқчи бўламан... сасим чикмайди.

Оғрик... қоронғилик... Зим-зиё қоронғилик. Ҳеч нарсани қуриб бўлмайди. Қўзларим ҳеч нарсани қурмайди. Қўзларим юмуқ...

Оғрик... даҳшатли, чидаб булмайдиган оғрик....” Бу илк сатрлар укувчи диккатиини узига тортади ҳамда ҳолат тобора таранглаштирилади, динамизм фаслдан фаслга кучайтирилади ва бу ҳол асар ечимига қадар давом этади. Укувчи диккатиини ушлаб туриш учун катга маҳорат даркор. Анор бу сунгги киссасида ҳам маҳоратли ёзувчи эканини намоиш эта олган. “Тирилиб” қабрдан чиккан Аҳлиман ҳаёт йулини қайта назардан утказида, энди эзулик йулидан юришни ният қилади, лекин шафқатсиз вокелик унинг орзуларини чилпарчин қилади. Қабристондан уйига қайтган Аҳлиман суюкли шогирдининг ҳали уч кун ҳам утмай, уй-жойини узлаштириб олганини, умрида ягона севган аёли шогирдига уйнаш булганини ва бошқа қабохатларни куриб, даҳшатга тушади.

Анор ташки, яъни персонажлараро конфликт воситасида ҳам, икки конфликт, яъни қаҳрамоннинг ички дунёсидаги зиддиятлар кураши орқали ҳам ёркин характерлар, образлар яратишга эришади. Хусусан, Аҳлиманнинг рад қилиб булмайдиган илмий далилларга асосланган тадқиқотини илмий кенгаш аъзолари бир овоздан макташади, лекин яширин овоз беришга гал келганида ёппасига қарши чиқишади. Бу риёкорликдан Аҳлиманнинг ичида Аҳриман бош кутаради, яъни ёвузлик хисси қайта уйғонади ва уни интиқом йулига бошлайди.

Адиб кичкина бир деталь воситасида қаҳрамонлар, ҳаттоки, уткинчи персонажлар ички дунёсини очиб беради, уларнинг характерини куз унгимизда яккол намоён қилади. Чунончи, қабристонда ҳам ароқхурлик қиладиган гурков Насрулло, шофёр Фозил, фаррош Дадаш ва унинг хотини ҳамда бошқа уткинчи персонажлар китобхоннинг ёдида қолади. Айни чоғда бу образлар асосий қаҳрамон характерининг у ёки бу жиҳатини очишга йуналтирилгани билан ҳам қимматлидир.

Анор турк дунёсига, айниқса, Ўзбекистонга, узбек адабиётига, адибларига кагта ҳурмат билан қарайди. Бу ҳақда у узаро суҳбатларимизда, газеталарга берган интервьюларида қуп бора айтган. “Озарбайжон ва Ўзбекистон уртасидаги кадимий адабий алоқалар мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан кейин янада мустаҳкамланмоқда. ...Ўзбекистонда менинг ижодимга алоҳида ҳурмат билан қарашларидан мамнунман”, дейди у. Анор узбек китобхонига яхши ташиш. Унинг “Дантенинг юбилейи” ва бир нечта ҳикоясини иқтидорли таржимон Маматкул Ҳазратқулов биринчилардан булиб узбек тилига угирган эди. Сунгги даврларда истеъдодли таржимон, марҳум Усмон Қучқор Анорнинг бир нечта роман, киссалари ва ҳикояларини китобхонларимизнинг мулкига айлантирди. Унинг таржимасида 2016 йилда ёзувчининг бир нечта асарини уз ичига олган “Мен, сен, У ва телефон” туплами нашр қилинди. Бу тупламга кирган асарлардан гашқари Анорнинг “Ок қурфаз”, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”, “Қизил лимузин” асарлари ҳам узбек тилига таржима қилинган. Бу асарлар узбек китобхонининг маънавий-руҳий дунёсини бойитишга хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ

“Борди-ю Аллоҳ қулоқ ва кузларингизни олиб қўйса ва дилларингизни муҳрлаб қўйса. Аллоҳдан бошқа уни (қайта жошига) келтирадиган илоҳ ким экан?”.

Қуръони Карим, Анъом сураси, 6:46

“Хорацио, ер ва кукда шунчалик кун тилсимлар борки, улар олимларингизнинг тушига ҳам кирмаган. Уларни бизнинг идрокимиз тасаввур ҳам эта олмайди”.

**В.Шекспир,
инглиз драматурги, “Ҳамлет”дан.**

“Бизнинг воситамизда Ҳақиқатни билиб олишлари учун Аллоҳ бизни яратган”.

Жалолиддин Румий, турк шоири

“Мўъжизани инкор этган киши шу заҳоти Аллоҳни ҳам инкор этади, чунки у мўъжизага муҳтождир. Мўъжизасиз яшай олмагани учун ўзи мўъжизалар тўқий бошланди, жоду, афсул, фолга майл билдиради”.

Ф.М.Достоевский, рус ёзувчиси

“Ҳақиқат бизни улдирмаслиги учун бизга санъат берилган”.

Фридрих Ницше, немис фанласуфи

БИРИНЧИ ФАСЛ

ДАФН ЭТИЛГ АНИМДАН КЕЙИНГИ И УЧИНЧИ КУН

Дунё бирдан музлаяжак,
Ювгувчи танимни юважак.
Охири мени қабрга қуяжак,
Ажаб, не булур холим маним.

Беш қарич буздандир туним,
Илон-чаён еб кетадир таним.
Қаёққа бурилмай, тош ёним,
Ажаб, не булур холим маним.

Юнус Эмро.

“Инсон фақат бир қамишдир, табиатда оғизларнинг оғизидир, аммо у фикрлайдиган қамишдир. Коинот уни маҳв этмоқ истаса, қишчилик тортмайди, осонликча улдира олади. Аммо Инсон уни улдирган Коинотдан қура лаёқатлидир, чунки у улганини билди, аммо уни улдирган Коинот ўзининг бу устунлиги ҳақида ҳеч нарса билмади”.

Блез Паскал, француз файласуфи.

“Улим бутун инсониятнинг умумий бахт-саодатидир, бизни У дунёда абадий саодат қутадиими? Бу саволнинг жавоби бизни жар ёқасига олиб келиб қуядики, бу жардан сакраб ўтиб кетолмаймиз”.

Сорен Кйеркекор, Дания файласуфи.

Оғриқ... Даҳшатли, чидаб булмайдиган оғриқ...
Баданимнинг, юз-кузимнинг ҳар қаричига чуғ босишяпти.
Оғриқдан кичкирмоқчи буламан... сасим чикмайди.

Оғрик... қоронғилик... Зим-зиё қоронғилик. Ҳеч нарсани куриб булмайдн. Кузларим ҳеч нарсани курмайдн. Кузларим юмук...

Оғрик... дахшатли, чидаб булмайдиган оғрик... Аста-аста хотирам тикландн... Баландлик. Жуда-жуда юксак баландлик. Тоғ чуккисими, ажабо? Йук, чукки эмас. Олдимда куринмас жар тургандай...Учаман...

Баланд бинонинг тепасидан... Рупарамда жарлик... Учаман...

Оркадан якинлашаётган ким?.. Бир кули елкамда, бир кули белимда... Кучли туртки. Учаман...

Жарнинг туби – куча. Бинолар умбалок ошади... Сониянинг мингдан бири... Зарба. Ичимда не борса, купибу тукилади... Юз-кузим иссиқдан буғланган асфальтга ёпишиб, патирдай ясеи булиб қолади. Бурним ёнокларим орасидан ичкарига чукади.

Оғрик... Дахшатли оғрик, чидаб булмайдиган оғрик... Миямда чакинлар чакади.

Сунгра... ҳеч нарса...

...на оғрик, на нур, на қоронғилик... Сассизлик, сукунат...

Энди оғрик – оғрик эмас, оғрикнинг тасаввури. Қачондир хис қилини ан оғрикнинг хотирада қолган изи.

Қовокларини оғир юк қутаргандай зур бериб, зурға очди. Зим-зиё зулмат... Бу – юмук кузларининг ичида пушти, сарик, яшил халқачалар уйнаган қоронғилик эмасди, очик кузларнинг қоронғилиги эди. Бугун оламни босган қоронғилик... Ҳеч ердан яна ҳеч қандай ёруғлик тушмайди. Шунчалик қуюқ қоронғилик эдики, куз ҳеч вақт бунга ўрганиб, ҳеч нарсани ажрата олмайди.

Нақадар тикилсанг – тикил, атрофдаги ашёларнинг чизикларини бир-биридан ажратолмайсан. Аслида, атрофда ҳеч бир ашёнинг узи йук. Атрофнинг узи ҳам йук. Тор, қоронғи бир қопнинг ичида эди гўё.

Она қорнининг қоронғилиги...ташки дунёнинг ранглари хақида ҳеч қандай тасаввур бўлмаган вақтнинг қоронғилиги. Ёки бу дунёга, сруғликка чиксанг-да, яна туғма суқирлик ичидасан.

Бу қоронғилик бугун борлиғини бирданига, чидаб бўлмайдиган оғрик билан баробар босғанди ва энди оғрик сусайиб, йуқолганидан кейин, уша қиска лахзанинг хотираси жонини оғрикнинг узидай сирқиратяпти...

Оғрик унга шуурини қайтарди, шуури томчи-томчи, қатра-қатра, мисқол-мисқол ҳаракатга келди.

Уни бу баландликдан итариб юборган ким эди? Оний учишдан сунгра ичида оний портлаш юз берди, гуё ичида нимаикки бўлса, ҳаммаси қушиб туқилгандай бўлди. Бас, бу сув қаердан пайдо бўлди, шаррос ёмғирдай бошига ёғяпти. Душ... турқлар уйқуга "душ" дейишади. Бизда душга "пуркагич" деганлар ҳам бор. Аммо бу сув душ каби пуркалаётгани йўқ, шаррос қуяётган ёмғир ҳам эмас. Туппа-туғри тоғорадан ағдаргандай, бутун баданини бир зумда бошдан-оёқ ҳуллаган, совуқ кунда бутун борлиғини қашқатган, этларини сизлатган эди... Вужуд... Вужуднома. Инсонни дунёга келган онидан бошлаб дақиқасигача тасвирлаган бир шеър. Ҳатто, улимидан сунг қабрдаги холатини ҳам... Қайсидир файласуф айтган-ку, улим онидан, агар бу ногоҳоний улим бўлса-да, ҳар бир инсон бутун яшаган умрини, энг майда-иқир-чиқиригача бир лахзада қуради...

Бирдан юзида чандиғи бўлган киши ёдига тушди... Нарда тахтасига отилган соққаларнинг тарақлаши, олтига турт, бешга беш деган овозлар эшитилди; беш қуша деган суз эсида қупроқ қолган. Қан-қатта олим... Гуриллаётган ут ичида ёнаётир... оловдан қутулиш учун гиламга уралади, гиламга ҳам ут туташиб, ёна бошлайди... Иул-йул қирмизи халат кийган Зоқирнинг қузлари олайган, яланғоч хотиннинг белида банка урни... Қоронғи меҳмонхонада аёлнинг оқариб

куринган тиззалари... Ким эди бу хотин? Ажал фариштасими? Азроилми?

Улим шунақа булар экан-да... Уша баландлик, учиш, оғрикнинг хотираси... Таниш юзлар... Улган булса, буларни кандай эсаяпти? Балки, у дунё деганлари шу булса керак... Улим нима узи – доимий Сунг ва бошқа бир хаётнинг боши...

Тор жойда ниҳоятда сикилаётган эди... Күл-оёк узатмокни хошлар, лекин улар боғлаб куйилган эди... Эсига бир нарса тушди. Мисрда эди, тор туннелдан эхромлар томонга судралиб борарди... Бирдан юраги сикилди, тухтамокчи булди, аммо кувур каби тор туннелнинг ичида калқа олмади, олдида у каби эмаклаб кетаётган туристлар, оркада ҳам туристлар... на олдинга, на оркага утиш мумкин, бошини ҳам кўтара олмасди, кара, шу лахзада бугилиб колади, юраги ёрилиб кетади...

Ерилмади. Ҳозир ҳам айна хисни бошдан утказаетган эдим. Аммо кичкинагина, бир карич болага айланганман... баданим, кулларим, оёкларим нам, ёпишқок, юмшок деворларга тегади. Қонли ва шилимшик моддадан иборат копнинг ичидаман. Қоронгилик ва сукунат ичида жуда олислардан бир сас эшитилади – бир маромдаги тақирлаш, худди вагонларнинг тараклашига ухшайди, поезд каёккадир шошиб кетаётгандай... ва ичимда бу тараклашга ҳамоҳанг тарзда бир нарса силкиланади, бориб-келади...

Қорнининг туридан ичига бир нарса окарди... Тукларини (холбуки, ҳали туки ҳам йук) тикка қилиб юборадиган бир бакирик... аёлнинг кичкириги... Сувга ғарк булаётган эди... бугилиб улишига бир баҳя қолиб турганди... Уни кандайдир бир куч итара бошлади.

Кўп узок йиллардан сунг болалиқдан улимга кадар суригани каби энди ҳам хаётга қайтарилаётган эди... Узининг, йўк, кимнингдир оғриги, нолалари, фарёдлари, узук-юлук сўзлари остида бир тор туннелга парчинланганди, кутулмок истарди... бугилаётганди

Ҳар бир уриниш, ҳар бир фарёд уни ёруғликка яқинлаштираверди... яна бир ҳамла, яна бир бакирик. Бирдан осудалик ҳис килди ва совқота бошлади. Шу заҳоти бакириб, йиғлай бошлади.

Ҳаркалай қасрдадир уқиган эди, дунёга келиб-кетган барча одамларнинг фақат биттаси – Зардушт пайғамбар онасидан туғилган пайтда йиғламаган, кулган экан.

Нсга йиғлаётган эди? Жони жонидан, кони конидан булган борликнинг бутун оғриклари, азоблари, кучанишлари билан унинг ичидан ёруқка чиккан, бу гузал дунёга келган эди.

Келгандим. Қайсидир файласуф инсон дунёга сассизлик ичида келади, деган экан. Дунёга шундай келганман, шундай кетмоғим керак, оний бир учишда кетмоғим керак. Улиб, ерга узала тушганимдан кейин тупроққа кумилишим керак эди. Аммо буни ҳеч эслай олмасдим. Шуурим уша даҳшатли учиш, даҳшатли оғриққа кушилиб суниб кетган... Энди булса, табиийки, тупроқ остида булишим керак эди.

Тупроқ остида, улиқлар дунёсида булиши керак эди. Шундай экан, миясига томчи-томчи сизаётган, хотирасини турли-туман гаплар, сахналар, саслар билан тўлдираётган бу фикрлар нимаси?

Бир умр материалист булган. Улимидан кейин бошқа бир ҳаёт булиши мумкинлигига ҳеч қачон ишонмаган. Балки янглишгандир. Балки умр соат капкири каби ҳаст ва улим орасида у ёқдан бу ёққа бориб-келар. У ёққа дегани – маълум) Лекин бу ёққа-чи? Ҳаёт капкири бу ёққа утиб кетдими? Бас, унда?

У дунё деганлари бу экан – торларнинг тори, рутубатли, моғор хиди анкиган, нам, совуқ, сассиз-садосиз...

Кул-оёғим боғланган, ҳаракатсиз узаниб ётибман. Ҳозир мункар-накир келади, саволга тутади... Улиқлар ҳазиллашар эканми? Модомики, улиқ эканимни аниқ билаётган булсам, бу ҳақиқатан ҳам улимми?

Бир фикр бирданига, яшин чаккандай, миямни ёриштириб юборди: улик эмасман.

Тирикман... Бу туврокка тириклай кумилганман ва энди кандайдир муъжиза туфайли улим уйкусидан уйғониб кетганман... Кул-оёғим боғланган, бутун танам кафанга каттик уралган... Демак, мени улган деб уйлаб, кафанлабдилар, гуримни казибдилар, лаҳад оғзига оғир, бутун тошларни куйиб, устига туврок тортибдилар...

Буни идрок этишга юраги дош бера оларди. Ҳеч булмаса... Бу чиқилмас жойдан чиқишнинг ягона йули буларди, деб уйлади. Чиқишнинг бошқа йули йук. Кафанни йиртган тақдирда ҳам оғир тошларни суриб ташлашга, туврокни тепага отиб, калкиб чиқишга кучи етмайди...

Кутулишнинг ягона йули (ҳа, халос йули!) сабр қилиш, тишини тишига куйиб, ҳақиқий улимни кутиш эди... Қизик, мозордаги ҳаво қанча вақтга етар экан?

Қизик, дафи этилганимга неча кун булди экан? Модомики, нафас олаётган эканман, демак, яқин орада кумилган булсам керак. Ҳақиқий улим ҳаво етишмагани сабабли буғилиб, сунгги нафасимни кесгунча азоблар тортсам керак. Мозор курт-кумурсқалари кафанимни титади, сунгра аъзойи баданимни кемиради... Аллоҳим, не гуноҳим бор эди? Сенга ишонмаганимми? Худо ҳаққи, ич-ичимдан ишонганман, аслини айтганда, мухит, шаронт сабабли “ишонмайман” дейишга мажбур эдим.

Ҳа, энди Аллоҳга юзланасан, умринг буйи борлигидан тониб келган Аллоҳга... Аллоҳга таваккал қиласан... Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса, ҳеч кимдан умид йук...

Мени фақат Аллоҳ деб аталадиган Муъжизагина кутқара олиши мумкин. Йук, бу хомхаёлдир, балки мени жазолаган ҳам Аллоҳнинг узидир. Албатта, агар унинг узи булса. Демак, яна Унинг борлигига шубҳа қилаётирсан. Курдингми, жазонинг сабаби ҳам шу. Йук, Аллоҳ, ахир, майдакаш эмас, астаффуруллоҳ, узи биладики, унга ишонсам ҳам, ишонмасам

хам бир умр солих амаллар қилганман. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаганман, виждонга хилоф иш қилмаганман.

Сенга шунақа туюляпти. Сен уз амалларингга ортиқча баҳо бераётгандирсан, балки, сен Эзгулик деб уйлаган нарса бошкалар наздида ёмонликдир.

Аллоҳ бор булса, демак, У дунё ҳам бор. Демак, фақат сабр-тоқат қилмоғинг даркор. ҳар бир азобга дош бериб, Улимни Ҳалос қаби кутмоғинг керак. Ҳақиқий Улимни. Улимдан кейин, ҳақиқий улимдан сунгра эса бошқа бир ҳаёт бошланади ва у ерда бутун жавобсиз саволларингга жавоб топасан. Бу дунёдаги барча ноҳақликларнинг ажрини оласан.

Бу ҚАРМА деган суз бирданига ҳаёлига қасрдан келди уни? Карма нима дегани, қайси тилга оид бу суз? Ҳозир шунчалик таниш деб биладиган бу сузни ҳеч қанақасига эслай олмади. Бу ҳақда уқиган китобларни бир-бир эшлашга уринди. Ҳар ҳолда, бу вақт утказишнинг бир йули. Бундан ташқари, ҳозирги вазиятида бу унга бир оз тасалли ҳам эди.

Улимдан кейинги ҳаёт... Янгидан яшамок... Бошқа ҳаёт... Нариги дунё...

Бир вақтлар Даниил Андреевнинг¹ китобида уқиган ва уқиган вақтимда мени лол қолдирган сузлар ёдимга тушди... Даниил Андреев сунгги марта бундан уч юз йил олдин улгани ҳақида ёзган эди. У жуда қадимий ва қудратли маданияти бўлган улкага тушган. Ҳозирги ҳаётида Даниил гудаклигидан бошлаб умри буйи уша қуҳна ватанини соғиниб яшаган, айтишига қараганда, у уша улкада бир неча марта яшаган, улиб тирилган.

Балки ҳақиқатан ҳам шунақадир. Ахир эсимда, Мавлоно ҳам бу ҳаётдан кейин бошқа ҳаёт борлигини инкор этмок нодонликнинг энг очиқ ва энг паст шаклидир, деган-ку.

¹ Даниил Андреев – “Роза мира” китобининг муаллифи. У машҳур рус ёзувчиси Леонид Андреевнинг уғлидир. Узи ҳам ёзувчи бўлган Даниил Сталин катағони қурбони бўлган.

Суфийларнинг машхур латифаси эсига тушди. Капалакни шамнинг олови жалб қилади. Учиб бориб, узини оловга уриб, ёниб кетади. Оркага қайтиб, курганларини бошкаларга айтиб бермокчи булади. Аммо у олов ичида йук булади, на изи, на оти, на ном-нишони қолади. Бунинг устига нега ҳам қайтсин, чунки у Севганига ковушган булса.

Севгани Аллохдир, суфийлик тушунчасида улим – Аллохга ковушмокдир.

Сенинг энг катта гуноҳинг нима эканини биласанми? Ҳеч нарсага ишонмаганинг эмас. Аллохни танимаганинг ҳам эмас. Узингни Аллох деб ҳисоблаганинг! Аллохлик даъвоси. Инсонга мансуб булмаган, фақат Аллохга оид амаллар билан шуғулланганини. Нима максадда Эзгу максаддами ёки Ёмон максаддами, бунинг фарқи йук...

Мулойим бир ёз саҳари. Боқунинг кухна, тор, эгри-бугри кучаларидан бири... Бир қаватли уй олдидаги йулка. Қал бошининг чакка сочлари оқарган кекса, тур майкали киши; тур майкаси остидан диккайган туклари куриниб туради. Аввалига йулкага сув сепеди (қизғиш асфальтдан бут кутарилади)... Курси устига газета ёйилган, газета устида ноксимон бардакда¹ чой... Занжабил, чиннигул, лимон хиди... Чакмок кандни стаканга ботириб, оғзига олиб боради, чойдан бир қултум ичади...

Бу нега ёдимга тушди? Бу киши ким эди, кимим эди? Ҳеч кимим... Саҳар-мардонда электричка билан Бузовнадан шаҳарга қайтгандим, уйимиз томонга кетаркан, бу чой ичган кишини кўчада кўрган эдим. Танишим ҳам эмасди. Уни биринчи марта куриб турардим. Ҳеч бир сабаби булмаган ҳолда бу саҳна нега едимга тушди?

Балки, афсусланаётгандирман? Нега унга ухшаб уйимиз олдидаги йулкага сув сепмадим, ёғоч курси устига газета

¹ Бардак – стакан. (Таржимон изоҳи)

ёйиб, чакмок канд тишлаб, ноксимон бардақда запжабилли, лимонли чой ичмадим?

Бунақа хидли чойларни куп ичган, аммо нимага шунақа оддийгина яшамеди; майда кувончларга тула, роҳат-фароғатли, бемалол, талотумсиз ҳаёт кечирмади? Нега умрини буюк ниятлар гирдобига ташлади?

Айтишадики, улим арафасида... (ким ҳам айтарди? Ким улиб, сунгра кайтиб, курганларини айтиб берибдики... Тасаввуфда айтилган капалак ёдига тушди), ҳа, айтишадики, улим ёқасида инсоннинг басират кузи очилади, вақт улчови узгаради ва бутун булиб утган ҳодисалар бир онда кино лентаси каби куз унғидан утади. Учинчи куз тушунчаси қадим ҳинд эътиқодларида ҳам бор – бу ҳақда қачондир уқиган эди. Ҳинд маъбудларидан Шива учинчи кўзини очган вақтда рақибини бир қарашда ёндириб кул қиларкан.

Йул-йул куйлагим устидан елкамни камчилашади. Танамнинг оғриқлари. Бу хотирадан қутулмоқ истадим. Аъзойи баданим совқотди. Совуқдан қалтирар эдим. Қочмоқ... тез қочмоқ, бу хотиралардан қочиб қутулмоқ.

...Кун ботар чоғи усти очик машинани денгиз томонга ҳайдаб кетяпман. Булутлар баклажон рангида... Ғариб Абшерон окшомининг ҳазин ғуссаси... Шамол ёнимда утирган кузи ғамга тула қизнинг малла сочларини юзимга уради, сочлар ёноқларимни савалайди, оғзимга қиради... Энг катта истагим... кошки, бу йул ҳеч битмаса, кошки, денгиз борган сари узоқлашаверса, кошки, кеч тушмаса...

Бу кимнинг мисралари эди, бирдан ёдига тушди: узоқ умрининг сунғида, умидсизлик онаида... Келди бу ногаҳоний севинч...

Ёмғир шивалай бошлади, томчилар пешонамга, ёноқларимга игнадек санчилар, лекин бунақа ёмғир жуда ёқимли эди, бошига ағдарилган сувдай совуқ эмасди, илиққина эди... Илиқ ёғин? Илиқ ёғин ҳам буларканми?

Бирданига қоронги тушди. Ой чикди, тулиной, денгизларни шиширди, оқсоқ шамолни – шамол ҳам оқсоқ булар эканми? – сиртмоққа солди... сунгра булутлар Ойнинг юзиди тусди... Ой нури ютгандай, малла сочли киз ҳам ғойиб булди...

Ойқиз, ой кизи... Сомнамбула (лунатизм). Россини, Беллини, Донисеттими, кайсидир италян композиторининг шу номдаги операси ҳам бор дейсанми? Сомнамбула – ойпараст одамга руслар “лунатик” дейдилар.

Аллоҳ, бу қандай зулм узи, улдирсанг улдириб кўяқол, бунчалик азоб нимага керак? Улимга маҳкум маҳбус осиладиган кунини, соатини кутаркан, ҳеч булмаса камерада ҳавосизликдан буғилмайди. “Тирик мурда”. Толстой. Уликларнинг тирилиши. Шайх Насруллоҳ, Мирзо Жалил... Миямда турли-туман хотиралар, алкаш-чалкаш фикрлар ғужғон уйнай бошлади... Нима қилмоқ керак? Нима қилмоқ керак! Ленин... Чернишевский... Буларнинг ҳечам урни эмас! Узейрбей... Машади Ибод. Миямни бошка фикрлар билан чалғитишни истайманки, токи жинни булиб қолмай.

Балки, Халос – жинни булишдир?!

Шуурнинг хиралашиши, ҳеч нарсани ҳис этмаслик, ҳеч нарсани идрок қилмаслик... Киши уз истаги билан жинни булиши мумкинми? Балки улимни яқинлаштирмоқ учун (бошка ҳеч нарсадан умид йук) нафасингни кесасан, нафас олмайсан.

Бир неча лаҳза нафас олмади, сунгра ғайриихтиёрий равишда куксини тулдириб нафас олди.

Бу тор қабрда нега ёдига кеча-кундуз муголаа қилган уша ҳинд китоблари тушяпти? Оламни яратган Брахма тухумнинг ичида пайдо булган, аммо шуурининг кучи билан тухумни иккига булган, бир булагидан осмону фалакни, иккинчи булагидан ерни яратган. Бу афсонада энди уни жалб қилган нарса – тушунчанинг кучи билан узгармоқ, енгилш фикри эди. Балки у ҳам зехнининг, ақлининг кучи билан

халос булиши мумкин эди. Аммо қандай килиб? Йук, инсон бунга кодир эмас. Умид факат Аллоҳдан.

Илоҳи, бир йул курсат, ё халос кил, ёки тез улдир. Халос булишга шубҳам йук, муъжиза юз берса, бу ердан чиқа олсам, бир умр Сенинг хизматингда буламан.

Бир вақтлар ошифта булган китобларини яна хотирлади. Будда таълимоти ёдига тушди, унинг сузларини худди биров унга битта-битталаб айтаётгандай булди. Будда: “Маъбудларга ёлворманг. Сассизликдан ҳеч нарса кутманг, у на сузлайди, на тинглайди”, дейди.

Чида, чида, дейсан, ахир, Аллоҳ тилашга имкон берган... Бора-бора нафас олишим яна-да оғирлашади, буғиламан. Сунгга оз қолади. Сунгга?¹ Уша қизнинг исми Суна эдими? Йук, бошқача эди. Нима эди, ҳеч эслай олмаяпман.

Яна бир оз чида. Бошқа чоранг йук. Кафан ичида қанчалик типирчиласанг типирчила, ўзингни у ёқдан бу ёққа ур, бефойда... Балки Аллоҳ инсофга келиб, сени тезроқ улдирар...

Аммо, балки... балки бу тушдир... Ҳаммаси руё, ваҳимали бир туш. Йук нарсалар кўзига кўринаётгандир. Дада Куркут уйқуни кичик улим, деб бежиз айтмаган...

Уйқумиди, улимиди? Кўзларимни юмаман. Кўз олдимда сарик, кизғиш, яшил халқалар. Ҳалқа ичида халқачалар кўринади, сунгра узоқлашиб йуқолади. Балки булар узоқлардаги сайёралардир. Балки уша ёқларга учиб кетарман. Учаман. Балки... бал...

¹ Озарбайжон тилида “сунгга” сузи “суна” шаклидадир. Бу уринда муаллиф сўз ўйини қилаётир. (Тарж.)

ИККИНЧИ ФАСЛ

ЁМОН КУЗ

“Ёмон куз кўпинча бошқаларга оғир таъсир қилади”.
Ибн Сино, “Табиаг ҳақида”

“Тахайюлнинг кучи – хусусий ҳассослигига кура, энг кун кузда акс этади. Ёмон куз атрофидаги ҳавога ҳам таъсир утказади ва тикилса, соғлом одамларга зиён келтиради. Ёмон куз кўзгуга боқса, кўзгү хиралашади”.

Й.Шпренгер, Ҳ.Инстигорис, XV аср христинан роҳиблари

Изғирин одамнинг суяк-суякларигача зиркиратиб юбораётгани. Тугмалари тушган, сқаси очик, йирик-ямокли эски камзулини шамол учириб кетишига сал қолди. Дарвозадан ҳовлидаги уйининг эшигигача йигирма кадам. Буни қайта-қайта санаган. Шамол орқадан ураётгани учун бу масофани – йигирма кадамни – ҳар доимгидан кура тезроқ босиб ута олади... Совуқдан титрай-титрай босиб ўтиши керак эди...

Дарвозадан уйига қадар булган масофани нега югуриб босиб ўтиши кераклигининг сабабини ҳеч ким билмасди. Буни бир ўзи, бир онаси, яна Насиб биларди ҳолос. Буни отаси ҳам билмасди, келиб шовкин кутармасин дея унга айтмаган эдилар. Балки юқори қаватдаги кушнилардан бири буни деразадан курган, эътибор қилган, аммо парвойига ҳам илмагандир, балки ҳеч ким курмагандир.

Тезда уйининг эшигига етиб олиши керак, эшикни тақиллатган заҳоти онаси шоша-пиша эшикни очади, чунки у биледи... Балки, у эшикни очиб қуйиб, кутаётгандир.

Эшигига етишига бир одим қолганда сон-совуқ сув бошига тукилиб, бутун вужудини ҳул қилди. Бошига сув

ағдаришларига урганган булса-да, совук сув аъзойи баданини жунжиктириб юборди. Буйни, елкалари, куллари, билакларининг ҳар бир хужайрасига игнадек санчилган совукни сизди. Изғирин эсиб турган хавода совук сув баданини қақшатиб юборди. Қули эшикка тегди дегунча, анчадан бери эшик оркасида кутиб турган онаси уни ичкарига олди.

– Болажоним, – дея саккиз ёшли болагинасини бағрига босди. – Илоё, шу болажонимга жабр қилганлар бир култум сувга зор булсин...

Аллоҳ берган ҳар куни Манзар уғли мактабдан қайтганда юқори қаватдаги оилани қарғар эди. Ҳар иккови – Аҳлиман ҳам, Манзар ҳам сувни учинчи қаватда яшайдиган Қосимнинг уғли Насиб тукканини яхши билишади. Бу Қосим дегани қайсидир бир идорада бошлик.

Манзар шоша-пиша уғлини ечинтирди. Аҳлиман устки ва ички кийим-бошини алмаштирди, онаси ҳар куни айни вақтда дазмоллаб, тайёр қилиб кўядиган курук кийимларни кийди. Аҳаднинг ишдан қайтишига ҳали икки-уч соат бор, аммо азбаройи эҳтиёт юзасидан Манзар уғлининг ивиган кийимларини яширди. У кечаси ҳамма ухлаганидан сунг пичирлаганча қарғай-қарғай, уларни қуришиб, дазмоллайди. У шунақа ажойиб қарғишлар топар эдики... “Илоё, боламга зулм қилганлар қутир булсин, тирноқка зор булсин”.

Аҳлиман хануз дир-дир титрарди.

– Кел утир, болам, кел ўтир, ҳозир овқатингни киздириб келаман.

Бундан бир неча ой олдин Қосимнинг хизматкорларидан бири айвондаги гулларга сув бераётган вақтда тоғора қулидан чикиб кетган ва сув ховлидан ўтиб кетаётган Аҳлиманнинг бошига тукилганди. Унинг кичкириғини Насиб ҳам эшитган ва бундан роса маза қилган эди. Аҳлиман билан Насиб мактабда бир синфда ўқишарди. Насиб мактабдан отасининг машинасида уйга тез қайтиб келар ва

Ахлиманнинг бошига бир тоғора сув тукиш учун унинг дарсдан чикиб келишини пойлаб утирарди. Ҳамма гап сувни бошқа ёққа эмас, айти Ахлиманнинг бошига тукишда! Ана ушанда маза килади!

Ахлиман аввалига буни бир тасодиф, сунгра хунук ҳазил деб уйлади, кейин эса касддан қилинганини англади. Аммо нима ҳам кила оларди? Узидан хийла гавдали, кучли, зуравон, ҳамма чучийдиган, бунинг устига рансинг уғли булган Насибнинг мушугини ким “пишт” дея оларди? Кимга шикоят килиши мумкин? Қайси муаллим унинг гапига ишонади, ҳатто, ишонган тақдирда ҳам бу ишга бош қушиб, ёмон куринишни ким ҳам истарди? Насиб бугун мактабнинг эркатойи, ҳатто, баъзан муаллимларни отасининг машинасига миндириб олиб кетади.

Манзар бу гапларни Аҳад билиб қолишидан курқарди холос. У ғирт телба-да, кайфи тарак вақтига туғри келиб колса, раис-паисни тан олмайди, бориб тепкилайди, сунг эса Аҳадни тутиб, безорилиги учун турмага тикишлари турган гап.

Мактабда Ахлиманга “Аҳриман” деб лакаб куйган ҳам Насиб эди. Ҳар ҳолда Аҳриман ёвузлик тимсоли экани ҳақида укиган. Ҳатто, баъзи муаллимлар ҳам Насибга ёкиш учун Ахлиманга “Аҳриман” дер эдилар.

Уша вақтлари уларнинг кучаси бир армани инқилобчининг номида эди: Ара Қардашян. Лекин кучанинг номи ёзилган лавҳалар эскириб, укиб булмайдиган ҳолга келганди, ҳамма бу ерга Ара Қориштирган кучаси дер эди.

Балки укиган шу ягона китобидан Аҳримангина эмас, балки ижобий қаҳрамон Хурмузднинг исмини ҳам билиб олган шекилли, Ахлиманга: “Менга кара, сен Аҳримансан, мен Хурмуздман”, дерди.

Бир марта Ахлиманни машиналарига чиқишни таклиф қилди. У вақтлар бу сув масаласи юз бермаганди, шундай булса-да, Ахлиман рад қилди.

– Уйга кетмаймиз. Чик машинага, кетайлик...

Бир неча бор айтганидан сунг Ахлиман машинага чикди.

Насиб хайдовчига:

– Кашла томонга хайда, – деди.

Ахлиман таажжубланиб:

– Кашлада нима киламиз? – деб суради.

– Узинг курасан.

Кашла Ара Қориштирган кучасининг гамоман тескари томонида, шахарнинг у бетида.

Кашлага етар-етмас Насиб хайдовчига:

– Тухта, – деди.

Машина тухтади.

– Туш, сенга бир гап айтаман.

Тушдилар.

Бу ёкка кел.

Борди, машинадан узоклашдилар. Бирданига Насиб шоша-пиша машина томонга югурди, чикди, тугмани босиб, эшикларни кулфлади.

Ахлиманнинг чунтагида бир тийин ҳам йук ва Насиб буни биларди.

Машина юриб кетаркан, Ахлиман машина деразасидан Насибнинг унга тиржайиб караганини курди.

Уша куни жуда совук эди, балки Насиб бу уйинни уйнаш учун атайлаб шундай совук кунни пойлаган булса керак.

Ахлиман бутун шахарни пою-пиёда кесиб ўтиб, уйига етиб борганда кош қорайганди. Кечаси иситмаси чикди. Каттик шамоллаган, зотилжам булган эди. Ун кун хаста булиб ётди.

Куча эшик ғийкиллаб очилди. Аҳад ичкарига кирди. Қош-ковоғидан захар томчилаётган эди. Сузларидан ҳам захар ёғилди:

– Ёйишга бирор заккуминг борми?

Ҳозир куймоқ ковураман, бунча эрта келишингни¹ билмагандим.

– Куймоғингни лаънати отанининг мазорига олиб бор. Эрта келдим, кеч келдим, сенга нима?!

Бориб, жавонни очди.

– Ароқ қани?

– Кеча ичмадинг-ку, ургилиб кетай.

Хой хотин, мен нима ичдим, нима ичмадим, билмайманми, нима мени галварс деб уйлаяпсанми? – шундай деб хотининини юзига тарсаки тортиб юборди.

– Қанжик, мен кетгандан кейин ароқни тукиб ташлагансан, сезмасин деб шишасини ҳам отворгансан, шундайми, манжалақи?!

Кеча шишани тубигача ичиб куритгани ёдида эди, албатта. Чунтагидан эзгиланган пулларни чиқариб, Аҳлиманга узатди.

– Бор, Содиқдан бир шиша ароқ олиб кел! – деди. – Сунг Аҳлиман сё ўтирган куймоқни олдига тортди. – Нега бакраясан бу заққумга, кичкина? Онанг ҳозир бунақа паловхонтурани дарров пишириб, олдингга қуяди, мулла. Золимнинг кизи бу заққуми а бир чимдим туз ҳам сенмабди.

Кулини туздонга узатаётиб, ликопчага тегиб кетди. Ликопча ерга тушиб чил-чил синди, куймоқ ерга сочилиб кетди.

Аҳад энди уғлининг боши а бир шапалоқ тортди:

– Итвачча, кузинг мунча ёмон, тезлаш, йуқол кузимдан.

Монтёрлик қиладиган Аҳадни бугун мастлик патижасида аварияга сабабчи булгани учун навбатдаги ншдан хайдаган эдилар. Бусиз ҳам оғзи шалоқ булган Аҳад аламини оладиган киши кидираётганди. Заҳар сочгани тилсиз оила аъзоларидан яхшироғини қасрдан ҳам топарди.

Манзар:

¹ Озарбайжонлар яқинлари билан “сен”лаб гаплашадилар. (Тарж.)

– Ҳозир дукон ёпиқ булса керак, – деди, – сабр қил, ярим соатдан кейин кетсин. Унгача икковингизга ҳам куймоқ пишириб бераман.

Менга ваъз укима, чик бу ердан!

Сунгра уғлига олайиб қаради:

– Кимга айтдим, тез бул, муттахам!

Ахлиман камзулини елкасига ташлаб, ҳовлига чиқди, беихтиёр учинчи каватнини айвонига қаради. Дераза зич спик эди. Насибнинг хабари булганида, совук килиғини бошлаган буларди.

Шундай булса-да, одатича, ҳовлидан югуриб утди. Ҳовлининг у томонида ҳам, бу томонида ҳам ичида сичқонлар, каламушлар уйнаб юрадиган ахлат кутилари қатор гизиб қуйилган, ҳовли ўртасида оқава сув оқадиган ариқча бор эди. Қушни болалар билан бу ҳовлида тозарок жой топиб, футбол уйнардилар. Энди Насиб туфайли футбол ҳам уйнамайдиган булдилар.

Дукон ёпиқ эди. Эшигида “танаффус” деган ёзув осиглик. Ярим соат кутиши керак. Қули буш қайтса, дадаси оҳ-воҳи, куз ёшига карамай, роса дуппослайди. Дадаси Ахлиманни сунгги марта уч кун аввал калтаклаган эди. Олдин қулини ишга солар, қули чарчади дегунча, чарм камари билан аёвсиз саваларди. Ахлиманнинг елкасида йул-йул камар излари ҳали ҳам бор эди.

Изғирин яна-да зўрайди, совукдан болапақирнинг тишлари тақилларди. Дарвоза олдида Насибларнинг машинаси гуларди.

Сал утмай муйна ёқали, калин, иссик пальто кийиб олган Насиб кўринди. Шофёр унинг қулидан ушлаб келарди. Насиб кўрмасин дея, Ахлиман узини панага олди. Кузи кузига тушса, Насиб унга истехзо билан бошдан-оёқ караган, эҳтимол, бир ҳунар ҳам кўрсатган буларди.

Ахлиман ялтираб турган машинага боқди. Насибнинг муйна ёқали пальтосига, қулоқли телпагига боқди дегунча,

узининг юпка усти-боши ичида янада совкотди. Бу муйна ёқали пальто, кулокчин, чарм кулқоплар, жун шимларнинг иссигини тасаввур қилди ва баттар совкотди.

Насиб атрофга манманлик билан кўз югуртирди – яъни мени куриб куйинглар, дегандай – сунг шофер очган эшикдан машинага утирди.

Машина кўзгалди. Аҳлиман машинанинг ҳул асфальтда кизил из қолдирган орқа кизил чироқларга боқди.

Катта тезликда келаётган автобус бурилишда беҳосдан қора машина билан тўқнашиб кетди, уни суриб бориб, деворга парчинлади. Бир-бирига теккан металнинг тукларни тикка қилиб юборадиган ғижирлаши эшитилди. Қора машина пачоқланган, худди гармон каби ғижимланган эди.

Кўчадагилар югуриб келишди, машинанинг пачоқланган орқа эшигини амал-тақал қилиб очишди, юз-кузи қонга беланиб, таниб бўлмайдиган ҳолга келган Насибнинг жасадини чиқариб олишди.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ШАЙХ НАСРУЛЛО ТУГРИ АЙТГАН ЭКАН

“Хаёт ҳақида бирор нарса билармидингизки, улим ҳақида бирон гап айта олсангиз”.

Конфуций

‘Муқаддас Маиҳадда бир обид пайдо булди, унинг исми-шарифи Шайх Насрулло эди. У қабристонга зиёратга бориб, тиловат қилишга киришди ва сунгра баланд овозда деди: “Эй Аллоҳнинг мумин бандалари, оёққа қалқинг”. Бу овозни эшитган барча уликлар Аллоҳнинг қудрати билан ҳаракатга келдилар”.

М.Ж.Маммадқулизода, “Уликлар”.

Насрулло ва Фозил қабр устидаги сунгги икки кураклик туяроқни ҳам четга отдилар. Энди лаҳад билан ер юзи орасида фақат иккита текис тош қолган эди. Насрулло 50-55 ёшлардаги гурков. Сокол қуймаган, аммо ким билади, неча кундан бери сокол олмагани учун юзини, томоғини тиканга ухшаш оқ туклар қоплаган. Лекин калин қошлари коп-қора.

25-26 ёшлардаги Фозил бироз нарида турган автобуснинг ҳайдовчиси, қотма бир йигит. Шалпангқулок, кирра бурун, суяги суягига ёпишгандай ниҳоятда орик. Насрулло белни ерга қуйиб, чуқур нафас олди.

Уҳ, жоним оғзимга келди, – деди, бироз дам олайлик.

Тузиб, оқарганидан қоралиги билинмай кетган сумкасидан газета олиб, ерга тушади, устига иккита киррадор стакан ва колбаса қуйди, чунтак пичоғи билан колбасани туғрай бошлади.

– Оғайни, – деди, – қани олиб кел, курайлик уша арслон сутини.

Фозил яшилранг ишишадаги яримталик арокни машинасидан олиб келди.

Насрулло:

– Куй, – деди.

Фозил:

– Тоға, балки, ишимизни тугатиб, сунгра ичсак булармиди, – деди.

– Иук, – деди Насрулло, – сен ёшсан, бунака ишларни билмайсан. Бошимда канча тук булса, шунча кабр очганман, – ғайринхтиёрий равишда кал бошини силаб куйди. Майитнинг тинчини бузишдан олдин томокни хуллаб олмок керак.

Фозил:

– Тоға, кабрдан куп майит олиб чикканмисан?

– Куйсанг-чи... Яхши, кани, ур, курайлик. Утганларни рахмат килсин, колганларга соғлиқ берсин. Жонимиз соғ булсин.

Қош корая бошлади.

Насрулло чунтагидан урама папирос чикариб, гугурт чакди, туташтирди, бир тортиб Фозилга узатди.

– Ол, сен ҳам бир торт.

– Нима учун?

– Нима учун буларди, керак-да!

Фозил бир тортгач, суради:

– Нима бу, нашами?

– Баракалла! Нашанинг кайфи арокникидан бошкача, нима билмасмидинг?

Фозил яна бир тортди, йуталди.

Насрулло:

– Бер бу ёкка, курай, энди етар...

Фозил:

– Тоға, улгураамизми? – деди.

– Улгураамиз, у ёкка ҳам утамыз. Тиртик 9 да келиши керак, икки соатимиз бор, албатта, улгураамиз.

– Тоға, Аллох ҳақки, ҳеч тушунмаяпман, бу майит Тиртиққа нимага керак ўзи?

– Сен гуйчойликмисан?

Қаердан билдинг?

– Гуйчойликлар Аллох ҳақки дейдилар. Кушнимиз гуйчойлик эди.

Фозил:

– Онам гуйчойлик эди, – деди, – оғам боқулик.

– Соғ-омонмилар?

– Ҳа.

– Аллох умр берсин.

– Тоға, айтмадинг-ку, бу майит Тиртиққа нимага керак бўлиб қолди?

Буни бир худовандикарим билади. Астаффуруллох. Яна Тиртиқнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Қани, бир куй, олайлик. Албинос нималигини эшитганмисан?

– Йук, у ким, инглизми?

– Омисан-да, оми... Бизнинг тилимизда оқиш-сарғиш одамларга албинос дейишади. Ҳалиги, ҳамма жойи – сочи-соқоли, қоши, кузи сап-сарик бўлганларга.

– Ҳуш, нима қипти?

– Бердисини айтгунча уриб ўлдирма, япон олимлари бу оқиш-сарғиш одамларнинг туки ҳам, ҳар нарсаи ҳам дармон бўлишини топган. Булар оқиш-сарғиш одам касалланиб қолса, кариндошлари билан тил топишадилар, савдолашадилар. Аввалига одоб юзасидан уликни кумадилар, сунгра майитни яширинча қавлаб олиб, хорижга сотадилар.

Фозилнинг оғзи ланг очилиб қолди:

– Буни қара-я, дунёда шайтоннинг ҳаёлига ҳам келмайдиган ишлар бор экан-да. Яъни бу Тиртиқ ҳам японлар билан ҳамқорми?

Насрулло бош чайқади:

Буни билмайман, менга ҳисоб бермайди-ку...
Фалончини қабрдан чиқар, ҳақкингни ол, дейди холос,
вассалом. Бу майитни нима қилади, унинг иши, менга нима?

Стаканни кутариб, қадахсуз айтди:

– Улгандан кейин қабрда бемалоол этиш ҳам бир неъмат экан. Яхши, кел, соғлик учун, улганимиздан кейин бизни ҳеч ким безовта қилмаслиги учун ичайлик...

Ичдилар.

Гира-ширада атроф ҳазин рангларга бурканди, бу фонда қабр тошларининг қораси аниқ ажралиб турарди.

Насрулло пастликни курсатиб суради:

– Бу ернинг нима булганини биласанми?

– Кул эди-ку, тоға.

– Унақа-бунақа кул эмас-да... Бу ер қонли кул эди. Хуш, билсанг, айт-чи, нега қонли кул дейишган?

– Йук, мен қаердан ҳам билай.

– Уттизинчи йилларда ГПУ одамларни отгач, бу кулга ташлар экан.

– Бу ГПУ дегани ким, тоға, у ҳам японми?

Ғирт оми-да, оми... Ээй, сен қурмагансан, эшитмагансан-да... ГПУни ҳам билмайсанми? Чека-ку, чека, энкиведе...

Фозил ағрайиб қараб турарди.

– Қардош, хафа булма, ғирт бесаводсан, э... Хавфсизлик идораси дейишади-ку... Уша вақтларда бу идоранинг номи шундай булган. Улар бу ерда дарё-дарё қон оқизган эканлар. Уқлари тугагач, одамларнинг оёқ-қулини боғлаб, буйинларига тош осиб, тириклай кулга ташлар эканлар.

Вой онасини...

Насрулло яна бир тортди.

– Балли, йигит, бунақа вақтлар ҳам булган, ээ... Бу кунимизга шукр...

– Сен буларни қаердан билдинг?

– Булар туғрисида дадам айтиб берган.

– Даданг ҳам гурков утганми?

– Дадам ҳам, бобом ҳам. Бутун аждодларимиз қадим-қадимдан мана шу кабристонда ишлаганлар. Бобом муллалик ҳам киларди, аммо совет вақтида қурқди, гурков булди, ҳаммадан яширинча тиловат киларди. Овози жуда яхши эди. Қани, яна бир куй-чи...

– Балки, стар? Ахир, мен ҳали машина ҳайдашим, майитни олиб боришим керак.

Парво килма, Тиртиққа майитни уйнаб-уйнаб олиб борасан.

– Нарӣ и майитларни ҳам Тиртиқнинг топширигига кура кавлаб оласанми?

– Йук, ҳар бирининг уз буюртмачиси бор. Эҳ, кардошим, агар билганимни, курганимни айтсам, этларинг тиканакланиб кетади.

Арокни олдиға тортди, “папирос”дан яна бир тортди.

– Айтсам, ишонмайсан. Ҳар жума куни жинлар бу Қонликул буйида бир маърака утказадилар, кел, узинг курасан.

Фозилнинг оғзи ҳалиям ланг очик эди.

– Нима килишади?

Нима ҳам килишарди, чолғу чаладилар, уйнайдилар. Буларнинг чалган куйлари бизниқига ҳечам ухшамайди. Бир-икки марта мени ҳам чақиришди, бормадим. Бир гал узоқдан туриб томоша килдим. Улар канака уйин уйнар экан, бир курай, дедим-да. Хуллас, бир хангома-да, таърифлаш кийин... Аммо менга нима, бормадим. Уларнинг мажлисида менга нима бор, яна кимдир ҳукуматга чақиб, мени ишдан ҳайдатмасин, дедим...

Фозилнинг кузлари олайиб, косасидан чикай деди, боши борган сари айлана бошлади.

Бошқа томондан булса, вақт утиб кетяпти, бир оздан кейин Тиртиқ келади, айтганини килмаганимизни куради,

кейин пулдан курук коламиз, деб уйлаётган эди. Заиф бир ташаббус килиб курди:

– Тоға, энди, қабрни очсак булармиди?

– Қаёкка шошасан, эээ, нима майит қабрдан чикиб қочиб кетади деб уйлаясанми?

– Йук, Тиртиқ келгунга қадар ишимини битириб қуяйлик, – деди. – Ахир, яна қабрни унинг кўз олдида очиб утирмайлик деяман-да.

– Яхши, сен айтганча булаколсин, мана шуни ҳам ичайлик, сунг ишга киришамиз. Буни уликларнинг соғлиги учун отайлик. Шулар гуфайли нон сямиз-ку.

Ичдилар. Фозилнинг боши айланиб, кузлари сузилиб кетаверди...

Насрулло ҳеч ичмаганга, наша чекмаганга ўхшарди. Уридан туриб, қабр устида тошнинг бир томонига ёпишди.

– Қани, туг нари и учидан. Эҳтиёт бўл!

– Ё Аллоҳ! – кучаниб бир ҳамлада оғир тошни кутардилар. Насрулло кир, қат-қат даструмолини чиқариб, буйнини, пешона терини артди.

– Ё пирим, узинг қўлла.

Икковлон тошни кутариб, бир четга қуйишди.

Насрулло ҳарсиллаганча:

– Эллик грамимиз қолибди, уни ҳам отайлик, – деди, – ундан кейин майитни чиқарамиз.

Насрулло оғзи очилган мазорга тескари утирди, арокни стаканларга ўзи қуйди.

Курдим, яхши, ичишга бор экансан, менга маъкул бўлдинг, – деди, – сенинг соғлигинг учун ичаман.

Стаканни оғзига яқинлаштирганда Фозилнинг юзида даҳшат ифодасини курди. Фозилнинг қўлидаги стакан гушиб кетди, газетага тукилди, газета саҳифаси хўлланиб, қорайди.

– Нима бўлди? – Насрулло Фозилга тикилди.

– У еерга... қааа-ра...

Насрулло угирилиб, қабр томонга қаради.

Оқ кафан ичида типирчилаган майит қабрдан чиқишга уринаётган эди.

Фозил телбаларча урнидан ирғиб турди, машина томонга кочди, оёқлари чалишиб кетди, йиқилди, турди, бир бало килиб, автобусга етиб олди, моторни ут олди, машина бир лаҳзада узоклашиб кетди.

Арок бошига урган Насрулло ғамгин кулимсиради, уз-узига Аллоҳ билади, дегандай минғиллади:

– Бола-да, бола, – деди, – умрида тирилган уликни курмаган-да.

МУАЛЛИФДАН:

Улди деб уйлаб, тириклай қўмилган “майит”ни мазордан чиқаришининг турли сабаблари бўлиши мумкин. Масалан, дейлик, қабр урнини бошқасига сотишади, эгасисиз майитни машинада олиб бориб, печкада ёндиришади.

Еки ҳали соппа-соғ органларини сотиш, ёхуд олтин тишларини қоқиб олиш учун бу ишга бош урганлар бўлади. Балки душмани тирик пайтида қулидан ҳеч иш келмаган биров мана шу тариқа қасос олар... Гурковнинг албинослар ҳақида айтганларини ҳам бўлмағур гап деб уйламаслик даркор, у ҳам бу ҳақда қаердадир, кимдандир эшитган, бунга чинакамига ишонмаган ҳам бўлса керак. Балки баъзи эътиқодларга кура, инсоннинг миёсида жойлашган учинчи кўзи – басират кўзи – бор-йўқлиги масаласини илмий нуқтаи назардан текиширишга киришарлар.

Муаллиф бу ёки бунга ухшаш бошқа сабабларни ҳам топиши ва тўқиши мумкин эди, аммо бу нақлларнинг ҳеч бири сюжетнинг кейинги ривожини учун муҳим эмас. Муаллиф учун тириклай қўмилган инсон ўзига келган вақтда бошидан ўтказган ҳолларни таҳлил этиши ва муъжизавий тарзда омон қолган, “тирилиб”, қабрдан чиққан “мурда”нинг узининг ким томонидан қатл этилганини билмоқ учун қидирув олиб боришини тасвирлаш муҳимдир.

ГҮРТИНЧИ ФАСЛ

ЙУҚОЛГАН ГАРАЖ

“Ким билан сўхбатлашганимни биламанми узи? Сенга нима демоқчи бўлганимни энди биласан, буни кузларингдан уқиб турибман. Сиримни сендан яшира оламанми? Балки сен бу сирни ўз тилимдан эшитмоқни истарсан? Унда бил: сен билан биз йуқмиз, У биланмиз”.

Ф.М.Достоевский, “Ака-ука Карамазовлар”

“Агар кўз хотираси бузилмаганида психологик кўрлик, яъни кўрган нарсаларни танимаслик каби бир фасод ҳам бўлмас эди. Кўз хотирасининг йуқолиши психологик кўрликка сабаб бўлади. Баъзи кишилар ички боқни билан нарсаларни кўрадилар, аммо очик кўз билан уларни таниш олмайдилар”.

**Апри Бергсон,
француз файласуфи, “Хогира ва мия”**

Фаррош Дадаш юраги така-пука булиб уйига келди, кулпулини ҳам ювмасдан деди:

– Хотин, тезда чой дамла, сенга бир гап айтаман, этларинг тиканак булиб кетади.

Кичик хоним учок бошида чой дамлагунга қадар Дадаш кишининг сабри чидамади, хотинининг ёнига, ошхонага борди.

Бизнинг бу ҳовлида, ҳожатхонанинг ёнида гараж бор-ку...

– Бегим, у ерда қасрда гараж бор? – суради хотини хайрон булиб.

– Бор, бор, ҳожатхонанинг у томонида. Мен ҳам шу чоккача курмаган эдим. Ҳовлига чиққанда қуринмайди.

– Бор булса, бордир... нима қипти?

Кулоқ сол, бу юкоридаги қушнимиз бор-ку...

– Ҳа... нима булганини айтсанг-чи.
 – Бугун эрталаб машинасини уша гаражнинг олдига хайдаб келди.

– Унинг, бегим, машинаси борми?

– Шуни айт, бор экан.

– Яхши. нима бупти? Бор булса, бор-да...

– Машинадан тушди, гаражнинг эшигини очди. Мен бу вақтда уша ерларни супураётган эдим. Гаражнинг ичига куз кири билан қарадим. Биласанми, нималарни курдим?

– Нимани курдинг, тезроқ айтсанг-чи, юрагим ёрилай деяпти.

Дадаш хотини куйган чойдан бир қултум ичиб:

– Курдимки...

– Хууш?..

– Гаражнинг бир томонига турли-туман аппаратлар қалаштириб ташланган. Узи бунақа аппаратларни ҳеч ерда, биронга кинода ҳам кўрмаганман. Дурбинми, прожекторми, яна нима эди, ҳалиги қаттакон шишали... унга нима дерди?

– Қанақа шиша?

– Қайдан билай, китоб уқиганда олимлар қарайди-ку, уша...

– Микроскопми?

– Нима? Юлдузларга микроскопдан қарайдими?

– Йук, у телескоп. Яхши, нима қипти?

– Ҳар томонда йирик ё кичик кузгулар.

– Ҳой одам, сенга бир бало булган узи. Кузгу булса, кузгудир-да.

– Сабр қил, сўзимни булма, – яна бир қултум чой ичди. – Кузгуларнинг остида, устида, ёнида қатта-кичик кузмунчоқлар осилган. Сен телевизор олганинда бирини олиб устига осгандик-ку.

– Афтидан, у ҳам машинасига куз тегмасин деб осган бўлса керак. Машинаси чет элникими?

Мен қасрдан билай, машинадака машина... Үзингда йук, оламда йук... Сабр кил, гап хали олдинда.

– Гапнинг қурмасин, ҳой киши, бир калима гап айтаман деб юрагимни оғзимга келтирдинг.

– Ҳтир мана шу курсига, яна йикилиб тушма.

– Машинасидан бир турва олди, турванинг оғзини очди, елғон айтсам, худо урсин, гаражга эллик-олтмиш сичқон куйиб юборди.

– Нима? – бу гал Кичик хоним ағрайиб қолди. – Ҳой киши, нима деясан, балки у одам жиннидир?

Дадаш гапларининг хотинига бунчалик таъсир қилганидан хурсанд эди.

Ҳа шундай, – деди, – кичкина-кичкина сичқонлар.

– Ҳуп, сунгра нима килди?

– Сунгра нима қилганини билмадим, тезда гаражини кулфлади.

– Ҳой киши, – деди Кичик хоним, – балки органларга хабар берарсан, эҳтимол, бу одам жосусдир, балки сичқонларнинг қули билан халқимизни кирмокчидир.

– Бекорчи гапларни айтма, хотин, сичқоннинг қули буларканми?

– Майли қули булмаса, оёғи булсин. Балки, у одамларимизга бу лаънати сичқонлар воситасида касаллик юктирмокчидир.

– Яхши, нима дейсан хотин, энди бу ишни нима килсак экан? Балки сен айтгандай, бу жосус одамларимизни захарламोकчидир. Булмаса, шунча сичқон унга нимага керак?

– Ҳзи шунчалик сичқонни қасрдан йикқан экан... Йук, сен катталарга бу масалани, албатта, етказ.

– Бугун кеч булди, эрталаб тегишли жойга бораман.

Эр ҳам, хотин ҳам кечаси билан алоқ-чалок тушларида сичкон куриб чикишди, уйлари деразадан бостириб кирган сичконларга тулиб кетганмиш.

Сичкон Кичик хонимнинг юзини кемирган вақтда (уйқусида, албатта), у бакирганча урнидан ирғиб турди.

– Ҳой киши, тур, отанг-онанг жаннати булсин. Тез бул, керак жойга хабар бер, кейин яна бошимизга иш тушиб утирмасин...

Дадаш киши шоша-пиша кийинди. Чой ҳам ичмади, нон ҳам емади, ҳовлига тушди. Ҳовлига чиккан вақтда, аксига олиб, олдидан уша ғалати гаражнинг эгаси чиқди. Фаррошга шундай тикилиб қарадики, гуё уни шу чоққача курмагандек эди. Салюмига алик ҳам олмади, угирилиб узоклашди.

Эрталаб нонушта қилмагани Дадашнинг эсига тушди. Яна уйига қайтди.

Кичик хоним:

Бордингми? – деб суралаи.

– Қаерга боришим керак эди?

Катталарнинг ёнига боришим керак, демаганмидинг?

– Катталарда нима ишим бор?

– Ҳой киши, кечагина катталарнинг ёнига бориб, аҳволни айтаман демаганмидинг?

– Қайси аҳволни, ҳой хотин, калланг кетдими, қайдаги гапларни айтяпсан.

– Калласи кетган сенсан, уша сичкон масаласини айтган сен эмасмидинг?

– Қанака сичкон, хотин, бошингга от тепдими?

– Энди сенга гап йуқ. Кеча ҳаллослай-ҳаллослай келиб, юкоридаги кушнимиз гаражини сичконга тулдириб ташлади, деган сен-ку. Кечаси билан мижжа коколмадим, тушимда сичкон куриб чиқдим.

– Хотин, худо ҳаққи, сени жин чалганга ухшайди, азайимхонга бориб, укитиб кел.

– Азайимхонга сен боришинг керак, киши. Кеча хар хил гапларни айтган, бир турва сичкон, фалон-писмадон, билмадим, яна нималар деган узинг эмасмидинг?

Дадаш кулини хотинининг пешонасига куйди:

Йук, иситманг йук, лекин нега алахсираяпсан?

– Хой киши, мени жинни қиласан, сен эмасмидинг кушнининг гаражида...

– Қайси гаражда?

Ҳожатхонанинг ёнидаги гаражда...

– У ерда, хотин, гараж борми?

БЕШИНЧИ ФАСЛ

ДАФН ЭТИЛГАНИМДАН УЧ КУН УЧ СОАТ КЕЙИН

*“Борлиқ оқимидан сакраб утаркан Утмишидан воз кеч,
Келажакдан воз кеч, уларнинг орасида қолганлардан ҳам воз
кеч. Агар зеҳнинг озод бўлса, билки, нима бўлса-бўлсин,
бошқадан тугилмайсан ва қаримайсан”.*

**Дхаммапада (мелоддан олдинги III ёки IV
асрларда Ҳиндистонда яратилган буддойи адабий
обидаси)**

*“Кўндан-кўн урнаклар инсон табиат дунёсидан руҳ
дунёсига ўтаётганида баданидан бошқа ҳар нарсани ўзи
билан олиб кетишига мени ишонтирди”.*

Э.Сведенборг, Швеция мистиги

Кафан ичида типирчилардим, овозим пайдо булгач,
бакира бошладим:

Ҳой, у ерда ким бор? Мени бу ердан чиқаринг, ердан
беринг!

Бир оз сўнгра кимдир яқинлашганини сездим.

– Тез бул, оч бу ерни, мени бу ердан чиқар.

Ҳис қилдимки, биров кафанимни тортяпти, юзимни
очяпти.

Соф ҳаво сарин шабада сингари юзимга урилди.
Қоронғида кузим ҳеч нарсани илғамаётганди, аммо арзон
ароқ хиди, яна чучмал бир ис димоғимга урилди.

– Тез бул, қулимни бушат – қулимни.

Буғиқ бир сас эшитдим:

– Сабр қил, ҳозир очаман... қардош, аммо орамизда
колсин, сен ҳечам ок-сарик эмассан-ку...

Кафан очилди дегунча аъзоларимда керишмоқ
эҳтиёжини ҳис қилдим. Бошқа томондан мени қутқарган

одам – ким булишидан катъий назар – тирилганимга заррача хайрон булмагани а лол қолгандим.

– Мени бу ердан чиқар.

– Қулингни бер, кўрайлик-чи.

Қулимдан тутиб тортди. Кули катта, каварикли, дағал ва жуда бақувват эди.

Шу вақтда бу уринда ҳеч ярашмайдиган суз айтилди:

Хуш кўрдик.

– Сен кимсан?

– Ҳеч ким. Сенга нима?..

Бир четга ташлаб куйилган белга кузим тушди.

– Гурковмисан?

– Шунака дейишад.

– Хуш, тирилганимдан нега таажжубланмадинг?

Ис, нега таажжубланишим керак экан? Фалончи кафанини йиртиб чиқди, деган гапларни эшитмаганмисан? Сен ҳам шулардан бирисан-да...

У билан гаплашар эканман, арок хиди ва чучмал ис (тамакими, нашами?) янада якиндан бурнимга урилар, кунглим озарди.

– Мени қачон дафн этдилар? – деб сурадим ва саволимнинг накадар беъмани эканини фаҳмладим.

– Шанба куни эди, шекилли, – кейин бирдан эслади. – Ҳа, туғри, – деди, бундан уч кун олдин.

– Одам деганни тириклай ҳам кумадим?

– Ҳа, энди шундай бўлди, баъзан шундай булиб туради...

– Мендан олдин қабрда тирилган одам кўрганмисан?

– Балки...

Бутунлай очилмаган кафан ичида энди туғилган боладай шир яланғоч эдим. Уялганимдан кафан билан олдимни тусиб олдим.

– Ечин, – дедим.

Гўрков бунга ҳеч хайрон бўлмади. Индамай-нетмай шимини, куйлагини ечди. Бунга у шу қадар оддий бир ишдай

килди, худди хар куни уст-бошини чиқариб, кабрдан тирилиб чиққан “уликлар”га берганга ухшарди. Бора-бора кузларим коронғиликка урганди.

Буз куйлаги қурук, тердан котиб кетганди. Чанг-балчикли этигининг оғзи очилган, у ердан қуринган майда миҳчалар тимсоҳнинг жағини эслатарди. Почаси букилиб, найпоғишинг ичига тикилган йиртик-ямок, ранги унгиб кетган шимидан пешоб хиди келарди. Бу хидларга очик мазордан келаётган рутубат иси қоришиб кетганди. Кунглим озаётган, укчир эдим, қусгим келарди. Бир бало қилиб узимни қулга олдим. Булиб утган ходисалар менга хануз тушдек туюлаётганди. Аммо рунарамда фақат калта иштонда қолган одам турар, демак, бу туш эмасди. Ҳар ҳолда, нима булишидан қатъи назар, бу киши менинг халоскорим эди.

– Сен шу ерда буласанми? – деб сурадим, – икки-уч соатдан кейин сенга бир сидра янги уст-бош келтириб бераман.

У илк дафъа ташвиш билан деди:

– Йук, йук. Мен ҳозир бу ердан кетаман. Тиртик келади, сенинг чиқиб кетганингни билиб, теримга сомон тикади.

Шундан кейин ҳеч қутилмаган савол берди:

– Академикмисан?

– Йук.

– Профессорми?

– Йук, бу гапни қаердан олдинг?

– Қайдам, қуринишингдан олим одамга ухшайсан.

– Қизиқувчан одам экансан, – дедим. – Сендан қарздорман. Шу қадар қатта қарзим борки... Хуллас, сени қаердан топаман?

– Излаган топади, – деди. Сунгра тубида бир оз арок қолган стаканни менга узатди:

– Балки отарсан...

– Йук, уч кундир туз тотмаганман. Кунглим озади.

– Узингга маъкулини кил. Мен, балки, у дунёдан кайтиб келганинг учун отармикансан деб уйлагандим.

Стакандаги ароқни сунги томчисигача сипқорди.

Буни уйлаб топганининг отасига раҳмат, – деди. Сал утмай хуррак овози эшитилди. Гурков бошини кукрагига куйганча уйкуга кетганди. Ҳайф, ундан сурайдиган кўпдан-кўп саволларим бор эди... Бирдан хуррак тухтади, гурков кузларини очмасдан сўради:

– Кетасанми?

– Ҳа, – дедим, – сендан жуда миннатдорман, мени нариги дунёдан кайтардинг.

Кузини очмасдан “Ҳамлет”даги гурковлар янглиғ, бир фалсафий гап айтди:

– У дунё, бу дунё... хуш уларнинг фарқи борми? У ёқда уликлар тирикдай, бу ёқда тириклар уликдай.

– Яхши қол, – дедим, – балки яна кўришармиз. Шундай дегач, мен ҳам у каби илова қилдим: – ё бу дунёда, ёки у дунёда.

– Иншооллоҳ, – деди.

Менга баландликдан умбалок ошганимда зарб билан ерга урилиб, бурним пачок, юзим патир янглиғ ясси бўлиб қолгандай туюлаётганди. Қулимни юзимга юбордим – бурним, оғзим ҳаммаси жойида, юзим ҳам ясси-пасси бўлмаган экан.

Қабрлар орасидан айланиб, тентирай-тентирай кучага чиқдим. Бир умр Бокуда яшаган бўлсам ҳам, бу томонга ҳеч йулим тушмаган эди. Аммо бу эгри-бугри тор кучалар нега менга бунчалик таниш қуринаётир? Гуё қачондир бу кучалардан утгандай, ҳатто, узоқ вақт бу ерда яшагандайман.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ШЕРШЕ ЛА ФАММ¹

“Агар киши умрида хотин курмаган ва аёл билан қовушиши нима эканини билмаган бўлса, шаҳвоний туши курган вақтида эҳтирос утини ҳис қилади, аммо бу қандай истак эканини идрок этолмайди ва бу оловни сундиришига қодир аёл ҳақида ҳеч қандай тасаввури бўлмайди”.

Имом Ғаззолий, Эрон файласуфи, суфизм назариётчиси.

“Эътиқод илмининг тикланиши” китобидан

“Суфийлар учун Ғарбда Фрейд ва Юнгнинг психология назариялари янгилик эмасди. Суфий шайх Ғаззолий бундан 900 йил олдин ёзган асарлар шунини курсатадики, кўп вақтлардан кейин жинсий ҳаёт ҳақида Фрейд чиқарган ҳулосалар мусулмон олимларига яхши маълум бўлган экан”.

Идрисшоҳ (XX аср, суфизм тарихчиси), “Суфизм” китобидан

Ҳали талабалик йилларидаёқ Ахлиман тенгқурлари билан бирга юриш-туришни истамас эди. Бунинг сабаби, эҳтимол, урта мактабда сган маънавий зарбалари бўлса керак. Уйда ҳам, синфида ҳам доимо четлатилиши, камситилиши, масхараланиши унда норасолик комплекси ҳосил қилган эди, одамлардан кочар, одамови бўлганди. Талабаликда бу жихатлари янада кучайди. Курсдошлари орасида хамиша сиқиларди.

Мавлононинг бир сузидан тасалли оларди. Мавлоно: илми сузлар воситасида билиб оласан, санъатни калб-ла,

¹ Шерше ла фамм (фр.) – сузма-суз гаржимаси: аёлни ахгаринг; мажозий таржимаси: бу ишда хотин кули бор.

танҳолигингни эса одамларнинг орасида булганинда хис киласан, деган эди.

Уйнашиб-кулишган, ҳазиллашишган, бир-бирига бемалол тегишадиган ҳамкурслари орасида у хумрайган, бадковок, уз-узига бикиниб олган одамга ухшарди. Курсидаги кизлардан иложи борича узоқроқ юришга ҳаракат киларди. Баъзи ҳаддан ортиқ дадил йигитларнинг кизлар билан очик-сочик суҳбатлашиши уни янада сикарди. Одоб доирасидан чиккан ҳазил-хузуллар (ким билади, балки, бу ҳазил орқасида зил ҳам бордир) Аҳлиманнинг кайфиятини бузар, уни руҳий тушкунликка стақларди. Курсдош болалар кизлар ҳақида ёмон гапларни айтишарди. Баъзилари қайси кизнинг қайси йни ит, ҳатто еши кафта киши билан яқинлиги туғрисида ғийбат килар, баъзилари узининг қайсидир аёл билан ишқий саргузаштлари ҳақида оғзининг сувини оқизиб, бирнинг устига беш кушиб ҳикоя киларди. Аҳлиманга бундай гаплар ёкмаса-да, уларни эшитишдан тортинмасди. Болалар фақат курсдошларигина эмас, балки юкори курсларда уқийдиган кизларнинг, ҳатто ёш муаллималарнинг ишқий можароларини бутун тафсилоти билан оқизмай-томизмай ҳикоя қилгувчи эдилар. Асосий гап тушак устидаги ҳодисалар туғрисида борарди. Қайсидир аёл аъзоларининг улчамлари, аёл баданидаги тегса, унга хуш ёқадиган жойлар, лаззатли онлар, ишрат ва ҳоказолар ҳақидаги бундай суҳбатлар ҳеч тугаб-битмасди. Ҳар бири узини тушак қаҳрамони килиб курсатишга уринарди. Бир кечада канча иш қилганини айтганларнинг сузига ишонадиган булсанг, жуда катта рақам келиб чиқарди. Бу рақам ғирт лоф эканини Аҳлиман кун вақтлардан кейин билди. У вақтлари эса, аёллар билан яқинлик борасида мутлақо тажрибаси йук булиб, бу лофларни ҳақиқат деб уйлар ва бундан маҳрум экани учун узига ачинарди. Бу суҳбатлардан шуни билдики, айрим аёллар бунақа пайтларда харсиллар, айримлари терлар, баъзилари шеър уқир,

баъзилари кушик айтар, яна бировлари кичкирар эмиш. Баъзилари булса, ёши утгач, янада ҳарис булар эмиш. Бу йигитларнинг барчаси узини жуда тажрибали Дон Жуан деб биларди. Қайси аёлнинг кукраги тик экани ёки сулиб қолгани энг кўп муҳокама қилинадиган масала эди.

... Балки унинг ёнида атайлаб, шафқатсизларча қилинган бу суҳбатлар кечалари Аҳлиманнинг уйқусини қочирарди. Йигит соғлом танасини таранглаштирган тасаввур ва таъсирлардан қутулмоқ учун нима қиларини билолмас, эротик мавзулардан узок китоблар уқишга тутинарди. Купинча кечаси чирок нурида уқий бошлаган китобини қуёш нур соча бошлаган паллада битирар эди. Тенгдошлари унинг бу қайғуларидан бохабар эдилар ва урни булса-булмаса, фаросатсизлик билан устидан қулиб турардилар.

Китоб уқиш қочмайди, уни улғайганигда ҳам уқийверасан, дунёнинг лаззати хотинларда, хо-хо-хо.

Аммо бошка вақтлари унинг устидан қуладиган, истехзо билан қарайдиганларнинг қупи имтиҳонлар арафасида Аҳлиманнинг ёрдамига мухтож буларди. У чуқур билимга эгаллигини, саводли, аълочи эканини яхши билишарди. У курсдоши Саъдини имтиҳонга муаллимлардан ҳам яхшироқ тайёрлади. Саъди унга:

– Акбаровнинг имтиҳонидан соғ-омон утиб олайлик, – деди, – сунг сенга бир шоҳона сюрпризим булади.

Аҳлиман уни фалсафа имтиҳонига жуда зўр тайёрлади ва Саъди “аъло” олди.

– Мен сўзимнинг устидан чиқадиган одамман, – деди Саъди. – Эртага кечкурун бизникига кел. Бизникилар бокка кетишди. Сенга тайёрлаб қўйган сюрпризмдан рози бўласан. Аммо, менга қара, соқол-поқолингни олиб, ораста кийиниб кел. Мана шу атирни ҳам ол, сепиб келасан.

Эртасига окшом вақти роппа-роса соат 8 да Саъдиларнинг Бешинчи даҳадаги уйига борди. Стол устига бир шиша шампан виноси ва турли мевалар қўйилган эди.

Эндигина утирган ҳам эдиларки, нариги хонанинг эшиги очилди ва ёқаси очик сарик куйлак кийган, 23-24 ёшлардаги бир киз кириб келди ва столга яқинлашди. Ҳарир куйлагининг остидан сийнабанди яккол курниб турарди.

Саъди:

– Жуда кетворган куйлагинг бор экан, билдик, – деди тиржайиб. – Қани, кел, сенинг соғлигинг учун бир ичайлик.

Ичдилар. Сунгра яна икки қадах – бирини Аҳлиманнинг, иккинчисини Саъдининг соғлиги учун кутардилар.

Саъди магнитофонни очди, ҳазин бир куй таралди. Қиз оёкка калкиб, такаллуфсизларча Аҳлиманнинг кулидан ушлади:

– Рақс тушамизми?

Аҳлиман рақс тушишни яхши билмас эди, аммо йук дейишга уялди, оёкка туриб, кизнинг белидан кучди.

Саъди телефонни олиб, қасргадир қунгирок килди, гушакка:

– Яхши, яхши, сиқилма, ҳозир олиб бораман, – деди.

Гушакни куйиб, рақс килаётганларга юзланди:

– Э, эсим қурсин, бутунлай унугибман, – деди, – бокка, отамга дорисини олиб бориб беришим керак эди. Дори жуда зарур булиб қолибди. Агар кечиксам, кетавсеринглар. Кетаётганда чирокларни учириб, эшикни қулфланг.

Саъди эшикни ёпиб уйдан чиқиши биланок киз Аҳлиманга ёпишиб, дудокларидан упди... Шундан кейин булган воқеалар Аҳлиманга тушдек булди. Нарига хонага қачон ва қандай утдилар, қачон ечиниб, қачон курпага кирдилар... Буларнинг ҳаммасини у туманда кургандай булар, ҳагто шундай булганига шубҳаланиб ҳам қуярди.

Қиз тажрибали куллари билан, эпчил танаси билан факат узининггина эмас, Аҳлиманнинг ҳаракатларини ҳам изга солар ва “ҳа, ҳа, шундай...” дерди...

Ундан кейин... худди қоронғи чоғга думалагандай, ҳушини йукотгандай булди. Сал ўтмай чуқур уйқуга кетди.

Сахар вақти уйғонганида киз йук эди, уни уйғотмасдан сассизгина чиқиб кетганди.

Негадир Аҳлиманнинг жаҳли чикди, кузлари ёшланди. Ич-ичдан йиғлагиси келди. Ахир, у бу кеча 22 ешида йнги булганди. Ичида бир хавотир ҳам уйғонди. Балки бу бир маккорона уйиндир. Балки бу кизни унга эрга бермоқчидирлар. Балки киз “буйимда булди” деб уни шантаж килар. Ёки, балки уни бирор хасталикка йулиқтирмоқчидир... Кечаги оқшомдан ёдида фақат тотган лаззати қолган, лекин кизнинг юз-кузини эслай олмасди. Ҳатто, исмини ҳам билмайди.

Танишишган вақтлари нега отини айтмади? Эҳтимол, бу ҳам узини ошкор этмаслик учун килингандир? На исми, на телефони, на манзили... Хуллас, ҳеч нарса маълум эмас. Аҳлиманнинг кузига куринган булса керак... Бу воксалар аслида ҳеч булмагандир, балки шампан виноси ва винога қушилган қандайдир ҳабдорининг таъсирида унга шундай туюлаётгандир. Лекин унда гижимланган тушакка нима дейиш керак?.. Аҳлиман кроватдан туриб, ваннахонага бориши, юз-қулини ювиши, кийиниши ва ховлига чиқиши даркор.

Институтга кирар-кирмас, эшик олдида Саъди уни кулиб кутиб олди:

– Қалайсан, хумпар – деди, – мамнун булдингми? Курдингми, дустинг сузининг устидан чиқади.

Аҳлиман қип-қизариб кетди, ҳеч нарса дегиси, бу ҳақда сузлашгиси келмаётганди.

Аммо унга кечаги воқеадан барчанинг хабари бордай, энди талабалар ҳам, уқитувчилар ҳам унга бошқача қараетгандай туюлаётган эди. Кимдир истехзо, кимдир таъна, кимдир рағбат билан боқаётгандек... Ҳатто, ҳасад билан қараетганлар ҳам бор... Ёки унга шундай куринаётганди.

Йук, тахминлари тугрига ухшайди. Чунки уни хушламайдиган Феруз бу гал ёнидан утаркан, кузини кисди ва кулоғига пичирлади:

– Да...да... – ва какхаха отиб кулди.

Ахлиман сесканди. Демак... демак? Бу хақда оғиз очгиси келмади. Ахийри чидамади, Саъдини бир чеккага тортиб:

– У киз, – дея суз бошлаган ҳам эдики, Саъди айёрона кулимсиради.

– Нима гап, ёктириб қолдингми? Яна хохлаяпсанми?

– Йук, – деди ва шу заҳоти англадики, бу “йук” эшитилар-эшигилмас тарзда айтилди. – Сен бу хақда Ферузга бир гап айтдингми?

– Ферузга? Йук, нима булди?..

– Феруз у кизни танийдими?

– Уни танимаган борми?..

Оний тараддуддан сунгра суради:

– Сен ҳам у билан булганмисан?

Саъди кулди:

– Сенга нима? Ёки унга ошиқ булиб қолдингми? Куп билсанг, тез қарийсан. Менга кулок сол. Ишингни килавер. Истасанг, сизларни яна учраштираман. Аммо бизникида эмас, бошка жойда, отамлар эртага боғдан қайтишади. – Шундан кейин купни курган оксокол янглиғ маслахат беришга утди. – Бу беш кунлик дунё, уйнаб қол, бошка масалалар устида бош котириб ўтирма. Ҳеч нарсани уйлама.

Уша кундан кейин Ахлиман тавба қилиб, бундан кейин ҳеч қачон, ҳеч бир аёл билан яқин булмаслик хақида узига суз берди. Яна китобларга кумилади ва бу ишлардан халос булади.

Аммо ойлар утавергач, ваъдасига амал қилиш мушкуллашаверди. Истаса-истамаса-да, уша кечадаги лаззат тан-бадани устидан ҳукмронлик килаверди. Яна уч-турт киз билан яқинлик қилди; оила қуриш фикри йук эди. Энди у барча аёлларга ёмон назар билан қарайдиган булди,

хаммасини ахлоқсизга чиқаришига, сотиладиганлар тоифасига киритишига сал қолди. Бир ҳафта, ун кун бирга булган хотинлардан шахвоний хиссини қондиришдан бошқа ҳеч нарса қутмасди. На севги, на навозиш, на эътибор... Кечагина оғушига олган аёл бугун улганини эшитса, парвойига ҳам келмаган буларди. Шуниси ғалати эдики, Аҳлиман билан яқин булган аёллар бир балога дучор булардилар. Эри бор бир хотин Аҳлиман билан ун кун яшаганидан сунг авария натижасида беш яшар боласидан айрилди.

– Гуноҳларим учун Аллоҳ мени шундай жазолади, – деди у йиғлай-йиғлай.

Бошқа бир хотин Аҳлиман билан энг узоқ – ярим ойлик яқинликдан кейин саратон хасталигига йулиқди, икки ой деганда улиб кетди. Учинчи аёл ҳисобчи булиб ишларди, муттаҳамлик билан қулга тушиб, 5 йилга кесилди.

Туртинчи хотин... туртинчи хотин йук эди.

Янада туғрироғи, бор эди, аммо у Аҳлиманники булмади... Яқинлик қилган аёлларнинг фожеали оқибати Аҳлиманни чучита бошлади. Улар бу балоларга ундан айрилганларидан кейин дучор булганларини билгани учун яна қимнидир бадбахт этишни истамасди.

Қанча санасанг санайвер, эй фалак, қур, қадим юнонларнинг Купидон¹ деб атайдиган севги маъбуди унинг пешонасига нималарни ёзган экан.

Агар ҳақиқатан бир қуришда ошиқ булиш мумкин эса, Аҳлиман Рубобани биринчи қуришдаёқ “бу қиз меники булиши керак, албатта, меники бўлади”, деб уйлади. У билан рассом Парвизнинг қурғазмасида танишди. Рубоба рассомнинг қариндоши эди. Парвиз Аҳлиманнинг

¹ Купидон (лот. “қучли эҳтирос”) – аслида юнон эмас, балки қадимги Рим мифологиясида севги маъбуди. Юнонларда унинг номи Эрот (Эрос) булган. (Тарж.)

портретини чизган ва бу портрет жуда ажойиб чикканди. Биринчи навбатда Ахлиманнинг кагга кузлари портретга боккан кишининг эътиборини гортар эди. Рассом уларни мана шу портрет ёнида таништирди:

Рубоба хоним аммамнинг кизи булади, – деди у. – Ахлиман муаллим булса, менинг моделимдир.

Рубоба:

– Гузал портрет, – деди, – аммо Парвиз кузларинг издаги ифодани аниқ тасвирлай олмабди.

Парвиз:

– Душман оёк остида булади дегани шу-да, – дея унинг сузларини ҳазилга бурди, кайси ифодани тасвирлай олмабман?

Рубоба портретдаги эмас, оллида турган Ахлиманнинг кузларига тик бокиб:

Кузларингиз жуда кўркинчли экан, – деди. – Бир оз сирли, бир оз масъум, бир оз тахликалин...

Ахлиман бу сузларнинг фаркига бормасдан, Рубобанинг буйнига боқаётган эди: сочларини тепага тортиб турмаклагани учун узун буйни тамомила очик колган – “турна буйин экан”, деган суз хаёлига келди.

Яшил кўйлагининг очик ёқасидан булик кукраклари буртиб турарди. Ахлиман куп йиллардан сунг бир аёлга нисбатан истак тула хиссиётни сезаётган, аммо бу сафар бу туйғуларга бир назокат эҳтиёжи ҳам кушилган эди. Хаслан Рубобани ечинтирар, куллари, буйни, елкалари, сийнасини силарди. Елкалари силлик, туладан келган бу кизни бусаларга фарқ этарди... Рубобанинг кора шахло кўзларига тикилар, бу кузларда ҳам, хиёл очик лабларида ҳам бир оғрик куради, бу лаззат онларининг оғриги эди... Кўргазмага тулиб кетган халойик ичида (энди кватрет мусикаси чалина бошлаган эди) фақат Рубобанинг хаёлий инграшлари ва эҳтиросли шивирлашларини эшитарди.

Рассомнинг атрофини мухбирлар куршаб, уни гапга солаётганидан фойдаланган Аҳлиман юрак ютиб Рубобадан телефон ракамини суради. Рубоба ҳеч бир ноз килиб утирмай, кичкина, усти мунчоқли қора сумкачасидан ташриф қоғозчасини чиқариб, Аҳлиманга узатди.

Уша қундап кунғироклаша бошладилар. Рубоба ҳақида ҳеч нарса билмас, билишни ҳам истамас эди. Турмушга чиққанми ё чиқмаганми, эридан ажрашганми ёки тул қолганми, буларни билмасди. Ҳар ҳолда хоҳлаган вақтида кунғироклашар ва ҳеч бир монеликсиз соатлаб гаплаша олардилар. Гурли-туман нарсалар – китоблар, театр томошалари, мусика, рассомларнинг асарлари, фильмлар туғрисида сузлашардилар. Рубоба қайсидир бастакор ва актёрни таърифласа, Аҳлиманнинг мазаси қочар эди. Ҳеч қачон уша рассом ёки артистдай шуҳрат қозона олмаслигидан жизғанақ буларди. Бу қизғанчилик рақобат ҳисси эмасди, фақат ошиқ бўлган аёл олдида узининг, Аҳлиманнинг унга эга була олиши учун ҳеч вақт муайян даражага кутарила олмаслигидан ҳосил бўлган азоб эди ва бу толесиданми, қисматиданми, қазою қадариданми уч олмоқ истагини уйғотди. Янада яқин булишлари учун Аҳлиманнинг ёрдамида айни илмий ташкилотда ишлай бошладилар...

Бир марта Рубоба овозаси кетган бир фильмдан суз очиб, фильмни курмаганини, аммо ҳамма шу ҳақда гапираётганини айтганда, Аҳлиман “Келинг, эртага шу кинони курайлик”, деди.

Эртасига кечки соат саккизга ун беш дақиқа қолганида “Низомий” кинотеатри олдида учрашишга келишдилар. Аҳлиман ярим соат эрта келди, кассадан охириги қаторга патта олди. Унинг уз нияти бор эди.

Рубоба келишилган вақтда келди. Сепган француз атирининг ифори Аҳлиманнинг димоғига урди.

Ичкарига кирдилар, охирги кагордан жой олдилар. Зал коронгилашиб, фильм бошлаганда Аҳлиман Рубобанинг кулларини қули ичига олди. Шаҳодат бармоғи билан Рубобанинг кафтини силай бошлади. Қиз қулини тортмади. Бир вақт Рубоба Аҳлиманнинг елкасига бошини қуйди. Аҳлиман бунни энг якин кунларда бўладиган висолга бир ишора деб тушунди. Экранда тамомила коронғи сахналар кўриниб, зал зулматга ғарқ бўлганида Аҳлиман чап қулини Рубобанинг унг тиззасига қуйди, асга-аста сонига силжити бошлади. Рубоба бирдан ҳушига келгандай, Аҳлиманнинг қулини итариб ташлади, ирғиб урнидан турди, тез-тез юриб залдан чиқди.

Аҳлиман ҳам дархол урнидан туриб, унинг орқасидан югурди... Рубоба зинапоя томонга шошиб кетаётган эди. Аҳлиман:

– Рубоба, Рубоба хоним. Худо ҳаққи кечиринг, – дея кичқирса-да, қиз тухтамади, қайрилиб карагани ҳам йуқ, узоклашиб кетаверди.

Зинапоядан югуриб туша бошлади... Аҳлиман унинг сарвдек тик коматига, думалоқ сонлари, тикмачок болдирларига, ярим очик туфлисидан кўринган гупикларига қараб турарди...

Бехосдан Рубоба қокилиб кетди, зинапояга юз тубан йиқилди, икки-уч марта думалади.

Аҳлиман ва эшик олдида турган назоратчилар у томонга югуришди. Рубоба инграрди. Унинг чап оёғи синган эди... Уч ой шифохонада, гипсланиб ётди.

ЕТТИНЧИ ФАСЛ

ТИРИК БОБОНИ СҮРОҚЛАБ

“Худованди карим инсон қалбида муайян бир сирни ҳам жойлаштираган. Темир ва тош бағрида оташ яширин булгани каби, бу сир ҳам у ерда пинҳон қолаверади. Лекин темир чақмоқтошга урилганда учқун чиқади”.

Имом Ғаззолий.

Дзен тажрибаларида қўзнинг, назарнинг роли жуда муҳим. Қўзлар очиқ булганида фикр атрофга, қўринган муҳитга қўналади ва бу дохийий тушунчаларга тўсиқ яратади”.

Секуди Катсуки. “Дзен тажрибаси”дан

Талабалик йилларимда бор-йўғи иккита дустим бор эди, уларнинг бири нахчивонлик Мухсин, иккинчиси шекилик Зейнал эди. Балки уларнинг бошқа болалардан фаркли, одобли-икромли эканлиги, бирорта аёлга ҳеч вақт ёмон куз билан карамаслиги ва шалок сузлар айтмаслиги яқинлигимизга сабабчи булгандир. Узлари жон дустри эдилар, аммо бир-бирига тегишиб, хазиллашиб туришарди. Зейнал Мухсинга:

– Азизим, “чой”, “чой”, эсингда тут: “чой”! Лекин сен нега “сай” дейсан?

– Хўп, унда чарамга нима дейлик?

Зейнал қаҳқаҳа отиб кулар, менга куз кисиб қуярди:

– Демак, бу хумпар “ч” ҳарфини “карам” сузи учун асраб қуйган экан-да, э калла...

Мухсин:

– Бунга кара-я, менга тил ургатмоқчи бўляпти. Бир марта Шекида эдим, радиода бир шоир шеър уқий бошлади:

Тоғларга кор ёғди,

Шамол келди, таркатди... хо-хо-хо. Бунга нима дейсан?

Лекин Мухсиннинг энг ғурурланадиган нарсаси – Нахчивоннинг муъжизалари эди.

– Жаҳон тарихи Нахчивондан бошланган, буни, бейим, биласизми? Нухнинг кемаси Кемақояда лангар ташлаган.

Зейнал:

– Кема уша тоғ бошига қандай тирмашган экан? – дея суради анковсираб.

Мухсин:

– Эй бесавод, эшитмаганмисан, бир вақтлар у ерлар денгиз бўлган, у ерда, хатто, бир қояга чиганок ҳам парчинланиб қолган. У ерга чиқа олсангиз, тошларга солинган космосга алоқадор расмларни ҳам қурасиз.

– Балки узинг ҳам космосдан ерга ташриф буюргандирсан?

Мухсин Зейналнинг сузлашига имкон ҳам бермай сузда давом этарди:

– Нухнинг қабри уша ерда. Бир вақтлар Бехруз Кангарли бу қабрнинг расмини олган эди. Сенга нимасини айтай, яна Асҳоби Каҳф ҳам уша ерда. Қуръони Каримда Асҳоби Каҳф хақида айтилган.

– У ер Асҳоби Каҳф эмас, особий кайф, – дея тегишди Зейнал.

Мухсин яна дустининг китмирлигига заррача эътибор бермай, Химраддан сузлай бошлади.

Химрад деган жойдан бир фаввора отилиб чиқади, соатнингги унга қараб гуғрилаб олишинг мумкин. Роппа-роса ҳар соатда бир марта ердан кукка қайнар сув пишқириб отилади. Бу сизларнинг Совуқ булоғингиз эмас, Зейнал, шундай деб билки, кимдир ер остида утириб, соатига қараб айни вақтда сувнинг ер юзига отилиб чиқишини бошқариб туради. Бу муъжиза бўлмай, нима?

Мухсин бу гаплари билан мени шу қадар афсунлаган эдики, ҳеч қачон бормаган бу афсонавий диёрга илк фурсатда

боришни хохлаб колгандим. Аммо, туғриси, мени Химрад фаввораси ва Кемақоядан кура Муҳсиннинг тилидан тушмайдиган Тирик Бобо купрок жалб киларди. Тирик Бобо макбарасини Маразада курган эдим.

Бу борада эл орасида юрадиган афсонани ҳам эшитгандим; гуё Тирик Бобо бир мумин авлие эмиш, вафот этади. кумишади. Эртасига келиб куришадики, қабри урнида намоз ўқиётган эмиш. Исми уша вақтдан бошлаб Тирик Бобо булади. Бундай гапни Дарбандда ҳам эшитгандим. Дарбандда машхур Қирқлар қабристонни бор. Бу қирқлар қирқта ислом шаҳиди экан, уларнинг бошини кесишган. Сунгра жасадларини араваларга юклаб, қабристонга олиб борганда куришадики, қирқтаси ҳам соппа-соғ, араваларнинг олдида от чоптириб бораётган эмиш. Бир вақтлар улимдан кейинги ҳаёт, улиб тирилмок масаласига кўп кизикқанман, бу афсоналарни ҳам узимча ривоят эмас, балки ҳақиқатда булган воқеа улароқ изохлашга ҳаракат килардим. Нахчивондаги Тирик Бобо ҳақидаги суҳбатлар ҳам мени даставвал исмига кура жалб килди. Бу киши ким эди, унга нега ТИРИК дейишади? Масала шундаки, Муҳсиннинг узи ҳам уни курмаган, фақат у ҳақда айтилган ривоятларни эшитган холос.

Айтишларига кура, у авлиё, пир булиб, 150 ёшга кирган эмиш. Ахир, айтишади-ку, юз марта эшитгандан бир марта курган афзал, деб...

Муҳсин Тирик Бобо ҳақидаги гапларни асосан отасидан ва бобосидан эшитганини, бироқ улар ҳам Тирик Бобони ҳеч курмаганини эътироф киларди. Айтишларига кура, Хароба Гилон дейилган қадимий шаҳарнинг вайроналарида бир хужрада якка-ёлғиз яшар экан. На ермиш, на ичармиш – ундан ҳеч ким хабар олмас эмиш. Фақат бир кишигина, туксон ёшдан утган биргина киши ойда бир марта Тирик Бобони зиёрат килишга келаркан ва унинг маслаҳатлари, тавсияларини халққа стказар экан. Баъзи кишилар шубҳа

килиб, бундай одам йук, бу бир афсона, ривоят, кимдир буни кайсидир сабаб билан тукиб, халк орасида ёйган, дейишарди.

Муҳсинга Нахчивонга йулим тушса, албатта, у билан куришаман, дедим.

Зейнал дархол:

– Вох, вох, – деди, – Тирик Бобо юз эллик йилдан бери сени интик булиб кутаётганмиш.

Галатиси шуки, Муҳсин бу истагимни жиддий қабул килди. Иш шундай булиб чикдики, университетнинг алмашув шартномасига кура, маъруза укиш учун Нахчивонга кетишим керак булиб колди. Аввалига Муҳсиннинг мен билан боргиси келмади.

– Менга кара, – дедим, – Мирза Жалил раҳматлининг Курбоналибейи каби мени тухтамай меҳмонга чакирардинг, энди эса мен билан бормокчи эмассан, бундан кейин сенинг отингни Курбоналибей куяман.

Бироз иккиланиб, узини у ёк бу ёкка ташлаб турган Муҳсинга шама етарли булгандай, хуп деди ва Зейнал ҳам, табиийки, жон деб бизга кушилди.

1 апнинг кискаси, сентябрнинг бир илик кунида Нахчивонга учдик. Муҳсин, ҳақиқатан ҳам, жуда меҳмондуст экан. Узи ҳам, мошоллоҳ, кариндошлари куп экан, бугун бу уйда зиёфат, эртасига бошка ерда... Халхал урмони, Батабат, Урдубоднинг боғлари, неҳрамликларнинг бир бошкача меҳрибончилиги... Умримда биринчи марта еган таомлар – Арзуман киймаси, пиёз дулма, асалли куймоқ... Аммо менинг фикри-зикрим – Тирик Бобони куриш. Бунинг бир йулини топишим керак эди. Муҳсин бечорани шу даража жонидан туйдирдимки, бу Тирик Бобо ривоятини менга айтиб берганига пушаймон булди. Аммо мен ҳам буш келадиганлардан эмасман. Қолган ишга кор ёғади. Бунақа мистик ҳоллар мени ҳамиша ғайритабиий куч билан узига тортар, ғалатиси шуки, узим ҳам тула идрок этолмаган ҳолга тушардим. Бу бир хасталикка ухшарди,

истаган нарсамни топиб, нашъу намо топмагунча тинчимасдим... Шу қадар оёк тираб туриб олдимки, охири бир воситачи орқали бошқа воситачига, унинг воситасида бошқа бирига чиқдик, шу гарика охири туксон ёшлардаги бир кексани топдик.

На туриш-турмуши, на хатти-ҳаракатлари, на сузлашида ҳеч қанақа гайритабиийлик, ғалатилик йук эди. Ёшлик йилларида ҳайдовчи булган, йигирма йилдир нафакага чиккан, ёши туксон, йук, 82 да эди.

Факат бир ғалати ходиса булди. Мени курганда юзимга диккат билан тикилиб:

– Сени касрдадир курганга ухшайман, – деди.

Маълум булдики, у умри буйи Нахчивондан чикмаган экан, мен ҳам бу ерга бирипчи марта келиб турибман. Шундай экан, у мени касрдан ҳам биларди?

Бир ғалати савол берди:

– Ёнингда суратинг борми?

– Паспортимдаги суратимдан бошқаси йук эди ёнимда.

– Анави муюлишда сураткаш Мурсал бор, унга бер, катталаштириб берсин.

Бу нимага керак эканини билмасам-да, айтганини килиб, суратимни катталаштириб олиб келдим.

Суратни олди, анча вақт тикилиб турди, сунг чунтагига жойлади. Ҳеч нарса демади ва ҳеч қандай ваъда ҳам бермади.

Бокуга қайтишимга икки кун қолганди. Тирик Бобони куришдан умидимни уздим.

Охирги кун Муҳсинларнинг гулга бурканган ҳовлисида самоварга кумир солиб қайнатилган кайноқ чой ичиб утирганимизда – Муҳсин ҳам охири чойга “чой” дейишни урганди – дарвоза тақиллади.

Суратимни чунтагига солган қария келган эди. Мени четга тортди, кулоғимга пичирлади:

– Эрталаб сени Тирик Бобонинг зиёратига олиб бораман, аммо буни ҳеч ким билмасин.

- Ие, ахир, эргат а Бокуга учиб кетаман-ку.
- Билетингни алмаштир. Бунака фурсат юз йилда бир марга булади. Аммо хеч кимга хеч нарса дема.
- Хуш, унда Муҳсинларга нима дейй? Нега билетни кайтардим, сен билан қаерга кетяшман?
- Ташвишланма. Улар хеч нарса сезмайдилар.

САККИЗИНЧИ ФАСЛ

ТИРИК БОБО БОРМИДИ, ЙУҚМИДИ?

“Баъзи бировлар суфийлар яширин қудратга эга деб уйлашади. Баъзан, ҳатто, суфийлар бир қарашида оғир хаста бўлган беморни соғайтиради ва ҳаётини ўзгартира олади, деб гапиришади”.

Илрисшоҳ, “Суфизм” китобидан

“Дзен – мистикдир – бошқача була олмасди ҳам, чунки дзен Шарқ маданиятининг асосидир. Айни мана шу мистицизм Гарбнинг Шарқ дунёқарашини англашига монелик қилади. Чунки Гарб дунёқарашининг асос жиҳати мантиқ ва мантиқий таҳлилдир. Шарқ мистицизми эса бу тарздаги мантиқни қабул қилмайди”.

Д. Г. Судзуки (XX аср япон олими),

“Дзен буддизмининг асослари” китобидан

“Экзистенциализм – бор кучини Аллоҳни инкор қилишга сарфлаган атеизм эмас. У бутунлай бошқа ҳақиқатни баён этади: агар Аллоҳ бор бўлса-да, бу ҳеч нарсани ўзгартирмайди... Масала Аллоҳнинг бор-йўқлигида эмас. Масала инсон ўзини ўзи яратишидадир. Аллоҳнинг борлиги тасдиқланган тақдирда ҳам, бу, инсонни ўзидан халос қила олмайди. Бу маънода экзистенциализм – неқбинликдир, инсонга инъомдир ва инсонни ҳаракатга солмоқдир”.

Жан Поль Сартр (XX аср француз файласуфи ва эзувчиси), “Экзистенциализм – гуманизмдир” эссеидан

Эргалаб соат 9 да Мумина Хотун мақбарасининг ёнида эдим. Қария осонгина топишим учун атайлаб шу манзилни тайинлаганди. 82 ёшли собик ҳайдовчи юк машинасининг

рулида мени кутиб утирган экан. Унинг бу ёшида машина ҳайдашига ҳайрон қолдим.

Иул буйича икковимиз ҳам чурқ этмадик. Нахчивоннинг фаройиб манзаралари, ҳар жойдан куришиб турган Илонли тоғи, инсон қули билан яратилмаган, лекин замондош ҳайкалтарошларнинг мавҳум санъат асарларини – модернистларнинг ҳайкалларини эслатадиган тўда-тўда қояларга, гоҳ қорайган, гоҳ оқарган тоғларга ҳайрон қолмаслик асло мумкин эмасди... Эртакка тушиб қолгандай, ҳаяжонланиб кетавердим. Бир томондан, Тирик Бобо ҳақидаги гап-сузларни эшитавериб, уни куришни жуда истаётган, иккинчи томондан, бу учрашувдан бироз чўчиётган, хавфсираётган ҳам эдим. Ичимда бу учрашув бутун ҳаётимни узгартириб юборадигандек бир хис бор эди.

Машина паст-баланд йуллардан чиқиб-тушар, ичимда нима булса, узилиб тушаётгандек буларди. Бу жисмоний аъзоларимнинг қакшаши эмас, балки руҳиятимда қандайдир аёвсиз бир зилзила содир бўлишини олдиндан хис қилишдан бошқа нарса эмасди.

Қадимий турар жойнинг харобалари кузга ташланди. Том-поми йук, фақат ярим йиқилган деворлари қолган уйлар... Баъзи уйларнинг эшик ва дераза уринлари қорайиб куринади... айримларининг терилган тошлари аллақачон тўкилиб кетган, қўпчилиги ер қаърига бироз чўккан... Машинамиз бу вайроналар орасида озми-кўпми омон қолган бир дахманинг олдида тухтади. Ҳайдовчи машинадан тушди, мен ҳам пастга индим. Эшикни курсатди. У ҳамма нарсани ишора билан курсатарди. Худди сузлашдан, овоз чиқаришдан кўрқаётгандай эди.

Бир ғалати иш қилди, чўнтагидан бир қора кузойнак чиқариб, менга узатди:

– Бунга тақиб ол, – деди.

Мен ҳам сабабини сўраб утирмай, мисли тилсимланган кишидай, унинг айтганини қилиб, ойнакни тақдим.

Узи ташқарида қолди. мен у кўрсатган тор, пастак эшикдан эгилиб утиб, хужрага кирдим. Нимкоронғи хужрани бир шамнинг заиф нурлари сал-пал ёритиб турарди. Қора кузойнак гаққаним учун менга ҳар тараф баттар коронғи бўлиб кўринарди. Хона – агар бу ерни хона дейиш мумкин бўлса – деворларида ҳеч нарса йўқ, ерга буйра тушалган. Буйранинг нариги бошида кўрпача устида чордона куриб утирган кишини зўрға сездим.

Уни кекса деб ҳам бўлмасди. Гуё Замоннинг узи кексайиб, бу қоранаранг кишининг қорамағиз юзларига сингиб кетгандай. Ҳиндларникидек катта, теран ва ғамнок кўзлари киши руҳиятига таъсир қиларди. Оқ-оппоқ соч-соқоли деярли занжиларникидай қора юзига зид.

Хуллас, Тирик Бобо деганлари ана шундай киши экан... Бир вақт менга қаршимда жонли инсон эмас, бир қурикчи утиргандай туюлди, лекин унинг қоп-қора кўзларининг ифодасидан тирик экани маълум бўлиб турарди.

Жим утирарди. Менга бизнинг қуришишимиз мана шу тариқа сукут ичида утадигандай ва анча вақтгача бир-биримизга тикилиб утириб, туриб кетадигандек туюларди.

Аммо шу чоғда Тирик Бобо хаёлимга келган фикрларни уқигандек, бугик, гуё асрлар катидан чиқаётган овозда:

– Хуш келибсан, Хўрмузд, – деди.

“Менга нега Хўрмузд деди, – дея уйладим, – ахир, менинг исмим бошқача-ку. Мени бошқа бировга ухшатди, шекилли”.

– Исмим... – дея сузга оғиз ҳам очган эдимки, сузимни кесиб:

– Сенинг отинг Хўрмузд бўлиши керак, – деди.

У бу гапни шундай катъият билан айтдики, эътироз этишга журъатим етмади.

“Хўрмузд! Майли, Хўрмузд булаколсин. Хуш, унга ким деб мурожаат қилсам экан? Тирик Бобоми? Авлиёми? Пирми?”

Энг осон йулини топдим:

– Бобо, – дедим, – сенинг сиринг нимада?

– Сирларни ёлғиз Аллоҳ биледи, – деди. – Ҳазрати алайҳиссаломга марҳамат килиб айтганки, сенга сирларнинг факат бир қисминигина очдик, бошқалари ҳам бор, лекин улардан хабаринг бўлмайди. Расул алайҳиссалом ҳам тобеъинларга: мен сизларга барча сирларни биламан деб айтганим йук, мен факат менга нозил булган гапларни сизларга етказаман, дедилар.

– Ҳарҳолда бундай ҳаёт кечиринингизнинг бир сабаби бор, – дедим. – Бунинг боиси нима?

Вақт хиссини унутгандим, билмадим, ун дакиками, бир неча соатми сурган сукунатдан сунг шундай бир савол бердики. дабдурустдан эсанкираб қолдим.

– Дада Қуркутни биласанми?

Юткиндим.

– Албатта, – дедим.

– Тепакуз ёдингдами?

Рупарамдаги бу киши ким эди – сирли, афсонавий, тасаввур ҳам килиб булмайдиган бир қариями? Ё, балки, минг ёшдаги Дада Қуркутнинг узими? Жавобимни кутиб ҳам утирмай, бошқа савол берди:

Тепакуз ким эди?

– Ким буларди? – саволга савол билан жавоб бердим.

Саволимга эътибор ҳам бермай:

– Нега уз жонига қасд қилишни хоҳлаган эди? – деб суралди.

Мактабда уқиган йиллари “Китоби Дада Қуркут”ни уқиган эдим. Эслашга уриндим. Асарда Тепакузнинг узини улдиришни хоҳлагани ҳақида тушунилмайдиган бир жойи бор эди. Бирданига миям ёришиб кетгандай булди. дostonдаги уша парча сузма-суз, жумлама-жумла эсимга тушди.

– Хуш, нега ўзини ўлдиришни истаганини билдингми?

– Йук.

– Чунки у Тепакуз эди.

Яна ҳеч нарса тушунмадим.

Кария яна хаёлими а келган фикрларни укиб:

– Инсоннинг икки кузи бор, – деди. – Лекин тапланганларнинг бошинини ичида учинчи кузи ҳам булади, бунга басират кузи дейдилар. Бу куз билан бошқалар куролмаган нарсаларни куради. Учинчи куз одамнинг калласининг ичида булади. Аммо Тепакузнинг биргина кузи пешонасида, ташқаридадир. У бу кузи билан дунёнинг бутун мурдорлигини куради, аммо ҳамма баю шундаки, у дунёнинг мурдорлиги, Ёвузлиги устидан Ёвузлик билан ғолиб чикмокчи булади. Ер юзидаги бутун Ёвузликни, Балоларни яратган инсониятни киришни хоҳлайди, бу ишни бажаргандан кейин ёлғиз қолиб, ганҳоликка чидаш бериб утирмаслик учун узини улдириш фикрига келади.

“Ажойиб иш булди, – деб уйладим. – Мен сирли, афсонавий бир одамни кураман деб ҳалак булдим, бунинг урнида фольклоршунослик ҳақида маъруза тинглайдиган булдим”.

Бу дафъа ҳам хаёлимдан утганларни билди:

– Шошма, Хурмузд, – деди.

Бу сафар овози орқа гомондан келди, холбуки, у олдимда утирган эди.

Қачондир келишингни билардим. Кутаётган эдим. Сенинг кузларингда бир сир бор, суратингни курган заҳоти буни билдим. Суратда ҳар нарсани узгартириш мумкин, лекин кузнинг ифодаси бетакрордир, у худди бармок излари кабидир, ҳар бир кишиники узига хос, бошқаларникига ухшамайди, – овоз эди ён томондан кела бошлади, гуё хонанинг ҳар томонида динамик қуйилган ва Тирик Бобонинг сузлари ҳар гал бошқа томондан эшитиларди. Кишига бу афсонавий кария эмас, йук, бу коронги хужранинг

узи, деворлари, буйра, кўрпачалар сузлаётгандай туюларди. Девор ва буйралар савол берди:

– Дунёнинг балоси каерда?

– Мен каердан билай, дунёдаги балоларнинг чеки йўқ бўлса.

– Балойи азим шуки, дунёда яхши кўздан ёмон кўз куп ва кучлидир. Яхши кўз юз карашда кила олмаган яхшилиқни ёмон кўз бир лаҳзада йўқ кила олади. Кўз тегади, кўзи каттик, кўзи олайди, кўздан ўт сочди, кўзи конга тулди, кўзини лук килиб боқди, кўзи билан тешиб юборди, кўз тикди, кўзига чўп солди, кўзининг ёғини еди, кўзини уйнатди деймиз, кўзи кувнади, кўз тутди, кўзи очилди, кўзига суртди, кўзига иссиқ куринди деймиз... Кўз, кўз, кўз... Нега бундай дейишади? Чунки ҳаммаси кўздан. Эзгу иш ҳам, ёвузлик ҳам кўздан, Хўрмузд.

– Менга нега Хўрмузд деясан, бобо?

– Сен Хўрмуздсан, хали буни ўзинг билмайсан. Инсон узини ўзи яратади, истаса, Хўрмузд булади, истаса Аҳриман бўлиб етишади. Инсоннинг ичида ҳар иккиси – Хўрмузд ҳам, Аҳриман ҳам бор...

Бирданига кутилмаган савол берди:

– Аллоҳга ишонасанми?

– Аллоҳга? – қарияни норози қилмаслик учун бу саволга қандай жавоб беришни беришни билмаётгандим. Менинг ўрнимга ўзи жавоб берди:

– Ишонасан, лекин Аллоҳга берадиган саволларинг ҳам бор. Мусулмонлар ҳам, исовийлар ҳам, мусовийлар ҳам қодир Аллоҳ дунёда бунчалик адолатсизликка, ҳақсизликка, зулмга нега йўл беради, нега шайтонни жиловлаб қўя олмайди, деб ўйлайдилар. Тўғри, авлиёлар қалбинг Аллоҳ ишқига шунчалик тулик бўлсинки, у ерда Иблисга жой қолмасин, деганлар. Аммо Шайтон, Иблис ким бўлибдики, Аллоҳ яратган дунёда бундай от уйнатсин? Бу саволга ким тўғри жавоб берганини биласанми?

– Билмайман.

– Қаердан ҳам билардинг... ҳатигача гафлат уйкусида булсанг. Башариятнинг энг буюк саволига бобомиз Зардушт жавоб берган. Зардушт мана шу тупрокка кумилган Нух пайғамбарнинг неварасидир, менинг ҳам катта бобом булади.

Яна хаелимдан утган фикрни билди.

– Иук, жинни-пинни эмасман, – деди. – Зардушт бобомиз жаҳонни икки куч – Эзгулик ва Ёвузлик бошкаради, деб таълим беради. Эзгуликни танлайдими, Ёвузликни танлайдими – бу инсоннинг узига боғлик. Бугун ҳам дунёда Хурмузд билан Аҳриман тўкнашяпти, жанг қияпти. Гоҳ униси, гоҳ буисиси устун чиқади... Сенинг кузингда Хурмузд нуруни курдим. Аммо бошингга куп синовлар тушган ва яна тушади. Аҳриман хамиша сени уз томонига тортишга ҳаракат қилади. Болалигингдан буси дуч келган адолатсизликлар, таҳкирлар, ранж-аламларни битта-битталаб ёдингга солади, сени булар учун касос олишга ундайди. Аммо шуни билишинг керакки, Ёвузликка карши Ёвузлик усуллари билан урушмок Ёвузликни купайтириш демокдир... Ғалаба нафрат туғдиради. Мағлуб уч олмок эҳтироси ичида яшайди. У ҳам интиқом олиб, голиб чикса, бу занжирни ҳеч қачон узиб булмайди. Ҳузурга ковушмок учун ғалабадан ҳам, мағлубиятдан ҳам воз кечмок даркор. Бири жангда мини одам устидан голиб келади, лекин бошка бири факат уз нафсонияти устидан зафар козонади, энг буюк голиб ана шудир.

“У мени таҳкирлади, камситди, ранжитди”. Бу фикрларни ичида сақлаган одамнинг кин-кудурати ҳеч вақт йуқолмайди. Бундай фикрлардан озод булган кишининг нафрати битади, ичи осудалашади. Дунёда ҳеч вақт нафратни нафрат билан енгиб булмайди.

Қадимги хитойлар жуда доно булишган, улар на Эзгулик, на Ёвузлик тарафида бул, дейишган. Айниқса,

Эзгулик ва Ёвузлик тукнашадиган дунёга келмасдан олдинок, буни эсингда тут, ана шундай бул. Чинликларга кура, аслида на Эзгулик бор, на Ёвузлик, ҳар иккиси бирдир.

– У ҳолда бад амалларни савоб ишлардан қандай фарқлайсан, бобо?

– Қалб сасига кура. Қалбингга кулок сол. Қалбинг туғри йулни курсатади. Аллоҳ қалбини дадир. Қуркут Отани эсла: “Куп жохиллар Сени еру кукдан ахтаради, ҳолбуки. Сен муминларнинг қуғлидадирсан”.

Тирик Бобо қулини узатиб, девордан каттагина бир нарсани олиб, менга узатди. Қарасам, кузмунчок. Умримда бундай катта кузмунчок курмаган эдим.

– Уйингга осиб қуй. Зардушт бобомиз замонидан авлодма-авлод утиб, менгача етиб келган. Бу кузмунчок сени Аҳриманнинг фитналаридан асрайди. Сен ҳам одамларни Аҳримандан саклайсан.

Қайтадиган шаҳарингда бир олим бор, унда дунёдаги энг қадимий гилам бор. Бу гиламларнинг нақшларида коинотнинг бутун сирлари, дунёнинг аввали ва охири ҳақидаги билимлар акс этган. Уларни ҳам ёмон кузлардан асрайсан. Асхоби Қахфга¹ етишасан. Ундан кейин нима булишини айтиб утирмайман. Уз кузинг билан курасан.

¹ **Асхоби Қахф** – Бу уринда Қуръони Каримнинг “Қахф” сураси 9–26-оятларига ишора қилинмоқда. Унда айтилишича, бир бутпараст қавм ичида яшаган бир нечта еш йигит Аллоҳнинг бор ва ягона эканига ишонишларини очик айтиб, бутпарастликка қарши чиқади, тошбурон қилиб улдиришларидан ёки динини узгартиришга мажбур қилишларидан қутулиш учун бир горга қочиб киришга мажбур булади. Горда 309 йил ухлаб қолган йигитларни уйғотишганидан кейин улардан “Қанча турдингиз?” деб сурашганида айримлари “Бир ёки ярим кун” деб, қолганлари эса “Қанча ухлаб турганимизни Раббимиз биллади” деб жавоб беради. 21-оятда: “Шудан қилиб, Аллоҳнинг (қайта тирилтириш ҳақидаги) ваъдаси ҳақ эканини ва қиёматнинг (қелиши) шаксиз эканини билишлари учун (одамларни гор йигитларидан) хабардор қилдик”

Тирик Бобо қачон жим қолди, қачон ғойиб бўлди, билмадим. Бутун борлигим тарракдай қотиб қолганди. Хужрада мендан бошқа ҳеч ким йўқ, яна яланғоч деворлар, буйра устида эгасиз қолган курпача, милтиллаган, ҳали учмаган шам. Шам нури ҳам титрай-титрай сунди. Ҳеч нарсани қуриб бўлмайдиган қоп-қоронғи зулматга гарк бўлдим. Бир амаллаб эшикни топдим ва гашқарига чиқдим. Ташқари ҳам зулмат ичида. Қачон қоронғи тушганди, яъни ҳақиқатан ҳам кун буйи бу ерда бўлдимми, буни ҳам билолмадим.

Мени бу ерга олиб келган юк машинаси ҳам йўқ эди. Ярим кеча, бойқушлар сайраган, ғаройиб шарпалар кезаётган бу ваҳимали жойдан қандай қилиб чиқиб кетаман?

Уша кундан, уша кечадан бери неча йиллар утди, бироқ бу воқеа чинакамига бўлганмиди ёки менга шундай туюлганмиди, ёки бир алаҳсираш натижасида шундай қуринганми, буларни ханузчага аниқ айта олмайман. Билмайман, хануз билмайман.

Хароба Гилондан Мухсинларникига бир амаллаб етиб олдим, улар шунча вақт қаерда бўлганимни сурамадилар ҳам, ажабланмадилар ҳам. Буларнинг ҳаммаси иситма ичида алаҳсираганимда қузимга қуринган, хаста вақтимда миямга тулган хомхаёл бўлса керак. Майли, шундай ҳам бўлсин. Лекин жуда ғалати...

У ҳолда уйимнинг деворига осилган бу каттақон қузумчоч қаердан келди? Мен уни ҳеч қачон, ҳеч қаердан сотиб олмаган бўлсам.

дейлади. Бу билан инсонлар эзгу, яхши амаллар қилишга, ёвузликдан, ширқдан нари туришга даъват этилган. (Тарж.)

ТУҶҚИЗИНЧИ ФАСЛ

МАСТ ИСКАНДАР ҲАМ ТУҶРИ АЙТГАН ЭКАН

“Уликлар! Шайхнинг айтганини қилманг, тирилманглар... Ҳозир сиз бу ерда мазза қилиб ётибсиз. Дунёдан ҳеч хабарингиз йўқ. Ахир, тирилгандан кейин бу қабристонда қолмайсиз, уй-ўйингизга тарқалишни хоҳлаб қоласиз. Жуда гаройиб. Тарқалдингиз. Энди, бир айтинг-чи, сизларни уйга киритишармикан? Бориб курасизки, уйлариңизнинг эшиги қулфланган. – Эшикни оч! Мен бу уйнинг эгасиман. – Энди бу ерда ҳеч керагинг йўқ! Хотиниңга қардошиңг Ҳожи Фараж уйланди, уйиңга ҳам эга бўлди. Бор йўқол жаҳаннамга!”

М.Ж.Маммадқулизода, “Уликлар”.

Маҳалламга яқинлашаркан, ҳеч кимга, ҳеч бир таниш-билишимга дуч келмай, деб дуо килардим. Йўқ, йиртик-ямок шимимдан уялаётганим йўқ. Мени куриб таниб қолган кишининг юраги ёрилиб кетишидан қурқаётган эдим. Ахир кумилганидан кейин ҳали учи берилмаган майит шаҳар кучаларида тентираб юрмайди-ку. Бир томондан, ҳозир окшом вақти, қоронғи кучаларда мени ким ҳам танирди? Шукр, ҳеч кимга дуч келмай манзилимга етиб олдим. Лифтга кириб, 3-қаватнинг тугмасини босдим. Эшигимнинг коди 346 ни тераётганимда баногоҳ эшик устидаги лавҳага кузим тушди:

**Рухий гадқиқотлар ва ёрдам маркази, Зокир
Зокиров.**

Оёгим чалишим кетди. Бир амаллаб узимни қўлга олдим. Эшикни очиб, хонага киришим билан хотин чинқириги айни онда руй берди.

Торшернинг заиф нурида фақат шуни кўрдимки, ёзув столим устида ётган яланғоч аёл шир яланғоч эркакни итариб ташлаб, ирғиб турди-да, нариги хонанинг эшиги томонга кочди. Аёлнинг яланғоч белида думалок-думалок банка изларини ҳам кўрдим.

Зокир ерга ташлаб қўйган халатини – халатимни шоша-пиша олиб, баданини бекитди.

– Кимсан? – деди менга караб. Кузларига ишонмаётган эди. Сунгра бирданига ток урган одамдай ерга чукди. Оркасини деворга бериб, полга аста-аста суюлиб тушди. Дудуклана-дудуклана:

– Си...из..., – дея олди холос.

Олайган кузлари мурданикидай котиб қолди. Гуё кузлари бир нуқтага миҳлангандай эди.

– Балли, менмап, – дедим, – сендай бир нонкурнинг бошлиғи ва илмий раҳбари...

Зокирдан сас-садо чикмади. Ахир, нима ҳам дейиши мумкин?! Дафни этилганимдан уч кун ҳам утмасдан энг суюкли шогирдим, бутун билганларимни ургатганим бу курнамак манзилим-ишхонамни узиники қилиб олган, эшикда исмим сзилган лавҳани қупориб отган, уз оти ёзилган лавҳани урнатган (исми ёзилган лавҳани зудлик билан тайёрлатишга ҳам улгурган), боз устига, йул-йул қирмизи халатимни ҳам узлаштирган эди.

Гуё бу хонада диван, нариги хонада кроват йукдай, неча кечаларни бедор утказган ёзув столимни тушакка айлантирган... Балки бу бир нав бузуқ кайф бўлса керак?

Оркадан курган бўлсам-да, аёлнинг ким эканини тахминан билгандим. “Улишим”дан бир-икки кун олдин Рубобанинг зотилжам бўлганини, бели ва елкаларига банка қўйдирганини эшитган эдим. Куп узоқларда қолган элларда ҳам уни кумсаб юардим. Менинг ягона жавобсиз муҳаббатим эди. Қулимни тиззасига қўйишга изн бермаган бу қиз утакетган снгилоёқ, ғирт суюқ экан.

Сенда виждон-пиждон деган нарсадан асар ҳам йук экан-ку, Зокир? Ҳеч булмаса, кирким эмас, еттимнинг утишини кутсанг буларди-ку...

Чуккалаб утирган Зокирда ҳеч бир ҳаёғ аломати йук эди. Тушкун бир ҳолатда. Мен гуё бушликка сузлаётган эдим:

– Шунинг учун ҳам мени итариб улдирмокчи булдингми, Зокир? Уйимни, ишимни эгаллаб олиш, охирига стказган таджикотимни, кашфиётимни узлаштириш учунми? Уйимни фоҳишахонага айлантириш учунми? – газабдан буғилиб кетаётгандим. – Менинг фарзандим йук эди, сени уз углим деб билгандим. Мени оркамдан уриб, учинчи каватдан пастга итариб юборган сен эканинг кабрда ётганимда ҳам ҳаёлимга келмаган эди.

Зокирининг бузариб кетган юзи мурданикига ухшарди. Унга, ҳатто, раҳмим ҳам келди.

Курсига ташлаб куйган шими, куйлагини устига отдим:

– Кийин, йукол кузимдан, – дедим. – Кетаётганингда лавҳани ҳам эшикдан купориб олиб кет...

Нариги хонага утдим. Рубоба қуллари билан юз-кузини бекитиб олганча, юм-юм йиғлаётган эди. Кийиниб олибди. Менга ёкадиган пистоки-яшил ранг куйлақда.

Ичкарига кирганимни сезиб, бошини кутарди. Ҳеч нарсага таажжубланмаётгандек, ҳеч нарса булмагандек куринарди. Уч кун олдин кумилган одам энди бу гаройиб киёфада курниб туриши гуё оддийгина бир ҳол эди...

Факат:

– Кечиринг, кечиринг, – деб шивирларди ҳолос.

– Кечирадиган нарса қолмаган, – дедим. – тур, даф бул бу ердан.

Рубоба гик этмай хонадан чиқди, бир оздан кейин ташки эшикнинг ёпилганини эшитдим.

Иш қиладиган хонамга утдим. Бу ерда Зокир йук эди. Қачон кетди? Эшик товушини эшитмаган эдим, афтидан, эшикни секингина ёпиб чиқиб кетган булса керак.

УНИНЧИ ФАСЛ

АСХОБИ КАҲФ

“...Йигитлар горга паноҳ истаб боришиб: “Эй Раббимиз! Бизларга уз ҳузурингдан раҳмат ато этгин ва бизларнинг ишимизни ўзинг тўғрилагин”, – дедилар. Бас, (Уша) горда бир неча йил уларнинг “қулоқларига уриб” (ухлатиб) қўйдик. Сўнгера (уларнинг ичидаги) икки гурӯҳдан қайси бири турган муддатларини (тўғри) ҳисоблашларини билиши (синаши) учун уларни уйғотдик. ... Улардан бири деди: “Қанча тўрдингиз?”. Улар (дан айримлари): “Бир кун ё ярим кун”, – дедилар. (Қолганлари эса) “Қанча (ухлаб) турганингизни Раббингиз билур. ... (Улар) горларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз (йил)ни зиёда қилдилар. ... Уларнинг қанча турганларини Аллоҳ яхши билувчидир. Осмонлар ва Ернинг сирлари фақат Унга оиддир”.

**Қуръони Карим, Каҳф сураси,
10, 11, 12, 19, 25, 26-ояглар.**

“Шуниси галатики, булутлар юлдузларни тўсиб яширган каби, Рух уз ватанини ва тўғилган жойини эсламайди. Дунё ҳам Рўҳнинг қўзларини тўсган уйқудир”.

Жалолиддин Румий

Дунё қамрай олганимиздан қура янада кенгроқ эканини англашимиз даркор. Бизга дунёни қўришини ва англашни ургатишган. Аммо кўриб турган реаллик дунёни билиши воситаларидан фақат бири эканини айтишмаган... Европа дунёқараши фақат куз кўрган нарсаларни қабул қилади. Бир дунёдан бошқа, тинҳоний дунёга утмоқ учун қўрганларингдан ташқарида була олмогинг керак”.

**Карлос Кастанеда, Америка этнографи ва
ёзувчиси,
“Узга дунё эшиклари” китобидан**

Билетни алмаштиргандан кейин бугун кунни шаҳарда кезиб утказдим. Мирза Жалил, Ҳусайн Жовид музейларига бордим. Эртасига Муҳсиннинг тоғаси Мадат кишининг “Жигули”сида Асҳоби Каҳфга йул олдим. Асҳоби Каҳф этагида Мадат кишининг чоғроқ чойхонаси бор эди. Мадат киши:

– Токка тирмашмасдан олдин бизнинг чойдан бир нуш айла, – деди.

Буг кутарилиб турган самовар, ноксимон бардаклар, хурознинг тожидай қизғиш чой, лимон, ёнғок мураббоси...

Муҳсин:

– Менга кара, кардош, – деди, – токка узинг тирмашавер, бунга менинг хушим йук. Кара, анави сукмокни куряпсанми. ушандан кетавер, туппа-туғри Асҳоби Каҳфга олиб боради. Нак чуккига чикканингда курасан куясан – Асҳоби Каҳф уша ерда. Дакёнус воқеасини эшитганмисан?

– Эшитганман, – десам-да, Муҳсин сузга киришди:

– Сайёҳлар у ерга чикиб дам олмокчи булишибди, уйкуга кетишибди. Уйғониб карасалар, итларининг суяклари колган эмиш холос. Сунгра маълум буладики, орадан уч юз йил утган экан. Қуръони Каримда айтиладики, Ҳақ таоло ётганларнинг ётлари тупроқда чиримаслиги учун, уларни гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёкка ағдариб турар экан. Менга кара, яна у ерда ухлаб-пухлаб колма.

Юқорига кутарилиш ҳақиқатан ҳам жуда машаққатли булди. Секин-секин кўтарилаётган булсам-да, ҳарсиллаб колдим. – Эҳ сени кара-ю, дея узимга таъна қилдим, – 25 ёшингда токка тирмашиш сенга бунчалик кийин булаётир, элликка кирганингда нима қиласан?

Муҳсин бу ерни шу даража атрофлича тасвирлагандики, Асҳоби Каҳфни курганданок танидим. Турт томонини баланд қоялар куршаган, аммо улар бир-бирига зич ёпишмаган, орада Самога ҳам анча жой колдирган. Иссиклигидан, йук, қояларнинг тузилишига кура, тандирга

тушгандай булдим. Бу ернинг ажиб бир аураси бор эди. Ёки, балки Дакёнус афсонасининг таъсиридан булса керак – бу ерда Макон қолган, Вакт йук булган эди. Шундайки, бу ерда бутун утган-кечган умрингни, барча курганларингни унутардинг. На боши, на охири булган чексизликка ковушасан бу ерда. Чексиз-чегарасиз коинотда бир заррача булганингни бу ерда янада якколрок хис қиласан. Бир-бирига суянган қоялар кукка дераза очган эди гуё. Дераза ёки, балки Ҳакнинг даргоҳига очилган бир эшик.

Бир оз нафас ростлаш учун курук ерга утирдим. Қояга елка тирадим. Қовокларим оғирлашиб, юмила бошлади. Келаётган сасларни уйкуда эшитаётгандай булдим

Мехмоннинг қайда қолди? бу Мадатнинг овози.

– Қаерда булса-да, келиб қолар, – бу Муҳсиннинг овози.

Бу сузларни уйкуда эшитаётганмидим ёки уйғоклигимда? Қолбуки, мен тоғнинг бошида, улар этагида, узоқларда. Устига устак бунга бошка саслар ҳам коришиб кетаётганди... кимдир чой сураган, неча пул тулашимиз керак, деган саволлар, қарз берган қарз олганининг соғ-саломат бўлишини истайди, деган гаплар...

Кузимни очганда атрофни қоронғилик босганди. Асҳоби Қахф “осмони”да қуринган юлдузлар ерга шунчалик яқин эдики, қул узатсанг, ҳовучлаб олишини мумкиндай туюларди. Ҳеч вақт, ҳеч ерда бунчалик йирик юлдузларни кўрмаган эдим.

Оёкка қалқиб, керишдим. Вужудимда авваллари хис қилмаган бир нарсалар пайдо булганини хис қилдим, худди оғирлашганга ухшар, бир оз чарчаган ҳам эдим.

Бу ер формиди, унғурмиди, не булса бўлсин, Асҳоби Қахф деб номланган бу жойдан чиққанимда лол қотдим. Тоғнинг қок этагидан тўппа-тўғри бу ерга пиллапоя қурилган эди. Ё Аллоҳим, бу пиллапояни қачон, яна бир неча соат ичида қандай қурдилар экан? Агар аввалдан булса, нега қурмадим? Муҳсинлар ҳам ҳеч нарса демагандилар, ахир

минг азият тортиб токка тирмашиб утирмай, зинапоядан осонгина кутарилган булардим-ку.

Пиллапоядан туша бошладим. Пастда хам хар нарса узгариб кетганди. Чойхона урнида янги хашаматли павильон тикланган. Пенхтахта ортида уша Мадат киши турибди.

Унга якинлашдим.

Салом, Мадат тоға, – дедим.

Менга ажабсиниб каради:

Қачондан бери тоғанг булиб колдим? Тенгдошмиз-ку.

– Сен Мадат эмасмисан?

– Мадатман. Нима кишти? Сен кимсан?

– Мени танимадингми? Хуп, Мухсин қасрда?

Қайси Мухсин?

– Қайси Мухсин деганинг нимаси? Боягина бу ерга бирга келгандик-ку. Мухсин аммангнинг ўғли эмасми?

Мадат кош-ковоғини солди:

– Амманнинг ўғли Мухсин бундан беш йил олдин оламдан утган.

– Қанақасига оламдан утади? Нима, жинни-пинши эмасмисан? Мени лақиллатяпсанми? Маст эмассан-ку, ахир...

– Узинг мастсан, бунақа ахлоқона ҳазил қиляпсан.

– Сен Мухсиннинг тоғаси Мадат эмасмисан?

– Отам унинг тоғаси эди, у хам бу йил дунёдан утди.

– Сени унга ухшатдим.

– Ҳа, ҳамма отанга жуда ўхшайсан, дейди. Худда олманинг икки палласидек, дейишади. Отамни танирмидинг?

– Танир эдим, – дедим. – Дакёнус афсонасимми?

– Нима?

– Ҳеч.

Бурчакдаги стол ёнида утирганлар чакириб қолишди:

– Мадат, чой кани?

Деворга уч рангли байроқ осилганди.

Бу байроқ қандай байроқ?

Мадат юзимга жиддий-жиддий тикилди:

Сен қаердан келдинг, хой киши, нима бало ойдан тушдингми?

– Йук, – ледим, – Асҳоби Каҳфда ухлаб қолибман.

Мадат ҳеч нарса демади, угирилиб, кузгуда курдимки, курсаткич бармоғини чаккасига қуйиб айлантиряпти. Сал нарида 50-55 ешларидаги бир киши ҳам турган эди. Юзи менга таниш туюлди.

Бирдан хаёлимга келдики, бу киши, афтидан, мен эдим.

УН БИРИНЧИ ФАСЛ

ҚАМЧИ

“Агар кимнидир бир марта ранжитсанг бас, сунгра бу кишига юз яхшилик қил, бефойда, барибир, сендан уша аламининг қасосини олади. Чунки ярадан уқни чиқариб олишади, лекин яранинг узи қолади, ахир...”

Саъдий Шерозий

Аҳлиман Уша кунга махсус тайёргарлик кўрди. Уч ой олдин олган қора костюм-шимини Уша кунга қадар бирон марта киймади. Икки кун бурун эса, оқ куйлак, румолчали, гулсиз қирмизи галстук, этик ва, ҳағто, янги пайпоқ сотиб олди.

Кеча сочларини олдирди, бугун ҳафсала билан соқолини киртишлади, душда чўмилиб олди, у ек бу ёғига атир сепди. Кийиниб-тараниб олгач, узини тошойнага солиб кўрди ва уз-узига макбул булди, “қуролмайдиган душманларимнинг кўзи чиксин”, дея мамнун-мамнун кулимсиради.

Албағта, бугун пурим кийими эмас, балки шак-шубҳасиз қозонадиган илмий ғалабаси душманларининг ичини куйдириши керак. Бахил, ҳасадгуй, уни қуролмайдиган душманлари тикилиб ётибди. Аслида, унинг ўзининг кургани кузи йук одамлар ҳам оз эмас. Бугун ҳаммасининг тарвузини култиғидан туширмоқчи.

Туғри, рад этиб булмайдиган далил-исботларга қарамай, Илмий кенгашнинг саккизта аъзосидан учтаси – энг аниқддий ёғийлари унга қарши чиқиши аниқ. Қолганларнинг илмий виждонларига ишонарди. Рубоба ҳам уларнинг орасида. Аслида, Рубоба Илмий кенгашга Аҳлиманнинг тавсияси билан киритилган эди. Туғри, бу иш “Низомий” кинотеатридаги уша хунук воқеадан олдин булганди. У вақтлари Рубобани ёктирарди. Ҳозир ҳам ёктиради. Аммо уша “Низомий” даги кинодан сунг ораларига бир оз

совукчилик тушди. Рубобанинг оёғи синиб, шифохонада ётганида уни бориб курмади ҳам. Узи ҳам келмай қўйди.

Кейинчалик бир-бирига тез-тез дуч келиб турсалар-да, ҳеч вақт кинотеатрдаги ҳодиса ҳақида оғиз очмадилар. На Рубоба, на Аҳлиман... “Бу хотинлар жуда ғалати-да, – деб уйларди у. – қулимни тиззасининг устига қўйсам нима бўпти, осмон ағдарилиб ерга гушибдими? Аслида, аёл аёл сифатида жозибали эканлиги идан фахрланиши керак. Бизнинг хотинлар бўлса, гуё бундан уялади, кимдир унга суқланиб қараса, хижолат чекади. Риёкорлик, ғирт риёкорлик бу”.

Ахир, Фрейд ва фрейдчи олимларнинг тажрибаларидан маълумки, аёлларнинг туксон фоизи у ёки бу тарзда эркак билан бўлишни ғайришуурий равишда хоҳлайди.

Кутубхонасининг жавонлари орасида яшириб қўйган, ора-сира варақлаб турадиган махсус расми китобларда эркак-хотин алоқаларининг юз хил қуринишлари бор эди.

Ҳай майли. энди миясини бу кераксиз нарсалар билан чағитмаслиги даркор. Илмий зафарни орзу қилганидек, аёлларнинг қалбини ҳам забт этмоқчи эди.

Ҳамма нарса уйлагани ва режалаштирганидек борарди. Мантиғи ва етуклигининг бутун имкониятларини ишга солиб, порлок бир нутқ сузлади. Илмий кенгашда, балки илк бора узок вақт тухтамаган гулдурос қарсақлар янгради. Катта олим Қафарзода ўз сўзида:

– Жуда қимматли тадқиқот, – деди, – оккультизмга биринчи марта мана шунақа жиддий ёндашилди. Совет даври булганида, бунга идеализм, хурофот тамғасини урган бўлардилар. Аммо энди, шукрки, ҳар масалага илмий ёндаша оламиз, ҳушёрлик билан қарай оламиз.

Ҳамма бир-бир унинг олдига келиб, қулини қисиб, табриклай бошлади, унга яқин кишилар эса зиёфат қасрда бўлишини сўрадилар.

Яширин овоз берилди ва ярим соатдан кейин санок комиссияси натижани эълон қилди: Илмий кенгашнинг саккиз нафар аъзосидан саккизтаси ҳам унга қарши овоз

берган эди. Афтидан, уларнинг ҳар бири: мен алаимини олнолай, қарши овоз берай, наригилар қарши овоз бермас, иншооллох, зиёфатдан маҳрум булмаимиз, деб уйлаган булса керак.

Уни ҳаммадан кура купрок мақтаган номдор олим Қафарзода ҳам қарши овоз берган эди, Рубоба ҳам... Узи Илмий кенгашга киритган Рубоба ҳам!

Овоз бериш натижалари эълон қилинган онда Аҳлиман бирдан курагида аччиқ оғриқ ҳис қилди. Бу этларини ачиштирадиган, ёндириб юборадиган камчи зарбаларининг оғриғи эди. Отаси темир гуқали чарм камари билан елкаларини савалаганда айнан шундай оғриқ ҳис қиларди. Отаси ёшгина Аҳлиманни камар билан савалар, онасига эса мушт, тарсакилар ёғдирарди. Онаси ялинарди: қурбонинг булай, урма, мен улай, урма. Узини дуппослашганида ҳам, уғлини уришганида ҳам шу гапларни айтарди. Ёлворишлари хануз Аҳлиманнинг қулоғида. Ёшгина Аҳлиман булса, фик этмасди. Бу эса отасини баттар қутургириб юборарди.

– Нима бало, метинмисан, падарлаънат, кичкина... – дерди чарчагач (“урма, қурбонинг булай, ахир у кичкина, ҳали гуқак, билмай қилган, раҳминг келсин, бошқа қилмайди, урма”).

Елкалари камчи изидан тарам-тарам булиб кетарди.

– Нега бақраясан, қанжик!.. Кузинг бунча ёмон. Бунинг қайсарлигини қурмаяпсанми, дамини ҳам чиқармайди. Мана сенга, итвачча...

Ушандан бери ҳар иккаласидан ҳам – шафқатсизлиги учун отасидан, мутелиги учун онасидан нафратланар эди...

Оғриқ отасининг камчилари билан бирга болалиқ хотираларини ҳам эсига туширди ва унга юқори қаватдан бошига сув, лекин болалиқдаги каби совуқ эмас, энди қайноқ сув ағдаришгандай туюлди.

Бировларнинг риёкорларча тасалли беришини, ёлғондакамига ҳамдард булишини қуришни истамади. Барчасига нафрат билан бир-бир бошдан-оёқ тикилди, ҳеч

ким билан сузлашмай, хайрлашмай чикиб кетди. Йулда дуч келган ҳар бир кишини – танишми ёки йўқми – буғиб улдиришга ҳозир у нозир эди.

Уйига келди. Жавондан арок шишасини олди, бир-икки қадаҳ кутариб, ҳамма нарсани унутмокчи булди.

Бир ёски қушиқ ёдига тушди: “Ичдим ғамим камайсин дея, аммо ғамим кетди купириб”. Сунгра қушиқнинг олдинги мисрасини эслади: “Саман отим камчиланди”.

Қамчиланди, камчиланди... Йўқ, таслим булиш ярамайди. Ичволиб, ҳар нарсани унуттиш заифликдир. Тавба қилдим, ичмайман. Ҳаммасидан битта-битталаб уч оламан.

Телефон жириглади. Гушакни кутармади. Билади, “Парво қилма” деб тасалли беради ёки “Нима бўлди, кутганинг бўлмадимми?!” дея пичинг отади. Ҳар икковига ҳам туфурдим. Йиғилишдагиларнинг юз-қузлари бирма-бир қуз олдига келди. “Ўзига олим деб исм куйган бурни сулакмондай бу ковокбош кеча туқайдан чикиб, бугун Бокуда одам бўлиб қолибди-да, ҳозиргача “чунки”га “кунчи” дейди. Анави русийзабон пандавоки булса, “мутафаккир”га “мутафаккир” дейди... Аблахлар... Ҳаммангизга тупурдим”.

Буларни эслаб, кулди. Кайфияти бир оз кутарилди.

Телевизорни ёқди. Неча кундан бери футбол томоша қилаётганди. Жаҳон футболининг афсонаси Бразилия терма жамоаси немисларга шармандаларча 7:1 га, сунгра голландларга 3:1 ҳисобида ютказди. Бугун эса финал, Бразилияни расво қилган немислар энди Аргентина терма жамоасини енгаётган эди. Бунга энг куп қувонаётган эса... балли, балли, Бразилия ишқибозлари. Улар Бразилияни омонсиз, шафқатсизларча яқсон қилган немисларнинг галабасига, йўқ, Аргентинанинг мағлубиятига севинаётган эдилар. Шарҳловчи изоҳларди: Жанубий Американинг энг йирик бу икки мамлакати орасида азалий рақобат бор. Бразилияликлар Аргентинанинг мағлубиятини байрам қилишмоқда.

Аҳлиман фақат инсонлар орасидагина эмас, балки мамлакатлар орасида ҳам бахиллик бор, бир-бирини кургани кузи йук, бир-бирининг кулфатига кувонар экан, деб уйлади.

Дунёда соғлом мусобақа йук, хасталарча бир баҳс, ҳасад ҳукм суради. Инсонларнинг ҳаммаси – ҲАММАСИ бир-бирига бахиллик қилади. Бир-бирига ёмонлик истайди. Эркакларнинг ярми бошқаларнинг ютуқларига ҳасад қилади, ярми қолганларнинг омадсизлигидан завкланади... Аёлларнинг ярми бошқа аёлларнинг гузаллигини куролмайди, ярми бўлса, кимларнингдир хунуқлигидан жирканади.

Шок ва ичкиликдан хиралашган мияси шу фикрлар билан тулиб-тошди дегунча, Аҳлиман утирган курсисида уйқуга кетди. Сахар вақти уйғонди. Телевизор бутун кеча учирилмай қолган эди.

Илмий кенгашнинг деярли барча аъзолари машъум йиғилишдан кейин утган олти ой ичида, баъзилари эса бир ҳафтага қолмай ўлди. Бири юрак хуружига дучор бўлди, иккинчиси фалажга учради, учинчиси тилдан қолди (у фақат қул ҳаракатлари билан нимадир демокчи булар, лекин нима деганини англаб бўлмасди), бошқасининг хотини рашк юзасидан устидан лампа мойи тукиб, узини ёкиб юборди, яна бирини кумир тутаб, бўғилиб ўлди.

Зокир илмий ишдан тамоман узоқлашди, ҳеч ким билан куришмас, гаплашмас, ҳаммадан қочар, хонанишин бўлган эди. Айтишларига қараганда, рухий хасталикка мубтало бўлган, кейин жиннихонага тушган. Жиннихонага тушганидан Аҳлиманнинг хабари бўлмади. Рубоба хотини улган қўшнисига турмушга чиқди. Улар чет элга кучиб кетишди, улган-қолганини билган йук эди.

УН ИККИНЧИ ФАСЛ

КАРМА

“Курмоқ, Ҳаётнинг мағзи шунда, дея оламиз Инсон дунёга келган кунидан эътиборан узини узи томоша қилади. Минг йиллардирки, у узини томоша қилади. У аста-секин атрофини қуршаган дунёни ҳам қура бошлайди. Бу жараённинг секин боришига таажжубланмаслик керак. Баъзан илк боқишдан қузга ташланган нарсани қуриш янада мушкулроқ бўлади”.

**Пьер Тайяр де Шарден, француз файласуфи.
“Инсон феномени”**

Қачондир Нахчивонга борганимни гира-шира эслайман. Бу сафар қайси йили бўлганди, ким билан, кимлар билан боргандим, у ерда нималарни курдим, кимлар билан таниш бўлдим, кимлар билан кўришдим – ҳаммасини бутунлай унутиб юборгандим.

Асхоби Қаҳфга нечоғли қийинчилик билан, ҳарсиллай-ҳарсиллай кутарилганим ёдимда, аммо бу муқаддас маконда ва у ердан тушгандан сўнг бошимдан утган ва бугун ҳам изоҳлай олмайдиган уша ҳоллар нима эди – уйқуми ёки булган воқеами, бир замон доирасидан чиқиб, бошка даврга тушишми, хаёлимда жонлантирган воқеликми, бир фантазиями? Билмайман ва, афтидан, ҳеч қачон билмасам керак. Билганим шуки, Асхоби Қаҳф Нахчивонда, қачондир Нахчивонга йулим тушган...

Нахчивонни узук-юлук манзаралари билан хаёлимда жонлантиришга уринганимда бу диёрни негадир янада мистик, сирли-сехрли, муқаддас бир макон каби тасаввур қилардим. У ерда утказган кунларимда (у ерда бир неча кун бўлдимми, бир ойми, бир йилми, буни ҳам аниқ айта олмасдим) коинот сирлари менга янада очикрок аён

булгандай, нарсаларни янада аниқ-равшан кургандай ва идрок этгандай туюларди.

Баъзан менга Нахчивонга бориб-келганимдан кейин фалсафа ва Шарк этикодларига жуда кизика бошлагандек туюларди.

Декартнинг очик-ойдин тафаккуридан Сведенборгнинг мажхул, эзотерик тасаввурларигача, Шопенгауэрнинг балбин тушунчаларидан XX аср экзистенциалистларининг бегоналашув, сарҳад холати, инсоннинг танлов олдида қолиши ҳақидаги таълимотигача, Ғарб фалсафаси билан озми-купми таниш булдим. Кунлардан бир куни кимдир мени Шарк фалсафаси ва диний тафаккури билан жиддий шуғулланишга йуллагандек булди. Қадимги Ҳиндистон матнлари, Хитой фалсафаси билан танишдим, тасаввуф уммонига ғарк булдим. Шу вақтга қадар яшаган, билган, ақлим билан идрок этган, кузим билан курган Дунёдан тамомила фаркли, БОШҚА Олам борлигига ишонч ҳосил қилдим. Бу параллел Дунёда биз билган мантик йук экан, бу ерда Замон ва Макон улчовлари ҳам бошқача экан. Бу Оламда на Утмиш, на Келажак, на Ҳозир бор... Умуман, Вақт йук эмиш... Вақт чуққисида Абдиёт бор эмиш. Шуни англаб етдимки, борлик, ҳаёт, коинот ва дунёни фақат мантик билан изоҳлаш мумкин эмас. Инсонни англаш эса, умуман, мумкин эмас.

Бағдод дорилфунунининг, бугунги тилимизда айтадиган булсак, кафедра мудири, профессори Ғаззолий бир куни ишхонасини тарк этади, бугун рутбалари, мансабларидан воз кечиб, тасаввуф ҳақиқатига бош уради, дунёни фақат ақл эмас, балки фаҳм билан сезиш вожиб эканига ишонади ва ишонтиради.

Шарқнинг икки буюк сиймоси – суфий шайх Абу Сайид ва олим, ҳаким Ибн Сино учрашади. Шундан кейин Абу Сайид: “Менинг курганимни у биледи”, деган. Ибн Сино ҳам бу учрашувдан кейин: “Менинг билганимни у куради”, деган.

Ислом закони инкор этмайди, лекин у факат ақлгагина эмас, туйғуга ҳам таянади, дунёни идрок этишнинг икки – орифлик ва ошиқлик йулларини курсатади.

Ўқиган китобларим орасида мени энг куп жалб қилгани – Қадимги ҳинд фалсафасининг КАРМА тушунчаси бўлди... Кармани тақдир дея таржима қилса ҳам булади, лекин бу аниқ таржима эмас. Карма бадал, эваз қонундир, сабаб ва натижа қонундир, балки борлиқнинг энг асосий ва тамал қонундир. Кармага кура, инсон барча хағти-ҳаракатларининг бадалини тулайди. Ҳозирги ҳаётида ёки аввалги ҳаётида қилган Эзгу ва Ёвуз амаллари эвази а товон тулайди. Бу қонунни қабул қилсанг, ҳамма нарсани изохлай оласан. Ҳозирги ҳаётингда дуч келган ҳар бир ноқислик, сенга қилинган ҳар бир ноҳақлик қачондир бошқа ҳаётингда қимларгадир қилган ноҳақлигинг, зулмингнинг бадалидир. Аввалги ҳаётингда қилган яхши ва ёмон ҳаракатларингнинг натижаси бошқа ҳаётда юзага чиқади. “Нимани эксанг, шуни урасан”, дейишади...

Бир нарса – ҳар бир жонли мавжудот улганидан кейин ҳаёти тугамаслигига ишонмаганинг қолди. Монотеист динлар бизга Қиёмат кунини, Тирилишни ва у дунёдаги жаннат ва дузахни ваъда қилади. Ҳиндуизм ва буддизмнинг асосий эътиқоди – реинкарнация тушунчасидир, бу тушунчага кура, ҳар бир жонли мавжудот турли шаклда, ҳар хил бичимда куп марта умргузаронлик қилади.

Экзистенциализмга кура, инсон толесини, тақдирини узи яратади. Сунгги танлов узиникидир. У ҳолда бундай бир савол уртага чиқади: ҲОЗИРГИ ҳаётида туғри яшаётган, яхши амаллар қилаётган бўлса, нима учун бошқа ҳаётида қилган ёмон амаллари учун жазо олиши керак? Тавба – агар самимий бўлса – инсонни қачондир қилган нотуғри ҳаракатларни такрорлашдан асрайди, бироқ бошқа ҳаётда қилган ёмонликларининг жавобгарлигидан қутқара олмайди.

Инсон қимгадир ёмонлик қилса, узига, демак, бутун инсониятга ёмонлик қилган булади. Бу қонун факат айрим

шахсларга эмас, балки давлатлар, мамлакатларга ҳам тааллуқлидир. Бир халққа тажовуз этган мамлакат уз давлатининг, уз миллатининг бошига бало келтиради. Қадимги Аҳдда душман ҳисоблаганинг барча ирқлар, халқларга қарши ғаддорлик – шафқатсизлик дея талқин қилинган. Лекин бетоқатлик бу эътиқодга риоя қилганларга қимматга тушди, узлари тарих буйи минг балога дучор булдилар.

Карма менга фақат инсон умригина эмас, умуман, борлиқнинг мантиғини, тарих жараёниши изохлаб бсрар, аммо утмишдаги гуноҳлардан фориғ булиш йулини курсатмас эди.

“Балиқни дарёга ташла, балиқ билмаса, Холиқ билади” тамойилига амал қилиш керакми? Дзен-буддизмда маънавиятнинг янада юксакрок дастурини топдим: сен яхшилик қилиб Холиқнинг буни билиши ва, бинобарин, сени тақдирлашига куз тутсанг, демак, ҳаракатинг таъмадан холи эмас. Тамомила беғараз яхшилик – бунинг Холиқ томонидан тақдирланишини, ҳатто, ҳаслингга ҳам келтирмасликдир.

Билмайман, қачондир яшаган булсам яшагандирман, йук, билмайман, умримнинг муайян йиллари ёдимдан кутарилган булса кутарилгандир, бу эса янгидан яшамокдир; билганим шуки, энди ҳозирги умримда фақат Эзгуликка хизмат қилмоғим даркор.

Унда болалик чоғларимдан бери дуч келган зулмлар, мактаб йилларимда камситилганларим, институтда ўқиган давримда ёлғизлигим, аёлларнинг бегоналиги ё макри, дустларнинг эътиборсизлигига нима дейиш керак? Ахир, буларни унутганим йук, канчалик жидду жаҳд қилсам-да, ҳеч қайсисини ёдимдан чиқара олмайман. Кимдир топиб айтган – сенга қилинган ёмонликларни унут, аммо ёмонлик қилганларнинг исмини унутма. Баъзиларини эсласам, ҳанузгача азобланаман, оғриқлар туяман – изғиринли бир кунда бошимнинг устидан туқилган совуқ сув, елкаларимни жазиллатган камчи излари. Ёки маънавий задаликлар –

юзимга кулиб, икки куллаб куришадиганларнинг номардлиги, энг якин деб билган талабамнинг хиёнати, отамнинг шафқатсизлиги, онамнинг ёлворишлари, умрим бўйи дуч келган ёлғонлар, бухтонлар, умримни қискартирган ноҳақликлар, ҳар куни қонимга катра-катра берилган заҳарлар... буларнинг ҳаммасининг бадалини олишим керак эмасми?..

Фурсат топди дегунча мени шафқатсизларча камситган, бошимга сув ағдарган Насибда қасдим қолмади. Бир лаҳзада даҳшатли тарзда улди кетди. Баъзан менга бу қазога ўзим сабабчи бўлгандек туюларди. Отам доим: “Сенинг кузинг жуда ёмон!” дерди...

Уша вақтлардан бошлаб куз ҳақида, кузнинг хусусиятлари ва таъсир кучи туғрисида уйлай бошладим: ёмон куз, кузи каттик, куз тегди, куздан ут сочди, кузи қонга тулди, кузини лук килиб боқди, кузи билан тешиб юборди, куздан узок, кунгилдан йирок. Бу гаплар бежиз айтилмаган-ку...

Бир қушиқдаги “юзингда куз изи бор, сенга ким қаради ёрим” сағрларини энди оригинал ташбеҳ каби, йук, кузнинг таъсири сифатида шарҳлай бошладим. Жаҳон адабиётида куз таъсири ҳақида ёзилган гаплар диккатимни торта бошлади. XII аср Европа инквизиция роҳиблари Ҳенрих Иститорис ва Якоб Шпренгерларнинг китоби кулимга тушиб қолди. Китобнинг бир ери мени анча уйлантириб қўйди:

“Баъзи одамларнинг касалликлари улардан нафратланадиган кишиларнинг уларга ёмон куз билан қарашлари натижасидир. Ҳис қиладиган кин-нафрати уларнинг қузида тупланади, чунки куз инсон ҳиссиёти ва хаёлларининг энг ҳассос еридир. Кузнинг ифодаси инсон кайфиятининг кўрсаткичидир. Айрим кишиларнинг қузи тугма ёмон бўлади, айримлари бу хусусиятга кейинчалик эга бўладилар. Ёмон куз фақат тикилган еригагина эмас, балки мўайян маконнинг бутун об-ҳавосига ёмон таъсир ўтказади. Ёмон кузнинг таъсир кучи жуда қувватли бўлади. Бундай

одам, ҳатто, бир қарашда туюни ҳам йиқита олади. Бундай кучга эга одам муайян кишига – зарар беришни истаган шахсига боқаркан, уз вужудида бир таранглик ҳис қилиди ва бу таранглик кузига кучади. Бундай лаҳзаларда бу ёмон кўзнинг таъсири муайян масофадан нишонга олинган жонзотнинг улимига, бадбахтлигига, соғаймайдиган касалликка гирифтор бўлишига, қутилмаган қазога учрашига сабаб бўла олади”.

Роҳибларнинг китобини уқиркан, яна бир ибора ёдимга тушда: “Аллоҳ сени ёмон кўздан асрасин”.

Демак, ёмон кўздан сақланиш мумкин, унинг чораси ҳам бор. Ҳиндуизм ва дзен-буддизм, экзистенциализм фалсафаси менга фақат Аллоҳга таваккал килишни ургатган эди, бу таълимотлар инсон уз иродаси билан танлаши ва ҳаракат килишини тасдиқлайди; булардан хулоса чиқариб, ёмон кўздан сақланиш йўлларини ахтара бошладим. Экстрасенслар ва уларнинг усуллари билан танишдим, гипноз ва тилсим ҳақида чуқур ўйлай бошладим, нирларнинг ҳикматлари туғрисида тадқиқотлар олиб бордим, тумор, кўзмунчок ҳақидаги ривоятларни эслаб, таҳлил қилдим.

Муайян ютуқларга ҳам эришдим. Бир нечта қазонинг олдини олдим, бир-икки кишини ёмон кўз балосидан қутқардим. Бунинг сабаби шу эдики, нафрат, хусумат, кин, бахиллик, ҳасад каби иллатларни узида жам этган ёмон кўздан сақланиш чорасини топиш билан номим қоладигандек туюларди. Фойдаланган усулларим ҳақида ёзиб, ёмон кўзли одамларни ҳушёр тортиришни истамайман. Муваффақият қозонишимга бир баҳя қолганди, сўнгги бир одим...

УН УЧИНЧИ ФАСЛ

ОЙДАН

“Муҳаббат – аввалига бир ҳазил, лекин охир-оқибатда у жуда жиддий ишдир. Гузалликка дуч келганда қалб унга диққат қила бошлайди, ўзига яқин жиҳатларни кўрганда қовушмоқ истаги уignonadi ва ҳақиқий муҳаббат пайдо булади. Муҳаббат инсонни адо-ю тамом қиладиган хасталиқдир, лекин унинг дармони, дорици ҳам узидадир”.

**Ибн Ҳазм, XI аср араб мутафаккири,
“Қаптар тумори” асаридан**

“Қалбда шик қандай пайдо булади? Даставвал, ҳайронлик ҳисси уignonadi. Инсон уни урмоқ, унинг сенга буса бериши нақадар саодат буларди, деб уилайди. Умид шундай пайдо булади. Бу муҳаббатнинг бошланғичидир. Ўзи ҳақида хотира қолдирмаган ҳушбахтлик – ҳушбахтлик эмас...”

Стендаль, француз ёзувчиси. “Муҳаббат ҳақида”.

Мени Ой нури уйғотди. Кроватимнинг ёнида турган соатга боқдим – тунги соат учдан ун дақиқа утган эди. Тулин Ой зиёси остида қарши деворга осилган йирик кузмунчоқ ялтираб куринарди.

Бирдан кимдир мени тушакдан турғазиб, айвон эшиги томонга олиб боргандай булди. Айвон эшиги ёнига бориб қарадим ва сесканиб кетдим. Ёпиқ ойнаванд эшикнинг нариги томонида бир кишининг шишага ёпишган юзи бужмайиб турарди. Одамни кийшик-мийшик курсатадиган ойналарда кўрингани каби оғзи, бурни, няги ялпок. Лекин уни дарҳол танидим – у кушнимизнинг қизи Ойдан эди. Кўча-кўйда гоҳ-гоҳ учрашиб, ҳеч нарса демай, бир-биримизга табассум қилиб саломлашиб кўярдик. Бир лаҳза таажжубланиб турдим, сал утмай нима гапли ини тушундим.

Кузлари юмук. Бу киз ойпараст Ой одам эди. Мен билан бир каватда жойлашган уйдан бу ерга Ой нурунинг жозибаси остида келган. Айвондан айвонга беш каричлик тор йулакдан утган. Йулакча шу қадар тор эдики, бу ерда икки киши ёнма-ён тура олмасди. Охиста-охиста утиб келган.

Ҳануз уйқуда. Хаёлимга эшикни очиб, кизни ичкарига олиш, уйғотиш, сунгра дахлиз орқали уйига олиб бориш фикри келди. Лекин шу заҳоти калламга келдики, эшикни очсам, уйғониб кетиши, уйғонса, Худо сакласин, учинчи каватдан пастга учиб кетиши мумкин. Энди фақат шишанинг бу томонидан у томонига қараш мумкин холос. Янада тугрироғи, мен қарадим. Унинг кузлари юмук. Шишадан бироз тортилди, яссилашган юзи уз ҳолига қайтди ва яна хамишагидай тенгсиз гузал кизга айланди. Уни оёғи осмондан келтирилган ундов аломатига ухшатдим. Қотма, тик, сарвдек қомаи ва йириклашган нуктадек боши... Бу ғалати ухшатиш хаёлимга қаердан келди, Аллоҳим? Зулукдай қора сочлари елкаларига шалоладек ёйилиб тушган. Кузлари очиқ булғанида бир оз гамгин, бир оз уйчан боккан буларди. Ҳовлида тез одимлар билан кушдай “учиб” боришига хайрон боккан вақтларимда Дада Қуркутнинг ухшатишлари ёдимга тушарди: “Уйдан чиқиб юрган сарв буйлигим, тупиғига чирмашган қора сочлигим, қорга томган қондай ол ёноклим, куша бодом сиғмаган тор оғизлигим”. Уз-узича унга Бонучечак деб от қуйгандим. Ваҳоланки, унинг исми Ойдан эди.

Қўрқдим. Уйғониб кетмасин, Ой нурида қандай келган булса, уйига шундай қайтсин дея, дуо қила бошладим. Эрталаб ота-онаси билан, албатта, гаплашаман. Бир иложини топсинлар... Қизларининг бу ғалати ҳолидан хабари бормикан уларнинг?

Бир неча дақиқа шиша орқали юзимизни юзимизга тегиздик. Ёноғимни шишага суйқадим. Кузларимни юмдим.

Совук шиша хушимни жойига келтирди, мени иссиқ гузалликдан айирди. Шишанинг у томонида унинг ёноклари ҳам бу шиша янглиғ силлик ва саррин эканини билардим. Бу мисралар хаёлимга каердан келди: “Қор тотар ёнокларинг, ариларни алдар дудокларинг”. Ҳақиқатан ҳам оғзи гул ғунчасини, ариларни жалб этган ғунчаларни эслатарди.

Узимни ойнадан тортиб, кузларимни очдим: у хануз суянганича кимирламай турарди. Тушида нимани кураётган экан, ажабо? Умуман, бундай холларда туш куриш мумкинмикан? Қанийди, бу онлар, бу муъжизавий, ишониб булмас лаҳзалар ҳеч тугамаса... Бу қадар яқин, бу қадар узок... Худди Ойнинг узгинаси каби. Ой менга бир кечага ҳадя қилиб юборган афсонавий борлик... Ой қизи...

Қурқаётган, хушига келишиданми, чиқиб кетишиданми, ногаҳон келган қувончдан баноғоҳ айрилишданми, хуллас, қаттиқ қурқаётган эдим. Қовокларим оғирлашди, кузимни очолмай қолдим. Кузларимни юмолмасдим ҳам, чунки кузим юмук булган паллада бирдан хушига келиб қолиши мумкин... Аллоҳ сақласин, фалокат юз бериши мумкин.

...Кейин эшикдан узоклашди, анча эҳтиёткорлик билан, энди юра бошлаган гудак янглиғ тор, беш қаричлик йулакча томонга одимлади. Юзимни ойнага босганча, орқасидан боқдим-боқдим... Эҳтиёткорона йусинда уз айвонига утганидан сунг енгил нафас олиб, тинчландим...

Айвонимнинг эшигини очдим. Янги урилган ут хиди хонамни тулдирди. Бу Ойданнинг ифори эди, урф булган кайсидир атирга ухшамайдиган, табиий буй. Эшик томондан келаётган эди. Ой кизининг узи кетган, ифори қолган эди.

Эшикнинг Ойдан нафасидан исиган шишасини силар, Ойга боқар эдим. Гуё ер қурраимизга лоқайд-лоқайд қарайдиган. Гоҳ кесилган тирноқдай нозиклашган, гоҳ патирдай думалоклашган бу яқин-узок кук жисмининг қанчадан-қанча очилмаган сирлари бор. Ойдан Ойданнинг нафаси келаётгандай эди.

Бу нима эди, Аллоҳим? Ногаҳоний ва ишониб булмас, ҳеч курилмаган бир ташриф... Ҳаркалай, бу меҳмон сирлисехрли дунёдан ташриф буюрган эди.

Тараддудга тушдим. Эрталаб ота-онаси билан гаплашайми-гаплашмайми? Шубҳасиз, кизнинг муолажага эҳтиёжи бор. Бундай давом килса, бир фалокат юз бериши мумкин. Лекин уйлаб кўрсам, бу муъжиза бундан кейин ҳеч қачон такрорланмайди, ҳеч қачон юзини шишага ёпиштирмайди, ҳеч қачон хонамни янги урилган ут ифори тулдирмайди; бир ғалати ҳисдан азоб чека бошладим. Саҳармардонгача кузларимга уйку келмади... Ойданни умрим буйи учрашган, айрилишган кизлар, аёлларга, умуман, ҳозиргача таниган барча инсонларга муқояса қилардим ва ҳозиргача ҳеч қачон бошдан ўтказмаган ҳиссиётлар оғушида колгандим. Ичим энг зариф ифорларга, энг нозик мусикий наволарга, энг гузал шеър мисраларига лиммо-лим тулган эди. Худди кимдир ҳазин сасда кимнингдир қачондир ёзган мисраларини қулоғимга шивирлаётганга ухшарди:

Умидсизлик онинда
Баногоҳ келди бу севинч...
Тақдирнинг ҳадяси...
Кутилмаган натижа...
Мени бадбахт айлаган,
хушбахт айлаган кеча.

ҮН ТҮРГИНЧИ ФАСЛ

ТИРТИҚ БИЛАН УЧРАШУВ

“Йилдирим, чақмоқ чақади, даҳшатли zilzila булади, одам дунёга келганидан буён бундан даҳшатли zilzila юз бермаган. Улкан шаҳар уч булакка бўлиниб кетади, катта орол йўқолади, тоғлар парчаланиб, яқсон булади. Уша кун иinsonлар улимни қидириб қоладилар, тополмайдилар, улишини хоҳлайдилар, улолмайдилар. Янги само ва янги тупроқни кўрдим, чунки кўҳна само ва кўҳна тупроқ энди йўқ бўлган, денгиз ҳам йўқолган эди”.

Библия, Охир замон

“Шоирлар яратган ташибеҳ ҳам шунга боғлиқдир. Ниобея олдиница етти углини, сунгра етти қизини йўқотиб, қояга айланиб қолди. Бу билан шоирлар шуни айтмоқчи буладиларки, чексиз дард иinsonни фақат қақшатиб, оғзителини қуритибгина қолмайди, у, ҳатто, иinsonни тошга, қояга ҳам айлантира олади. Қалбимизни чидаб бўлмайдиган адоқсиз дард, оғриқ чуллаган вақтда сўзлай олмаймиз, ҳисларимизни оҳ-фигон, наъра отиш, фарёд билан ифода этишдан ожиз қоламиз. Бундай лаҳзаларда иinson қалби фақат гоят чуқур суқунатга гарқ булади. Сўз билан ифода этилган, бошиқалар билан баҳам қурилган, батафсил айтилган дард чинакам оғриқ эмас. Ҳақиқий оғриқнинг тили лол булади”.

**Мишель Монтен, француз файласуфи,
Эссэлар (Тажрибалар)**

“Ором ва, ҳатто, улим иinsonга Эзулик билан Ёвузлик орасида эркин танловдан кура кунроқ азиздир”.

Ф.М.Достоевский.

“Ака-ука Карамазовлар” асаридан.

Эрталабки соат 10 ларда Аҳлиманнинг чунтак телефонига SMS келди. Полковник Қосим Шайдоев бу телефонга қунғирок килишини сураган экан. Полковникнинг исми ва фамилияси Аҳлиманга таниш туюлди, бироқ ким эканини ҳарчанд уринмасин, эслай олмади. Ҳар эҳтимолга қарши экранда кўринган рақамни телефонига қайд килди, сунгра терди. Дарҳол жавоб беришди:

– Кунингиз хайрли булсин, Аҳлиман муаллим.

– Салом. Менга SMS жунатган экансиз.

– Ҳа, шундай. Жуда зарур бир масала юзасидан сиз билан куришиш лозим.

– Ким билан, сиз биланми?

– Куришганда биласиз. Оқшом вақти соат 18 да бизни кела оласизми? Манзилни ҳозир телефонингизга ёзиб юбораман.

Жавоб кутиб утирмай, телефонни узди. Куп утмай экранда манзил пайдо булди.

Кечки 18 га ун дақиқа қолганида Аҳлиман катта темир дарвоза олдида ҳозир у нозир булди. Қунғирок тугмачасини босди, видеофонда кимнингдир боши куринди:

– Аҳлиман муаллим?

– Балли.

– Марҳамат, киринг.

Дарвозанинг икки каноти рельслар устида икки томонга сурилди. Аҳлиман ичкарига кирди. Кенг майдон дейиш мумкин булган ҳовлининг бир томонида хорижий машиналар қаторлаштирилган: “Ролс-Ройс”, “Пежо”, “Ниссан”, “Форд”, “Фиат”, “Мерседес”, “Бентли”, “Шевроле”, “БМВ”. Аҳлиман санади – туккизта машина бор экан.

Ҳовлининг нариги бошида уч қаватли кушк қад кутариб турарди. Кушк – бу бинога бошқача ном бериб булмасди. Катта-кичик айвонлар, ойнаванд айвончалар, эркерлар, лоджиялар... Боягина видеофонда қорасини курган киши эшикка суяниб турарди. Аҳлиманни қаршилаб, иккинчи

каватга олиб борди. Кенг фойедан утишди, ундан-да кенгрок меҳмонхонага кирмасидан нарда тахтаси устида отилган соккаларнинг товушини эшитди.

Меҳмонхонада бири жуда кекса, иккинчиси нисбатан ёшроқ (у ҳам, чамаси, олтмиш-олтмиш беш ёшларда эди) икки киши нарда уйнаётганди. Аҳлиман кексароғини қачондир кўрган эди, хотирасига зўр бериб, ғира-шира булса-да, эслади. Бу киши бир вақтлари унинг кушниси булган эди. Аҳлиманга кунғироқ қилган полковник ҳам кушниси булган. Полковник оқ куйлак кийган, хошияли шимига тақилган камарлар елкасидан утиб тушган, оёқларида малларанг юмшоқ шиппак. Рақиби тук кўк костюмда, буйнига рангли галстук осган.

Аҳлиман ичкарига кирган заҳоти иккови ҳам оёкка калқди. Кексароғи қулини узатиб:

– Полковник Қосим Шайдоев, – деди, – биз танишга ўхшаймиз, шекилли.

Нариги киши оёкка турганда Аҳлиман унинг унғ юзида каттагина чандик борлигини кўрди. Қулини узатди, аммо исм-фамилиясини айтмади. Қосим:

– Ўтиринг, – деди, – ҳозир генералнинг таъзирини бсриб кўяй, кейин суҳбатлашамиз.

Бу гапни айтаркан, тиржайди, уринсиз, бемаъни ҳазил қилган одамдай генералнинг юзига ишшайиб қаради. Генералнинг бир туки кийшайгани ҳам йўқ, сузлашга фурсат қолдирмасдан:

– Қани, от, курайлик, – деди. Бу гапни худди буйрук оҳангида айтгандай эди.

– Аҳа, олтига уч...

Отди.

– Тўртга икки...

Ён эшик ғижирлаб очилди, қора кийинган, бошига қора шол румол боғлаган хотин уч бардақ чой, мураббо, конфет, қанд ва лимон қуйилган патнусни кутариб ичкарига кирди. Бардақларни патнусдан олиб, Қосимнинг, Тиртиқнинг

олдига қўйди, лекин ҳеч бирининг юзига бокмади. Аммо Аҳлиманнинг чойини қўяётганида юзига бокди, бирданига авзойи узгарди, қулидаги бардақ тушиб кетиб, чил-чил синди, Аҳлиманнинг устига чой тукилди. Хотин бир нарсалар деб ғудранди. Аҳлиман унинг:

– Қотил, қотил... – деган сузларини эшитди, – биргина боламнинг қотили...

Кескин угирилиб, хонадан чиқди. Устига чой тукиб юборгани учун узр ҳам сурамади. Унинг урнига Қосим узрхоҳлик қилди. Аммо хотиннинг қилмишига на полковник, на генерал таажжубланди. Қосим:

Эътибор қилманг, – деди, – бундан куп йиллар олдин боламизни автомобиль қазосида йўқотгандик, онаси ҳар қурган одамини қотил деб ҳисоблайди. Беш қуша – дармондир, генерал.

Генерал сокқаларни қўшалаб отди:

– Буниси ҳам бешга беш.

– Офарин, баракалла, генерал, табриклайман. Яна “марс” бўлдим.

Нарда тахтасини ёпиб, четга қўйди. Эшик очилди, бу гал ёшгина бир қиз – эҳтимол, хизматкорлари булса керак – бир бардақ чой опкелиб, Аҳлиманнинг олдига қўйди.

– Бормаган докторимиз қолмади, бу ерда, Москва, Туркия, Эрон, ҳатто, Исроилда кўрсатмаган врачимиз қолмади, – Қосим бу гапларни қимга, Аҳлиманга ёки Тиртикқама, схуд иккаласига ҳам айтяптими, билолмади – нажот топмадик. Қасрда ойна кўрса, ойнада боламни кураман, дейди.

Аҳлиман унғ томондаги деворга осиглик тошойна устига қора уртук солинганига шундагина эътибор қилди.

Полковник оёққа қалқди:

– Авф этасиз, – деди, – бориб хонимни бир оз тинчлантириб келай.

Хонадан чиқди. Тиртиқ Аҳлиманга юзланди, энди юзидаги тиртиқ қуринмаётганди.

– Полковник сизни менинг истагимга кура чақирди, – деди. – Сиз ҳақда баъзи маълумотларимиз бор. Баъзи ҳамкасбларингиздан, хусусан, профессор Қафарзодадан куйганингизни ҳам биламиз.

Аҳлиман диққат билан эшиттар, бу киши сузини каёққа тақашини ҳалигача билолмаётган эди.

– Қафарзоданинг отаси Зелим киши билан бир жойда ишлаганмиз. Албатта, у вақтлари унинг ёши катта, мен булсам ёш йигит эдим. Эндиликда у раҳматли булан, хуллас, энди айтаверсак ҳам булади. Танкилотимизнинг эи махфий шуъбасининг ходими эди. Узи ҳаддан танқари ғаддор одам эди. Унга Зелим эмас, Золим дея исм куйгандик. Уғлига ҳам Зелим уғли, йук, Золим уғли дердик.

Аҳлиман буни билмасди, аммо Қафарзодага Золим уғли дейишларидан хурсанд булди. Урни келганида бу иборани ишлатиш мумкин эди. Тиртик давом этди:

– Гап шундаки, Золим уғлига отасидан жуда кимматбаҳо бир мерос колган. У шунчалик киммат нарсаси, баҳосини ҳеч бир валютада улчаб булмайди. Жуда, жуда қадимий бир гилам бу. Айтишлари а караганда, бу гилам Шумер давридан колганмиш. Тузисини айтганда, бунга ишониш кийин, чунки жаҳонда энг қадимий булан Пазирик гилами мин ёшда. Агар бу гилам ундан ҳам қадимий булса, айтайлик, нари борса, минг икки юз, минг уч юз йилликдир. Бу тарих каерда-ю, Шумер каерда?.. Майли... муҳими бу эмас. Инглиз тилини биласизми?

Биламан.

– АКШда бир китоб чиқаришибди. Бу гиламининг кимдан-кимга утганини бир-бир курсатибдилар. Кун қадим даврлар хақида уларнинг ҳам маълумоти йўқ, албатта. Бизнинг эса кейинги даврларда гиламининг қайси кушлардан утгани хақида аниқ маълумотлар бор. Утган асрнинг бошларида боқулик бир миллионер бу гиламини Табриз бозоридан сотиб олган ва Боқуга олиб келган. 20-йилларда большевиклар бу миллионерни отиб ташлаб, бор мол-

мулкини мусодара этишган. Гиламни эса 25 яшар чекист Зелим Қафарзода илиб кетган.

Ахлиман деворларга Шарқ ҳаммомлари услубида солинган дидсиз нақшларига, юз чирокли оғир, биллур кандилга, жавонга терилган олтин-кумуш суви юритилган идиш-товоқларга, жавон устига куйилган олд оёқларини тикка кутарган от ҳайкалчасига қараб утирар ва бу гилам ҳақидаги гапларнинг узига нима дахли бор эканини, бу тиртиқ генерал буларни нима мақсадда айтаётганини ҳеч тушунолмаётганди.

– Буларни сизга нима учун айтяпман... Ҳозир тушунтириб бераман. Сизнинг гипноз билан шуғулланишингиздан ва кўзларингизнинг алоҳида таъсир кучидан хабаримиз бор. Бу менинг фикрим эмас, жаҳоннинг купгина таниқли олимлари тасдиқлайдики, бу гиламнинг нақшлари – бошқа ҳеч бир гиламга ухшамаган нақшлари гоят катта сирнинг калитидир. Бир суз билан айтганда, бу ерда, – Тиртиқ пичирлашга ўтди, – бу нақшларда дунёнинг сунгги ҳақида маълумот берилган. Майяларнинг тақвимида охир замон келгани кўрсатилгани тўғрисидаги гапларнинг жаҳонда қанчалик шов-шувга, хаяжонга сабаб булгани ёдингизда бўлса керак, эҳтимол. Қўлга киритган агентура маълумотларимизга кура, Қафарзода узок йиллик тадқиқотлари натижасида бу нақшларнинг сирини очиш, яъни дунёнинг охири қачон булишини айтиш арафасида турибди. Бу бир пуч гап, сафсата эканини тушунамиз, албатта. Лекин бунга ишонадиганлар бор. Бу тарих, бу ҳодиса қачон, юз йилдан, минг йилдан кейинми ёки яқин кунларда, бир ой, ун кун ичида бўладими – нима дейиши номаълум... Энди, айтайлик, охир замон булишига бир ой қолибди, деган хабар тарқалиб кетса, жамиятда қандай зилзила руй беради, қандай ваҳима бошланади, буни узингиз бир уйлаб кўринг. Бусиз ҳам бир-бирининг гўштини ейишга, конини ичишга ҳозир бўлган одамлар кимнидир ўлдиришга, кимнингдир мол-мулкини тортиб олишга, кимнидир

зурлашга киришиб кетади. “Ахир, дунёнинг охири келган бўлса, нима фарқи бор” дейдилар. Шунини истайсизми?

– Албатта, йук, – дедим, – лекин юрагимнинг тубида бу эҳтимолдан, ҳатто, мамнун бўлгандим, қўявер, бир-бирини буғизласин бу харомзодалар, булар бундан ортиғига лойик эмаслар.

Бир томондан қараганда, деб уйладим, бу гилам-пиламсиз ҳам охир замон келгани куруниб турибди-ку... Бунчалик зулм, адолатсизлик, ёлғон, риёкорлик, бузғунчилик ичида яшаш инсонларнинг энг катта гуноҳи ва энг катта жазоси эмасми?

– Мендан нима истайсиз? – деб сурадим.

– Биламан, бу иш сизга жуда кийин бўлади, аммо бир баҳона топиб, Қафарзода билан куришинг. Уни зарарсизлантинг, иродасини бўйсундинг, фикр-зикри, хатти-ҳаракатларини, берадиган қарорларини узингизга тобе қилинг. Асрлар давомида инсонларга зулм, ўлим ва изтироб келтирган бу гилам ҳам йук қилинмоғи лозим. Қанчалик киммаг бўлса-бўлсин, инсон ҳаётидан қиммат эмас. Бунинг устига гап биргина инсон эмас, балки бутун инсоният устида бораётир. Ҳали масаланинг халқаро томонини айтмайман. Бизга душман бўлган хорижий кучларнинг бундан фойдаланиб, мамлакагимизда тус-туполон чиқариши мумкинлиги ҳақида кишининг оғиз очгиси ҳам келмайди, лекин буни истисно қилиб ҳам бўлмайди. Энди ҳамма нарса сизга боғлиқ, биз бу масалани ҳал қилишнинг бошқа йулини топмадик. Қафарзода жаҳон матбуотининг, юртимиздаги элчихоналарнинг ҳам диққат марказида турибди. Уни фақат сиз орқали қўлга олишимиз мумкин, бошқа йулимиз йук.

Қосим хонага кирди. У суҳбатимиз ниҳоясига етганини сезгани куруниб турарди.

– Иссик чой олиб келишсинми?

– Йук, соғ бўлинг.

– Балки, бир нарда отармиз, қасосимни олай, нима дейсиз, генерал?

Тиртик:

– Йук, боришим керак. Қасос қиёматга қолақолсин, – дея Ахлиманга маънодор тикилди.

Аммо меҳмонхонадан биринчи булиб Ахлиман чиқди. Дарвозабон уни ташқаригача кузатди. Тугмани босди, дарвоза очилди. Ахлиман кучага чиқди. Узоқда туриб кушкнинг катта меҳмонхонасида Тиртик билан полковникнинг гап-сузларини шунчалик аниқ эшитаётгандики, улар худди ёнгинасида гаплашаётгандек эди.

– Нима булди, рози булдими?

– Менимча, ҳа. Ишини қилсин, сунгра узини ҳам тинчителишдан осони йук.

Жуда узоқда айтилган гап-сузларни бунақа аниқ-равшан эшитишига Ахлиманнинг узи ҳам лол қоларди. Буни тушунтириб бера олмасди ҳам, лекин модомики, биз телефон, радио воситасида энг узоқ масофалардан сасларни эшита олган бир пайтда, нега энди инсон қулоғининг бундай имконияти булмаслиги керак?! Ҳар ҳолда баъзи инсонларнинг мана шунақа қобилияти булиши мумкин. Эҳтимол, менинг ўзим ҳам ана шунақа кишилардан бири булсам керак. Ҳар ҳолда қузимнинг таъсир қучига ишонган фақат ўзим эмасқанман, буни биладиган ва бундан фойдаланишни истаганлар ҳам бор экан. Майли, улар ўз уйинини уйнасин, мен ҳам ўз уйинимни уйнайман. Қураимиз, ким кимни чув туширар экан. Бу ишда мени жалб қилган масала бошқа. Менга орқадан пичоқ урганларнинг қупи жазосини олди, энди навбат Қафарзодага келди. Қуратни бой бериш керак эмас.

УН БЕШИНЧИ ФАСЛ

ОЙ РАҚСИ

*“Кеча бизга севгили ёр тинҳона келган эди,
Узи ойдан-да гузал нозли нигор келган эди”.*

Низомий Гапжавий

*“Афсуски, ёрим кеча келди, кеча кетди,
Ҳеч билмайман, умрим қандай келди, қандай кетди”.*

Огабегим Ога

Ой қизи келганидан кейин бир ой утди. Шундан бери уни курмаган эдим. Ҳовлига ҳар кирганимда кўзларим уни қидирарди, лекин лоақал бир марта булса-да, куришмадик. Балки касаллангандир ёки ота-онаси кизларининг ғалати атворини сезиб, уни даволатаётгандир. Қийинчилик шунда эдики, улар билан бу борада гаплашишга юрагим бетламасди.

Киз билан кундузлари учрашишни ҳам ич-ичимдан истамас эдим. Ой одами сифатида унинг ухшаши йўқ, кундузи булса, ҳар қанча гузал булмасин, бошқа оддий одамлардан фарқи бўлмасди.

Ой гулишганди. Ой айна шу палласида ойпарастларни – сомнамбулаларни жозиба қувватига тортишини, уларни таҳликали ҳаракатларга йўллашини билардим.

... ва бир ғалати истак билан кутишга киришдим, кута бошладим ва кута-кута айвон эшигини очиб қўйдим. Кўзимга уйқу келмаётганди. Айвон эшиги рупарасидаги юмшоқ оромкурсида утирганча кутавердим. Нимани, кимни кутаётгандим? Билмасдим, аммо кутаётгандим. Балки умрим бўйи соғиниб яшаган муъжизанинг такрорини кутардим. Балки кутганим бир кечалик алданиш, бир кечалик тасаллидир?

Тахминим туғри чикди. Яна соат учдан роппа-роса ун дакика утганида Ойдан айвон эшигига якинлашди. Бу сафар ёнида мушуги ҳам келган эди. Мушук очик эшикдан ичкарига кирди, миёвледи. Ойдан ҳам хонага кирди. Кузлари юмук. Пуштиранг кечки куйлаги тупиғигача тушиб турарди. Шаффоф куйлагининг ичида баданининг бутун аъзолари яккол куриниб турарди. Хонада юра бошлади. Харакатлари шундай аник эдики, худди бу хонани кўпдан биладиганга ухшарди – бирон нарсага тегиб кетмасдан, ҳеч нарсани жойидан кимирлатмасдан охиста кеза бошлади. Бу шунчаки оддий харакатлар эмас, ракс. Ойдан хонамни ёритиб турган Ой шуъласи оғушидан чиқмасдан ракс тушаётган эди. Мусикасиз ракс тушарди, аммо кишига у бир хазин куй эшлигида сузаётгандай туюларди.

... Кун ботаётган чоғда Мардакон томондан денгиз сари кетаётган эдик. Булутлар тук бинафша рангга кирган... Оламга ғариб Абшерон окшомининг махзун ғуссаси чуккан... Томи очик машинадамик, рулда узим. Ёнимда утирган кузлари ғуссага ботган кизнинг малла сочлари шамолда юзимни савалайди. Кузлари қоп-коронғи кеча рангида, худди қора чароснинг узгинаси... Бу киз – Ойдан. Йулдан куз узиб, унга карайман. Кулимсирайди, ок тишлари ялтираб, кузларимни қамаштиради... Кулини буйнимга солади, ёноғини ёноғимга ёпиштиради.

Ич-ичим энг навозишли, энг қайнок сузларга лиммо-лим тулган. Сузлар мева каби стилиб, узиладиган онни кутяпти. Умрим буйи ҳеч кимга айтишни истамаган ва ҳеч кимга ҳеч қачон айтмаган сузлар ичимда қафасдаги куш каби тиширчилайди, ташкарига чиқа олмаяпти.

Бу сузларни кимга айтаман? Ёнимда ҳеч ким йук эди.

Ҳеч вақт усти очик машинам булмаган. Ҳеч вақт рулда утириб, машина ҳайдамаганман. Ҳеч қачон ҳеч бир шамол бир кизнинг сочлари билан юзларимни саваламаган. Аммо биламанки, бу киз бир умр кутганим ва бу кеча баногоҳ

хонамга келган Ойдандир... Камида уттиз йил олдин хаёлий машинамда хаёлий ҳайдовчилик қилган, хаёлий денгиз томонга кетган, хаёлий шамол сочларини юзимга урган киз эди у.

Бугун хонамда вақт тушунчаси йук. Узок хаёлларимдан бугунги вокеликка қадар ҳеч қанча ВАКТ утмаган, ВАКТ музлаб қолган эди.

Рақс тушаётган кизнинг қулларининг енгил титраши кулоқларимни куйга тулдирарди... Худди Томмазо Албинионининг “Адажио”сини тинглаётганга ухшардим, абадий айрилиқ қурқуви, саодатли кунларнинг бунака оз булишидан ҳосил булган таассуф ва ғуссали бир куй. Балериналар ялангоёк, оёқларининг учида югуришарди. Яна Дада Куркут ташбеҳи: “Ер босмай енгил юрган”...

Ойданнинг ракси хотираларни уйғотди, суфийлар, дарвешларнинг жазавали, гир айланган ҳаракатлари ёдимга тушди. Чиройли болаларга “ойдай бола” дейишларининг теран маъносини фақат эндигина тушуна бошлагандим. Ойдан Ойнинг парчаси эди. Ой янглиғ сирли, Ойнинг сеҳри, жозибасини гузал вужудига сингдирган бир раққоса... Гир айланган вақтларида кечки куйлагининг шамоли юзимга урилар, бошим айланар, ҳаяжонга кумилар эдим. Урнимдан туриб бу ёшгина меҳмонимни бағримга босгим, сочларини ҳидлагим келарди, бунака юмук кузларидан упишни, асалари каби дудокларидан бол олишни хоҳлардим.

Аммо унга тегиш мумкин эмаслигини билардим. Тегсам, уйғотиб юборган булардим. Ойга боғлиқ, ҳеч ким оғох булмаган ёпик дунёсидан бизнинг оддий булгани қадар қабих, қабих булгани қадар оддийдан оддий дунёмизга мажбурлаб олиб келган булардим.

Ҳамма нарсага аклим етарди, кизнинг бу тунги томошаси гайритабиий, сал булмаса бир хасталик натижаси эканини англадим, орамиздаги ёш фарқини, реал оламда орамизда ҳеч қандай севги муносабатлари мумкин

булмаслигини яхши идрок қилиб турардим. Шуни ҳам биламанки, эртага иш куни, тасодифан ҳовлида учрашиб қолишимиз мумкин. Шунда Ойнинг кизи бу кечани умуман эслолмайди, ҳақиқатан ҳам шундай булганига ақли бовар ҳам қилмайди. Менга боқиб, ёқимли, лекин угай, бегона ва ёт табассум қилиб утиб кетган буларди.

Уни уйғотишим мумкин эди. Бу ерда, хонада жисмоний таҳлика йук, йикилиб тушишидан қурқмасам ҳам булади. Лекин уйғонса, қандай хисларни бошидан кечиради, менга қандай кўз билан қарайди? Балки хасталик деб ҳисобланиши мумкин бўлган бу ҳолини кўрган кишини ҳеч қачон, ҳеч ерда қуришни истамас. Уни уйғотиш, бу сирли уйқусидан ҳушига келтириш гуноҳ буларди.

Ҳеч қурилмаган, инонилмас Ой раксини томоша қилмоқ, чексиз томоша қилмоқ... бу ракс ҳеч қачон тугамасин, машина денгизга етиб бормасин, булутлар Ой юзини ёпмасин, Ойдан уйғониб, чинакам ҳастни қуриб, уялмасин.

Мушук девор остида қулча булиб ётарди. Худди у ҳам раксини томоша қилаётгандай, қулоғимга чалинган хаёлий куйни тинглаётгандай эди.

Куй муқаррар равишда ниҳоясига кетаётган эди... Ҳар қандай гузал нарсанинг охири булгани сингари, афсус, бу ракс ҳам сунгига етиши керак эди... Ойдан қўлларини қўш каби силкита-силкита, ярадор турнадек тулғана-тулғана айвонга чиқди, тор қарниздан юриб, уйига утиб кетди. Мушук ҳам унинг орқасидан хонадан чиқди ва уз айвони томонга кетди.

Энди куй ҳам эшитилмай қолди...

УН ОЛТИНЧИ ФАСЛ

ОЛТИГА УЧ, ТУРТГА ИККИ, БЕШ ҚУША

“Мутлақ ёвузлик йуқ. Ёмонлик ҳам шартли тушунчадир. Бирига оёқ булган нарса бошқасига кишиан бўлиши мумкин. Заҳар илон учун ҳаёт, инсон учун эса ўлимдир. Денгиз баллиқлар учун яшаш муҳитидир, ер юзиди яшайдиганлар учун эса бугилиб ўладиган бир гирдобдир...”

Жалолидин Румий

“Қадимий ва аниқ қонунлардан воз кечган инсон нима Ёзгулик, нима Ёвузлик эканини энди фақат узи аниқлади”.

Ф.М.Достоевский,

“Ака-ука Карамазовлар”дан

8-даҳада чапдан учинчи қайрилишда 20-уйнинг темир дарвозаси олдида турардим. Қунғирок тугмасини босдим, дарвоза очилди ва мени рупарадаги уй томонга бошладилар. Кенг ховлининг икки томонида чет эл машиналари катор тизилган. Мени иккинчи қаватга олиб чиқишди. Кенг меҳмонхонага кирдим. Бири жуда кекса, иккинчиси нисбатан ёшроқ икки киши нарда уйнаётган эди. Ҳеч бирини танимасдим. Нарда уйнаётганлардан бири – ок кўйлак, хошияли шим, оёғига шиппак кийган киши оскка туриб, кулини узатди.

– Полковник Қосим Шайдосв, – деди.

Бу унинг уйи эди ва мени бу ерга у таклиф қилганди. Нарда уйнаётган иккинчи киши урнидан турмай, кулини менга узатди. Мен томонга юзланганда чап ёноғида йирик чандик борлигини курдим. Улар нарда уйнашда давом қилдилар. “Ҳозир Қосим олтига учни отади”, деб уйладим ва полковник олтига учни отди. “Буниси тўртга иккини отади”, деб уйладим. Тўртга иккини отди.

Қора куйлакли, бошига қора румол ураган хотин рупарадаги эшикдан ичкарига кирди. Қулидаги патнусда уч бардак чой бор эди. Чойларни олдимизга қуйди ва бир суз ҳам айтмасдан чиқиб кетди.

Қосим рақибига:

– Бир беш қуша ташласангиз “марс”ман, – деди.

“Бешга бешни отади”, деб уйладим. Тошларни отди: беш қуша!

Қосим:

– Чойингиз совимасин, – деди, – мен ҳозир келаман.

Хонадан чиқди.

Тиртик дарҳол масалага утди:

– Сизни мен чақиртиргандим, – деди. – Полковникка сизни таклиф қилишни топширгандим. Танишга ухшайсизлар...

– Йук, уни биринчи марта куриб турибман.

– Аммо менга сизларни қачондир қушни бўлган, дейишувди.

Ҳеч нарса демай, бош чайқадим.

– Буинг аҳамияти йук, – деди, – сиз билан бир масала ҳақида гаплашмоқчи эдим. Хусу Қафарзодани танийсиз...

– Танийман, – дедим, – таниқли олимларимиздан.

– Балли. У жуда қадимий ва сирли нақшлар туширилган бир гиламнинг эгаси.

– Буни билмас эдим.

– Аммо менга сизнинг билмайдиган нарсангиз йук, деб маълумот беришган эди.

– Сизга буни айтганлар жуда купиртириб юборишган.

– Ҳай майли... Ҳар ҳолда Қафарзоданинг кадр-қийматини сиз ҳам биласиз. Ҳозир таклифимни билиб оласиз. Гап шундаки, Қафарзодани асрашимиз лозим.

– Асраш? Кимдан? Нимадан?

– Емон куздан. Ҳа, ажабланманг. Қафарзоданинг боши устида катта хавф бор. Сузларим сизга ғалати туюлиши

мумкин, лекин бу, афсуски, хакикат. Қафарзодага қарши оккульт кучлар ишга солинган.

– Оккульт кучлар?

– Балли. Афсуски, бизлар, материалистик тарбия остида етишган инсонлар ҳалигача жиддий деб карамайдиган, хисобга олмайдиган бунақа кучлар ҳам бор, улар етарли даражада кучлидирлар. Хуллас, олимнинг боши дардда. Ҳаммаси ана шу гилам туфайли.

– Ё иламини уғирлашни истастирмилар?

– Уғирлашни истасалар бир нав эди. Бундан ҳам даҳшатли ишлар қилишмоқчи.

– Қандай?

– Авф этасиз, бунисини сизга айтолмайман.

– Яхши, мендан нимани истайсиз?

– Сизнинг жодуни, куз тегишини бир хурофот ва булмағур нарса эмас, балки жиддий муаммо сифатида урганганингизни биламиз. Шундай эмасми?

– Муайян маънода.

– Майлига. Бу соҳада неча йиллардан бери тадқиқотлар олиб боряпсиз. Бу борада ҳам етарлича маълумотимиз бор. Ғайритабиий суггестия қобилятингиз борлигини ҳам биламиз.

“Ё Худо, бу киши суггестия – фикр талкин этиш, уйғотиш тушунчасини ҳам билар экан”, дея уйладим.

Худди фикримни уқигандай:

– Ҳа шундай, қасбимиз тақозосига кура, бу масалаларни ҳам билишимиз лозим, – деди.

Балки бу кишининг ҳам айтилмаган фикрларни уқиш қобиляти бўлса керак.

– Ҳар ҳолда, мендан нима истаётганингиз менга қоронғи бўлиб турибди.

– Яна тақрор айтаман, ҳавф жуда катта. Қафарзодани ёмон кўзлардан фақат сиз қурий оласиз. Сиз ва сиздан бошқа ҳеч ким.

Сунгра салкам буйрук оҳангида илова килди:

– Бу сизнинг ваган, халк ва мустақил давлатимиз олдидаги бурчингиздир.

Қосим меҳмонхонага кирди:

– Чойингиз совиб қолибди, янгисини келтирайлик?

УН ЕТТИНЧИ ФАСЛ

КУЗГА КУЗ

“Инсон озод бўлганидан кейин унинг доимий ва энг азобли таъвиши – кимга итоат этиши масаласидир. Инсонга, албатта, топиниши учун бир нуфузли шахс, муъжиза ва сир керак, у хатти-ҳаракатларини уларнинг иродасига кўра амалга оширади. Шундайки, инсон ва инсоният жамияти озод бўлишдан нафрат қилгани каби, ҳеч вақт, ҳеч нарсадан нафратланмайди. Инсонга озодлик, йўқ, нон лозим. Инсон нақадар озод бўлса бўлсин, ҳеч бир илм унинг нонга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Охиروقибат уз озодлигини оёқларингиз остига отиб, “Бизни қул қилинг, аммо нон беринг, қорнимизни тўғидиринг” дейдилар”.

**Ф.М.Достоевский, “Буюк инквизитор” бўлимида
Иван Карамазовнинг фикрларидан**

“Иблис ким? – Жами хиёнатларнинг сабабчиси... Ё, унда ҳаммага хоинлик қилган одам ким? – Иблисдир!”

Ҳусайн Жовид. “Иблис”.

3, 4, 6 тугмаларни босиб, уйимнинг эшигини очдим. Хона ним қоронғи эди. Ичкарида кимдир борлигини сездим. Чирокни ёқдим.

Тахминим тўғри чиқди. Стол орқасида Аҳлиман ўтирарди. Анчагача бир-биримизга боқдик. Илк дафъа юзма-юз турардик.

Нега келганини ҳам билардим. Суз, изохнинг ҳожати йўқ. Дарҳол:

– Бундай қилма, – дедим.

У ҳам ҳамма нарсани биларди, изох-пизоҳсиз деди:

– Менга монe булма.

Бир оз жим колдик. Сунгра Аҳлиман суради:

– У гиламнинг тарихини биласанми?

– Биламан, – дедим. – Америкада чиккан китобни укиганман.

– Унда бу гилам одамларнинг бошига не-не кулфатлар ёғдирганини билишинг керак. Салб юришлари вақтида салбчилар уни Бағдоддан Византияга олиб келишган. Византия императори булган аёл гилам, бинобарин, ҳокимият уғлининг кулига утишидан ташвишга тушиб, уз уғлининг – туккан уғлининг кул-оёғини боғлатиб, захарли илон солинган қопга тикдирган ва тириклай денгизга оттирган. Буни ҳам билармидинг?

– Билардим.

– Истанбул фатҳ этилганидан кейин гиламни ҳокимият рамзи сифатида асраганлар ва гиламни деб уртага адоват тушмаслиги учун султонлар фақат биргина уғлини тирик қолдириб, қолганларини гудаклигидаёқ қалласини олдирган. Буни ҳам билармидинг?

– Балли.

– Чалдирон жангида Султон Салимнинг ҳарам оғаси Хожа Минас султонга хиёнат қилган ва гиламни олиб, кизилбошлар томонга утган. Бундан хабаринг борми?

– Хабарим бор.

Шоҳ Исмоил бир марта хиёнат қилган киши яна хиёнат қилади деб, унинг қалласини олдирган.

Сафавийлардан Афшарларга, Афшарлардан Қожорларга утган бу гиламга Эронда Паноҳхоннинг гавдасини ураб, Шуша қалъасига юборишади. Бундан олдин Паноҳхонга ухлатадиган дори беришган ва ватанига борганда уйғонади деб уйлашган. Аммо табиб уни мурда деб уйлаган ва ёрган. Гиламнинг сиридан воқиф булган Хожа Шоҳ Шушани забт этаркан, Воқифнинг бошини шу гиламнинг устида кестириш ниятида булган. Мулла Паноҳ ром ташлаб, қутулишини билган ва Сафаралига кўркмасишлар, Оға Муҳаммаднинг ишини бу кеча битирсинлар, дея хабар юборади. Чунки юлдузлар бу ниятнинг амалга ошиши ҳақида хабар берган

экан. Ундан кейин нима бўлганини биласан. Қожорнинг қатлидан сунг Иброҳимхон оиласи билан калъага қайтади. Вокифнинг тақдирини ҳам, Иброҳимхон оиласининг қисматини ҳам биласан...

– Буларни менга нимага айтяпсан?

– Кут, айтаман. Майор Лисаневич Иброҳимхоннинг оиласини эмизикли гудакдан тортиб, то катталаргача битта қўймай киради, бироқ гилам унга насиб қилмайди. Гиламни бир ясовул қулга киритади. Уша ясовулнинг кимлигини биласанми?

– Йук, билмайман.

– Генерал Сисяновнинг адъютанти. Боку дарвозаси олдида Сисяновни улдиришганида уша адъютантнинг калласини ҳам кесишган. Гиламни Сисяновнинг калласи билан бирга Шаҳаншоҳга тухфа қилиб юборишади. Гилам Машрута инкилоби вақтида йуқолиб қолади. Сунгра боқулик бир миллионер уни Табриз бозоридан сотиб олади. 11-армия Боқуга бостириб кирганида бир ёш чекист уша миллионерни уз қули билан отади ва гиламни олиб кетади. Уша чекист кимлигини биласанми?

– Биламан, Қафарзоданинг отаси.

– Балли, энди айтганларимни гушундингми?

– Йук, тушунмадим.

– Неча асрлардан буён устига юзлаб, миңглаб кишининг қони туқилган бу гилам йук қилиниши лозим. Эгаси билан баробар. Ёки фақат ўзи. Бунинг фарқи йук.

– Нега энди фарқи йук? Гилам бир матоҳ, инсон булса, инсон...

– У бир манфур одам, жаллод отанинг угли. Ўзи ҳам отасининг ўзгинаси. Ҳаммага фақат ёмонлик қиладиган бир риёкор, разил.

– Кимга ёмонлик қилибди?

– Масалан, менга.

– Уху, бот у ёқдан, бот бу ёқдан, ё тарихдан, ёки оламдан сузлайсан, аслида ундан қасосингни олмоқчи экансан-да.

– Сузсиз хоҳлайман, майли, шундай деб билакол, аммо менинг фикрим шуки, асрдан асрга утиб келаётган бу жиноятларнинг томирини қуритмок ва бу жиноятларнинг рамзи булган гиламни йук қилмок даркор. Агар гиламнинг эгаси саркашлик қилса, унинг узини ҳам йук этмок лозим, чунки у жинойтга шерикдир.

– Қонни қон билан ювмайдилар. Жиноятни жиноят билан даф қилиб булмайди. Бировга ёмонлик қилсанг, у бу ёмонликни ҳеч қачон кечирмайди, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш учун пайт пойлайди. Бу йул билан занжирни узиб булмайди.

– Унда ёвузлик, зулм, ноҳакликнинг томирини қандай қуритиш мумкин?

– Фақат марҳамат, кечиритиш, ёмонликни унутиш билан.

– Яъни Ҳазрати Исонинг ахлоқи – унғ юзингга урсалар, чап юзингни тут, демакми? Йук, менга Янги Аҳднинг эмас, балки Қадимги Аҳднинг таълимоти мақбул: қузга қуз, жонга жон... Мен...

– Сабр қил, тухтасанг-чи, сенга бир ибратли ривоятни айтиб берай. Қушнисидан ҳамиша ёмонлик қурадиган бир киши авлиёнинг ҳузурига келади, аҳволни айтади, ундан маслаҳат суради. Авлиё: – Бор, уша қушнингга бир яхшилик қил, – дейди. Авлиёнинг сузини қайтара олмаган бу киши шундай ҳам қилади. Бир оз вақт утганидан кейин қушниси яна разиллик қилади. Уша одам яна авлиёнинг ёнига боради ва яна уша маслаҳатни олади. Бу бир неча марта такрорланади. Ниҳоят, жони халқумига келган одам авлиёнинг ёнига келиб дейди: – Сенинг маслаҳатларингга амал қилдим, аммо қушним бад амалларини қуймаяпти, унга яхшилик қилавериб ҳолим танг булди.

Авлиё:

– Қушнинг ёмонлик қилишдан қарчамаса-ю, сен нега яхшиликдан қарчайсан? – деган жавобни беради. Халқимиз ҳам дейди-ку: яхшиликка яхшилик қилиш ҳар кимнинг иши, ёмонликка яхшилик қилиш марднинг иши.

– Бу гарчи халкка хос донолик булса-да, чирик фалсафадир. Ундан кура, Хитой доносининг айтганлари ақлга мувофиқдир. Бу доно айтганки: ёмонликка яхшилик билан жавоб берадиган булсанг, яхшиликка нима билан жавоб кайтарасан? Бунга нима дейсан?

– Фарқ килмаслигинг керак, дейман Яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам айни яхшилик билан жавоб кайтаришинг керак. Булмаса, шундай булиб чиқадики, яхшилик қилиб унга жавоб кутсанг, айтиш мумкинки, бундай яхшилик бир нав поранинг узидир. Мавлоно ҳаммани: мусулмонни ҳам, насронийни ҳам, оташпарастини ҳам, мусавинни ҳам даргоҳига чақирган. Юз марта тавба қилганни ҳам ва тавбасидан қайтганни ҳам.

Ҳазрати Исо инсонларнинг бутун гуноҳларини уз устига олиб кетишни хоҳлаган эди.

– Инсонлар булса, уни хочга парчинладилар.

Унинг сўзлари бу қулогимдан кириб, у қулогимдан чиқиб кетди. Дедим:

– Будда: майли, дунёнинг барча гуноҳларини буйинимга олай, токи инсониятнинг оғриқлари ва дардлари камайсин, деган. Бизнинг Фузулий ҳам “Ҳам бер менга ҳам чекмак азобини, ҳам оламини айла ҳамдан холи” дейди.

Аҳлиман:

– Яхши, унда менга айт-чи, ҳеч бир гуноҳи булмаган чақалок нега қусурли булиб туғилади, нега дунёга кар, кур, ақли ноқис булиб келади, унинг айби нима?

– Афтидан, олдинги ҳаётида гуноҳ қилган.

Аҳлиман қаҳ-қаҳ уриб кулди:

– Реинкарнация, жонзотларнинг бир неча ҳаёт яшаши... Ҳинд фалсафасининг энг беъмани қоидаси. Бир неча ҳаёт яшамок ва аввалги ҳаётда қилганларининг ажрини бу ҳаётда бермок. Сен шунга ишонасанми?

– Балли. Сен бунга ишонмайсанми?

– Албатта, йук. Бошқа ҳаёт яшаган ва уша ҳаётдан бирон нарса эсида қолган биргина одам курсат-чи менга.

Модомики, аввалги ҳаётингдан эсингда ҳеч нарса қолмас экан, қачондир яшаганмисан ёки яшамаганмисан – бунинг нима аҳамияти бор?

– Гап шундаки, яшаётган даврингнинг адолатсизликлари ва узингга қилинган ноҳақликларнинг сабабини билиб оласан. Карма борлиқнинг энг буюк қонунидир. Карма табиат ва башариятнинг барча хатоларининг бадалидир ва уларнинг қайта такрорланмаслигининг таъминотчисидир. Агар “аҳли зарда қарам йук, қарам аҳлида зар йук”, агар “айшни нодон суриб, жабрни доно тортадиган” бўлса, дунёда зулм, қибр ҳукм сурса, зуравон мазлумнинг ҳуқуқини топтаса, қучли, буюк давлат кичик, заиф улканинг бошига истаганча уйин солса, буларни англашга фақат ва фақат карма ёрдам қилади. Ҳар бир кишининг бошқасига қилган ёмонлиги, қайси ҳаётда бўлишидан қатъи назар, бутун инсониятга қарши қилинган ёмонликдир ва башарият бунинг бадалини тулайди. Бир киши бир қуни бир мушукнинг юзини тилади. Уйига келганида қурадики, онасининг юзи тимдаланган. – Бу излар қаердан пайдо бўлди? – сурайди у. Онаси бўлса; – Бу сенинг амалингнинг натижасидир, – дея жавоб қайтаради.

– Тўхта, тўхта, сенинг бу хиндлардан урганган фалсафанга қура, ҳар бир жонзот дунёга бир неча марта келадими?

– Шундай.

– Масалан, олдинги ҳаётингда сен – нима десам-да, хафа бўлмагин – айтайлик, булбул ёки тут дарахти бўлгансан, дейлик. Тут ёки булбул қимга қандай ёмонлик қилибдики, бу ҳаётда сен бунинг учун товон тулайсан? Жимсан, чунки жавобинг йўқ-да. Ёки бошқа савол. Дейлик, бошқа ҳаётингда одам бўлмагансан. Унда отанг, онанг у ҳаётда айни одамлармиди ёки бошқалари? Нима деб жавоб берасан?

– Шундай саволлар борки, улар Худонинг сиридир, инсоннинг ақли етмайдиган яширин синоатдир. Бу борада, ҳатто, уйлаш ҳам миямизнинг имкониятидан ташқаридадир,

донолардан бири айтган: дунёнинг сир-синоати қаршисида жим бул. Сукут хатолардан кутулиш демакдир.

– Аҳа, демак, яна эски гап: шаккокка лаънат. Уша коммунистик мафкура ҳам шунга асосланар эди. Савол берма, сурама, шубҳаланма, иккиланма. Собир айтган: сузлама, шукр кил, худо ҳаққи, асло уйлай кўрма... фақат мияннга тикиштирилганларга ишон, вассалом – коммунизмга, Ҳазрати Исонинг тирилишига ва Махдийнинг келишига имон келтир. Барча динларнинг – фарқларини бир чеккага қуйиб тур – мохияти бир, яъни инсонга тасалли беришдан иборат. Инсонни Охиратнинг қоронғи, сассиз, бушлик ва ҳечлик қуркувидан халос этмок, уни алдамчи таскинлар билан овутмок – яъни бу фоний дунёнинг азобларига чида, нариги дунёда сени жаннат боғлари кутяпти. Ёки узингни яхши тут, акс ҳолда жаҳаннам утида ёнасан. Буларнинг ҳаммаси инсоннинг айни заифлигига қаратилган. Сенинг Қарман ҳам, реинкарнациянг ҳам шу қабилдаги нарсалар.

Сигарет кутисини узатди:

– Чекасанми?

– Биласан-ку, чеккан эмасман.

Сигаретани тугаштирди, тутунни маза килиб куксига смирди.

– Сенга бир ривоят айтиб берай, – деди. – Хулосани узинг чиқариб, айт. Уч ака-ука булган экан. Бири покиза, муқаддас авлиё, иккинчиси жинойтчи, қароқчи, қаллақесар, учинчиси булса, гудаклигидаёқ улиб кетган экан. Жаннат, дузахга ишонадиган булсак, айт-чи, нариги дунёда уларнинг қисмати қандай булади?

– Ҳақиқатан ҳам жаннат бор булса, шубҳасиз, авлиё жаннатга тушади, жаҳаннам бор булса, жинойтчи у ерга тушади.

– Хуш, гудак-чи?

– Гудак, афтидан, иккисининг орасида, аросатда қолса керак.

– Унда бундаи гап уртага чикади. Гудак сурайди: мен нега гудаклигимдаск улдим, нега катта булолмадим? Жавоб кандай булади?

- Сенинг тушунчангдан келиб чикадиган булсак, бу гудак вояга етганида ёмон одам, жиноятчи, карокчи булади. Шунинг учун ҳам гудаклигида улиши макбул топилган.

- Жуда ажойиб, унда уша карокчи, жиноятчи: пеншонамга жиноятчилик, карокчилик ёзилган экан, мен нега гудаклигимдаёк улиб, абадий дузах азобидан кутулмадим, деб сурамайдимми?! Жавобинг кандай? Курдингми, дустим, дунё мантиксиз дунёдир ва инсон ҳам тасодифан бу дунёга отилган мискин, бечора, маккор, бахил ва кинга ботган махлукдир.

– Йук, йук, ундай эмас.

Аммо Ахлимани тухтатиб булмади, сузларни боғмонлаб тўка бошлади:

– Инсон нимадир – ожиз, кучсиз, истеъдоддан кисир колган, имконлардан махрум, муҳаббат умиди пучга чиккан, жирканч хаёлларга берилган, бориб турган олчок, гуё юксак тоғларни яратганига узини ҳам ишонтирган пуч иддаоли, риёкор, дунёнинг узи сингари маъносиз бир борлик – инсон деганинг мана шу. Ҳатто, Иблис ҳам бундай була олмайди. Бахил, ёлғончи, бухтон ёғдирадиган, кинли, ялток... Гуё озодлик учун жонини тиккан, лекин озодликка қовушган заҳоти уз озодлигидан утдан курккандай куркадиган, ҳар бир қилмишини узгаларнинг буйнига ағдаришга уринадиган, доим хизматида туриш учун бир бут, бир салиб, бир рахнамо ахтарган ожиз ва мискин махлук. Дунёнинг энг мазали таомларини очофатларча ямлайдиган, сунгра ҳаммаёкни булғатадиган бир мурдор... Ер юзидаги узи сингари жонлиларга ғаним булган ва уларни азбаройи кайф қилиш учун овлайдиган ёки ҳайвонлар, қушлар, баликларнинг гуштини ейиш билан кифояланиб қолмай, уларнинг боласини, тухумини, асалини ҳам ютадиган қорин қули. Бир ховуч дон, уруғ сепиб бир турва, йук, ун турва, ун қоп махсул

олиш учун тупрокни кимёвий уғитлар билан захарлаган, ифлос окавалар билан денгизларни ифлослантирган, урмонларни кесган, газлар, тутунлар билан хавони бузган сбтуймас очкуз. Кечаги кунини унутган, эртасини уйламайдиган, факат бугунги куни билан яшайдиган бир товукмия... Жан Пол Сартр туғри айтадики, жаҳаннам бошқалардир, яъни узидан бошка барча одамлардир жаҳаннам.

– Иук, йук, яна йук. Насимий эътикодни деб улимга тик бокмадим?! “Ҳожимурод”ни ёзган Толстой, Махатма Ганди, Албер Шветсар, Тереза оналар-чи? Улим ёқасида шогирдларини ёлғиз колдирмаган, улар билан бирга улишни афзал билган Януш Корчак-чи? Инсон дегани дунёнинг энг гузал, энг нафосатли аёлларидир, энг жасур, энг кучли, энг иродали кишиларидир, энг масъум болаларидир, энг доно кексаларидир. Инсон деганимиз Фузулийдир, Ли Бо, Рафаэль, Моцарт, Чеховдир.

– Буларнинг ҳаммаси сеники булсин. Узинг билгандай яшайвер, бошка ҳаётда истаганларингга эришмок умидида бу ердаги умрингни пучга чиқар, алданавер. Аммо менинг уз билганимни килишимга монё булма. Истаган тақдирингда ҳам ҳеч қачон монё булолмайсан.

Аҳлиман қачон чиқиб кетди, сезмадим. Балки, у ҳеч келмаган эди... Кузимга куринган эди.

Аммо хонада ҳалигача сигаретнинг ачимсик хиди уфурар, кулдон сигарет колдикларига тула эди.

УН САККИЗИНЧИ ФАСЛ

КЕЧКИ ТОМОША

“Файласуфлик қилмоқ – улимга шай турмоқ демакдир”.

Мишель Монтен

“Инсон очиқ бир ҳақиқатни: бу дунёда энг кам деганда бир инсон, узи яшаётганини идрок этганидагина улим хавфи устидан голиб чиқади”.

Свами Вивекананда, хинд файласуфи

“Сузнинг асл маъносида фақат биргина жиддий фалсафий муаммо – уз жонига қасд қилиш муаммоси бор. Яшашга арзийдими, арзимайдими – бу масалани ҳал қилмоқ фалсафанинг асос саволига жавоб бермоқдир”.

**Альбер Камю, француз ёзувчиси ва
файласуфи.**

“Сизиф афсонаси”

Хабар: Кеча оқшом машхур олим Хусу Зелим уғли Қафарзоданинг уйида электр симининг туташуви натижасида ёнғин чикқан. Ёнғинда уйдаги барча ашёлар, жумладан, жуда кимматбаҳо қадимий гилам ёниб кул булган. Жиддий жароҳат олган олим ҳозир жонлантириш булимида ётибди. Докторлар унинг тирик қолиши учун ҳаракат қилишмоқда.

Тунги соат уч яримда телефоним жиринглади. Кечки кунгироклардан хамиша зада булардим. Нотаниш бир овоз эшитдим:

– Тез кийиниб, ҳовлига тушинг.

Бу буйрукни берган ким ўзи, мени нега ва каерга чақиряпти, мен нега бу амрга мутеларча буйсунишим керак? Шоша-пиша кийиниб, ҳовлига тушдим. Эшигимизнинг

шундоқкина олдида кизил лимузин турарди. Қоронғи булгани учун рулда утирган кишининг юзини кура олмадим, лекин машина ховлидан чиқаркан, тулин Ой нурида ёноғида икки чандик борлигини курдим.

На у ва на мен гапирдик. Қаерга, нега кетяпмиз? дея савол ҳам бера олмадим. Худди тилим тутилганга ухшарди. Машина тинч, осуда, фақат ваҳимали кучалардан утиб, шаҳардан чиқди. Чорраха бошида учиб-снган светофорнинг кизил, сарик, яшил чироклари ягона хаёт аломати каби кузга ташланарди.

Маштаға йулидан кетаётгандик. Бузовна, Мардакандан утдик, Шувеланинг асосий йулидан чикиб, боғлар оралаб кетган тупрок йулга тушдик ва бир катта бинонинг олдига етиб бордик. Бу шуролар давридаги Маданият саройларини эслатадиган бир бино эди.

Машинадан тушдик. Клубнинг – агар бунга клуб дейиш мумкин булса – ичига кирдик. Кул соатим туртга беш дакика колганини курсатиб турарди. Зал машъум бинафшаранг чироклар билан ёритилган. Олдинги каторларда одамлар утирар, орка каторлар буш. Тунги соат туртда бу канака томоша узи? Бу вақтда бу ерга тупланганлар ким?

Мен ҳам яқинроқдаги курсиларнинг бирига чукдим. Томошабинлар килт этмайди, хаммасининг кузи сахнадаги бир нуктага қадалган. Бир-бирдан уларнинг юзига боқдим ва бирданига англадимки, уларнинг купини танир эканман. Мендан сал нарироқда туккиз-ун яшар бир бола утирган эди, унга боқдим ва этларим тиканакланиб кетди – у уша муйна пальтоли кушним эди. Томошабинларни бирма-бир эслай бошладим: дустим Мухсин, тоғаси Мадат киши, Рубоба, Зокир... Илмий кенгаш аъзолари. Хусу Қафарзода... Ё Оллох, отам... онам ҳам шу ерда... Улар менга, йук, сахнага караетган эдилар.

Вужудимни даҳшат коплади, бу ерга тупланганлар қачондир – турли вақтларда – улиб кетган одамлар эди.

“Бошка дунёга кетди” деган сузнинг пинхоний ва хақикий маъносини ваҳима ичида англай бошлаган эдим.

Куккиسدан ҳаммаси чапак чала бошлади. Овоз чикмас, лекин ҳаракатларидан билиниб турарди, кузларини саҳнага гикканча, кимнидир олқишлаётган эдилар. Саҳнанинг кизил пардаси астагина очила бошлади. Парда тамоман очилиб булганидан кейин саҳнага рақс тушаётган Ойдан чиқиб келди. Юрагим увишди, унинг бу ерда, уликлар орасида нима иши бор экан?!

Бир аёлнинг бакиригидан уйғониб кетдим, тушакдан ирғиб туриб, айвонга яқинлашдим. Сахарги ғира-ширада ховлида Ойданинг жасади узала тушиб ётганини кўрдим. Қичкириб, юз-кузини тимдалаб йиғлаётган аёл унинг онаси эди.

Оркага кайрилдим. Девордаги йирик кузмунчок том уртасидан кок иккига булиниб кетган, ярми деворда колган, ярми ерга тушиб, чил-парчин булган эди.

Ерга тукилган кузмунчок парчаларининг ёнида Аҳлиман какқайиб турарди.

– Нега бундай килдинг? – дедим, – у кизини айби нима?

– Буни сен килдинг, – деди, – уни сен улдирдинг... Яна хонанга уйқули ҳолда келганди. Кетмокчи булганида уйкусираб бакирдинг: кетма, кетма! Қиз бу чоғда карнизнинг устида турганди, бакирганингдан сунг уйғониб кетди ва шу онда ховлига учиб тушди. Яхшиямки, азият чекмади, шу заҳоти улди.

Шу гапларни айтаркан, Аҳлиман менга яқинлашиб келаверди, унинг ниятини билдим. Очик эшикдан айвонга чиқди. Пастга каради. Менга орқа угириб турганди. Оний тараддуддан сунг бирданига бор кучим билан уни итариб юбордим. Айвон панжарасидан ошиб, пастга учиб кетди. Бир лаҳза утмай Ой кизининг ёнида унинг жасади ҳам узала тушди.

МУАЛЛИФДАН

Зукко уқувчи, афтидан, асарнинг Аҳлиман (Аҳриман ва Хурмузд) дея ном қўйилган икки персонажи, аслида, айни бир киши эканини англаган бўлса керак. Бу ҳолда савол туғилиши мумкин: муаллиф нима демоқчи ўзи – Эзгулик тимсоли булган Хурмузд Евузлик тимсоли булган Аҳриманни настга итариб улдиради, аммо у ҳолда – ҳар иккови бир шахс булса – иккаласи ҳам ҳалок булади-ку...

Шундай. Аммо асар бошига қайтинг. Маълум булдики, тириклайин кўмилган киши ўлмаган экан. У бир тасодиф ёки, балки, зарурат натижасида тирилиб, мазордан чиқди, дунёга қайтди, яшай бошлади. У ҳолда қайтган қайси бири – Хурмуздми, Аҳриманми; Эзгуликми ёки Евузликми? Еки ҳар иккаласими?

Бу саволнинг жавобини – яъни қарор беришни – уқувчининг ихтиёрига ҳавола қиламан.

2014 йил
июль-август сентябрь.

Дубровник – Боку.

Адабий-бадий нашр

Анор

Кўзмунчок

(қисса)

Озарбайжончадан Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ
таржимаси

Ношир	Абдурашид ГАПУРОВ
Мухаррир	Элмурод ЭГАМҚУЛОВ
Рассом	Забиҳулло УБАЙДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи	Абдужалил АБДУСАЛОМОВ

22.300 o

Нашриёт лицензияси АIN№ 015. 20.07.2018
Босишга рухсат этилди 11.12.2018. Бичими 60x84^{1/16}
Офсет босма. «Times New Roman» гарнитураси.
Ҳажми: 8,0. босма таб. Нашр таб. 4,4.
Адади 1000 нусхада. Буюртма № 2018-34.

Оригинал-макет «ZAMIN NASHR» МЧЖда
тайерланди. 100053, Тошкент ш. Боғишамол кучаси, 160.
Тел: 235-44-86
E-mail: zamin.nashr@gmail.com

«JAVOHIR NASHR» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 47.
Зиёлилар кучаси 6-уй



Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ таржималари

Туркчадан тўртинчи:

1. Умар Сайфиддин Бадал. (Ҳикоялар туплами)
2. Рашод Нури Гунтекин Қон даъвоси. (Роман)
3. Рашод Нури Гунтекин. Оташ кечаси. (Роман)
4. Рашод Нури Гунтекин. Хотин душмани. (Роман)
5. Рашод Нури Гунтекин. Тузилган япроқлар. (Роман)
6. Қорачаулгон. Қора кузлим, қайдасан. (Шеърлар туплами)
7. Нажиб Фозил Қисакурак ҳикоялари.
8. Явуз Баҳодирўгли. Хоразм ут ичида. (Роман)
9. Явуз Баҳодирўгли. Алвидо Хоразм. (Роман)
10. Явуз Баҳодирўгли. Малазгиртда жума тонги. (Роман)
11. Явуз Баҳодирўгли. Султон Салоҳиддин. (Роман)
12. Суот Дарвиш. Фосфорли Жаврия. (Роман)
13. Исмоил Бўзқурт. Мангал. (Роман ва ҳикоялар)
14. Арслон Байир. Куклам муждаси. (Шеърлар)
15. Ойдин Танэри. Жаполиддин Хоразмишох ва замони. (Тадқиқот)
16. Муҳйи Гулшаний. Рашаҳоти Муҳйи.
17. Юнус Эмро. Яҳё Оқэнгин, Метин Турон шеърлари ва Али Насим (Қибрис), Ёқуб Умарўгли, Усмон Чевиксуй ҳикоялари.

Тўбачиқдан тўртинчи:

1. Чулпон, Ойбек, Омон Матжон, Хосият Рустамова шеърлари.
2. "Урта асрларда Шарқнинг буюк олимлари ва мутафаккирлари". (Китоб-альбом)
3. Алишер Дарвеш. Қилиқлари каймоғим. (Шеърлар туплами).

Она тилидан тўбачиқ:

1. Анор. Кузмунчоқ. (Қисса)
2. Парвин. Қор ёгажак. (Ҳикоялар)
3. Али Ҳасанов. Геосивсат. (Тадқиқот)
4. Э.Ахундова. Шахс ва давр. (Ҳужжатли роман)

Туркман адабиётидан:

Ҳусн Йилдир. Тегиренли йилик. (Шеърлар туплами)

Русчадан (тўбачиқга Т га ақсар ва релюна, шу ағулиқдан):

1. Габриэль Гарсиа Маркес. "улут Онанинг жанозаси". (Танланган ҳикоялар туплами)
2. Бранислав Нушич. "Жамоанинг бопаси". (Роман)
3. Олег Кузнецов. Қорабоғ конфликтини "афсоналари" тугрисидаги ҳақиқат. (Тадқиқот)

ISBN 978-9943-5433-9-6

